

А.Нурмонов, Б.Шербобоева, У.Иброҳимова, Р.Шокирова

Она тили

5



КЫРГЫЗ ИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ ГЕРБИ



ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ДАВЛАТ БАЙРОҒИ



ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГИМНИ

Сөзү: Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики

Муз.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Бйык сактап, урпактарга берели.

Кайырма:

THE UNIVERSITY OF CHICAGO
LIBRARY

2

А.Нурмонов, Б. Шербобоева, У. Иброҳимова, Р. Шокирова

Она тили

5-синф

1-нашри

Қирғизистон Республикаси
Таълим ва маданият вазирлиги тасдиқлаган

Ўш – Бишкек 2004 йил.

Кыргыз Республикасы
Билим, илими жана маданият
министрлиги
№ 9 А. РУДАКИ
орто мектеби

Министрлер Кеңешинин
Кыргыз Республикасынын
Средний классы
А. 2-2

УДК 373.167.1
ББК 81.2Ки Я721

О-58

Дарслик ҚИРҒИЗ-ЎЗБЕК УНИВЕРСИТЕТИ тасарруфидаги
"ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ" томонидан тайёрланди.

Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни университет
маъмуриятига ёки "Марказ" раҳбариятига ёзма равишда билдиришини
гизини илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,
Г.Айтиев кўчаси, 27-уй.

Муҳаррир: С. Холтўраев

О-58 Она тили: 5 синф / А. Нурмонов, Б. Шербобоева,
У. Иброҳимова, Р. Шокирова. Ўш-Б.:2004. - 128 б.
ISBN 9967-413-94-8

О 43060220200-04
ISBN 9967-413-94-8

УДК 373.167.1
ББК 81.2Ки Я721

© Қирғиз-Ўзбек университет
ти тасарруфидаги Қирғизистон
Республикаси ўзбек мактаблари
учун дарсликлар тайёрлаш
маркази, 2004

© МОК КР, 2004

Қардошлик қўшиғи

Беқасам тўн ўзбегим,
Қирғиз икков туғишган.
Иссиқкўлнинг сувида
Бет-қўлини ювишган.
Олатоғнинг гулидай
Чуст дўлписи бошида.
Қирғиз меҳмон чақирса,
Ўзбек унинг қошида.
Дўстим палов дамлади,
Анор уздим боғидан.
Биздан еди бешбармоқ
Қўшиб сариғидан.
Ушда ўсиб улғайдим,
Хаёт шуни буюрган.
Икки милдат, икки халқ
Қони танга қуйилган.
Қалбимда қардошликнинг
Саховати жўш урар.
Ўзим ўзбек, шеъримда
Қирғиз меҳри жўш урар.

(Т. А.)

Азиз ўқувчи! Бошланғич синф она тили дареларида сиз ўзбек тили фанининг фонетика ва графика, лексика ва грамматика бўлимлари бўйича дастлабки маълумотларга эга бўлдингиз.

Ўзбек тилининг товуш таркиби, уларнинг хусусиятлари, товушларнинг ёзувда ҳарфлар орқали берилиши, товуш ва ҳарфларнинг бир-бирига яқинлиги ва уларнинг фарқи, баъзан бир товушнинг икки ҳарф билан (нг), аксинча, икки товушнинг бир ҳарф (е, ё, ю, я) билан ифодаланиш ҳоллари юзасидан маълум тасаввурга эга бўлдингиз.

V синфда фонетика ва графика, лексика ва сўз ясалиши бўлимлари билан атрофлича танишасиз. Шунингдек, морфология бўлимини ўргана бошлайсиз.

Тил – кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси

Кишилар ўзлари билган маълумотларни бошқаларга етказиш, билмаганларни эса бошқалардан билиб олишга ҳаракат қиладилар. Демак, кишилар ўзаро алоқасиз яшай олмайдилар. Улар бир-бирлари билан тил орқали муомалага киришадилар. Кишилар ўзаро алоқаралашувда, баъзан тилдан бошқа воситалардан, масалан, имо-ишоралардан, турли хил белгилар (йўл ҳаракатлари белгиси, ранглар ва бошқалар) дан ҳам фойдаланадилар. Аммо бу воситаларнинг ҳеч бири тилнинг ўрнини тўла боса олмайди, улар тилга ёрдамчи воситалардир.

Тил кишилар ўртасидаги алоқа воситаси экан, демак, у жамият билан боғлиқдир. Жамият тил орқали бир бутунликни сақлайди ва ўз навбатида, жамият бўлмаса, тил ҳам бўлмайди.

Масалан, Ҳиндистонда Камола исмли бир қизчани бўри олиб қочиб кетган. Қиз бўрилар галаси орасида улғайган. Аммо гапиришни билмаган. Бўрилар каби овоз чиқариб увлаган.

Бу тилнинг фақат жамиятга хос эканлигини, шу жамиятга хизмат қилишини, демак, ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатади.

Саволларга жавоб беринг:

1. Кишилар қандай воситалар ёрдамида ўзаро фикр алмашадилар?
2. Тил нима учун кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси ҳисобланади?
3. Кишилар бўлмаса, тил бўлиши мумкинми? Нима учун?
4. Нима учун тил ижтимоий ҳодиса дейилади?

1-§. Матндаги гаплар чегарасини аниқлай билиш

1-машқ. Ўқинг. Матни қайта ҳикоя қилинг. Нечта гапдан иборат эканлигини аниқланг.

1998 йилда учувчи-космонавт, Қирғизистон Республикаси Қаҳрамони Солижон Шариповга "1998 йил кишиси" мукофоти берилди. Шу муносабат билан мамлакатнинг атоқли фан, маданият ва жамоат арбоблари С. Шариповга табрик мактублари йўлладилар.

Мактубда шундай дейилади: "Сизнинг америкалик астронавтлар билан коинотга парвозингиз Қирғизистон тарихи ва космик даврнинг улкан воқеаси бўлиб қолди. Қирғизистон халқи Олатоғ ўлкасининг фарзанди ўз жасорати билан Ватанга хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатгани билан фахрланади ...".

(“Ў.С”)

2-машқ. Берилган расм асосида 6-8 гапдан иборат кичик ҳикоя тузинг.



3-машқ. Сўзларни ўқинг. Берилган сўзларни сўз ўзгартувчи қўшимчалар ёрдамида бир-бирига боғлаб, гаплар тузинг.

1. Изланган, толе, ёр. 2. Дўст, бош, қара, душман, оёқ. 3. Куз, серзавқ, кунлар, бир. 4. Боғлар, мевалар, пиш. 5. Далалар, йиғим-терим, ишлар, қизғин.

4-машқ. Сўз бирикмаларини ёзинг. Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Катта кўча, баланд бино, менинг ўлқам, дарсни тайёрламоқ, байрамга тайёрланмоқ, укамдан катта, қунт билан ўқимоқ, ҳақиқат учун курашмоқ, интизомли ўқувчи, зийрак қиз.

5-машқ. Берилган сўзлардан билан, ҳақида, тўғрисида, учун сўзлари ёрдамида сўз бирикмалари тузинг ва намунадагидек ёзинг.

Н а м у н а: Дўстлар билан учрашмоқ.

(Ким билан?) Дўстлар ¹... учрашмоқ, (нима тўғрисида?) ўқиш ¹... суҳбатлашмоқ, (нима ҳақида?) меҳнат ²... гапирмоқ, (ким билан?) врач ³... гаплашмоқ, (нима билан?) қалам ⁴... чизмоқ, (нима учун?) яшаш ⁵... курашмоқ.

2-§. Сўз туркумлари

6-машқ. Кўчиринг. Отларни топиб, тагига чизинг, сўроғини ёзинг.

Менинг дарсхонам

Менинг дарсхонам кенг ва ёруғ. У хонада стол, стул ва китоб жовони бор. Жовонга турли китоблар терилган. Менинг дарсхонамда дарс тайёрлаш учун барча шароит яратилган.

7-машқ. Ўқинг. Матндаги от, сифат, сонни аниқлаб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида қаторга ёзинг.

Арча

Арча Ўрта Осиёда кўп экилади. Тоғ этаклари ва кенг майдонларни арчазорлар эгаллаган.

Арча жуда секин ўсади. Шунинг учун унинг бўйи 50 йил ичида бир ярим-икки метрга етади. Ўрта Осиё халқлари ҳаёти арча дарахти билан яқиндан боғланган. Чақалоқлигида арчадан ясалган бешикка ётади, балоғат ёшига етгач, арча эгарга минади, кексайганда арча ҳассага таянади.

Арча – жуда фойдали дарахт. Кўм-кўк арчаларни авайлаб ўстирайлик.

8-машқ. Ўқинг. Атоқли отларни кўчириб ёзинг.

Қирғиз кўли

Дунёдаги энг катта кўллардан бири Иссиқкўлдир. У катталиги жиҳатидан Жанубий Америкадаги Титакана кўлидан кейин иккинчи ўринда туради.

Иссиқкўлга 50 дан ортиқ дарёлар сув қуяди. Туп, Жиргалан, Катта Қизилсув, Катта Оқсув ва бошқалар. Иссиқкўлнинг жануб томонидан Чўй дарёси оқиб ўтади.

9-машқ. Дарёдаги расм асосида "Мақтаб боғида" деган сарлавҳа остида матн тузинг. Тузган матнингизда от, сифат, сон, олмош иштирок этсин.

10-машқ. Қуйидаги матндан қаратқич ва тушум келишиқлари иштирок этган сўзларни ўзи боғланиб келган сўзлар билан биргаликда кўчириб ёзинг.

Академик Ҳабиб Абдуллаев Олой тоғларининг этагида жойлашган хушманзара Аравон қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Эҳтимол, қишлоқ атрофининг ажойиб табиати, унинг уйи яқинида катта конлардан бирининг топилганлиги Ҳабибнинг қалбида геология фанига қизиқиш уйғотгандир. Ана шу қизиқиш уни Ўрта Осиё Индустириал институтининг тоғ-геология факультети сари етаклади.

(Б.Э.)

11-машқ. Кўчиринг, сифатларнинг тағига чизинг, устига сўроқларини ёзинг.

Ўш – энг қадимий ва чиройли шаҳар. Ўшнинг сўлим-салқин боғлари, сервиқор тоғи ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. Ўшда муқаддас зиёратгоҳ жойлар кўп.

12-машқ. Ўқинг, сифатларни ўзи боғланган от билан бирга кўчириб ёзинг.

Фотиҳ Музаффаров эғнида ўзига ярашиб тушган кул ранг костюм, янги мебель билан жиҳозланган хонанинг ўртасида турарди. Хонанинг тўрида ранг-баранг телефонлар терилган кўзгудай ялттироқ столнинг бир ёнида бош бухгалтер ўтирарди.



13-машқ. Кўчиринг. Олмошларни топиб, сўроғини аниқлап. Қайси келишида эканини айтинг.

Қосимбек Бобурни, унинг онаси ва опасини тавозе билан ичкарига кузатиб кўйди. Ҳзи мармар зинапоя олдида қолди. Бобур онаси ва опасига йўл бериб, кейин Ҳзи ичкарига кирди. Меҳробга шам ёқиб кўйилган эди. Бу Бобурда ғалати завқ уйғотди.

– Ислими гулхан шуми? – деб сўради.

– Ислими гулхан – мана бу. Сиз нақши долани бунга ўхшатишсиз, амирзодам.

(П.Қ.)

14-машқ. Кўчиринг. Фейлларнинг тағига чизинг, сўроқларини аниқлап.

Кечки пайт хужрада Бобурнинг ёлғиз Ҳзи қолди. У хужра ичкарисига тўшалган бекасам кўрпачалар устига чиқиб бошига ёстиқ кўймасдан, бирпас чалқанча ётди. Кейин девордаги нақшларга тикилди. Сўнг айвонга чиқди-да, яна атрофни томоша қила бошлади.

(П.Қ.)

15-машқ. Кўчиринг. Фейлларни аниқлаб, шахси, замонини айтинг.

Лайлак келди – ёз бўлди,

Қаноти қоғоз бўлди.

Лайлак боради тоққа,

Қулоқларида ҳалқа.

Ҳалқаси тушиб қолди,

Ўтирди йиғламоққа.

(Х.о.и.)

3-§. Айрим унлиларнинг ёзилиши

16-машқ. Кўчиринг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ қилган унлиларнинг тағига чизинг.

Баҳо, баҳор, боқимонда, валломат, варақ, даволамоқ, жавоб, савол, май, март, ҳаво, жаҳон, тамом.

17-машқ. Нуқталар ўрнига а, о унлиларидан мосини кўйиб, сўзларни кўчиринг. “Имло луғати” дан текширинг.

Б...ён...т, нақ...р...т, з...мон, ш...б...да, и...вбатчи, буғд...й, мукоф...т,
б...ҳор, ш...фт...ли, ш...б...да.

18-машқ. Ўқинг. Унлиларни айтинг. Ёзилишни билиб олинг.

Аёл, толе, тавозе, буюк, гавҳар, ниҳоят, саёҳат, сиёсат, таназзул, таомил.

19-машқ. Нуқталар ўрнига у, и унлиларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Б...но, беш...к, в...ждон, в...лоят, г...лос, г...ёҳ, г...воҳ, г...л...стон,
г...р...ч, д...р, т...н, қов...н, тов...ш, сов...н, қ...в...р, сов...қ.

20-машқ. Нуқталар ўрнига и, е унлиларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг. шу сўзлардаги и ва е унлиларининг айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.

М...ҳрибон, л...ксика, с...ёҳдон, п...ёла, адр...с, д...ректор, м...роб,
м...ҳр, м...ҳваткаш, м...ҳмон, м...нсимоқ, м...тти, м...сол.

Меҳрибон, меҳр сўзларини қатнаштириб гаплар тузинг.

21-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган унлиларнинг айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.

Фонетика, орган, тонна, килограмм, комиссар, телефон, интеллектуал, мукофот, шофёр, вокзал.

22-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзлар иштирокида гап тузинг ва ёзинг. Ёзган гапингизда иштирок этган унлиларнинг талаффузи ва ёзилишини тушунтиринг.

Аёл, ихтиёр, тайёр, парашют, самолёт, етмиш, елка, меҳмон, чеҳра, юлдуз, уюшма, июль, жиян, суюк, буюк, октябрь, ягона.

23-машқ. Кузда қилинадиган ишлар ҳақида кичик ҳикоя ёзинг. Ҳикояга сарлавҳа қўйинг. Унда қуйидаги сўзлардан фойдаланинг.

Сўзлар: сабзи, пиёз, помидор, қовоқ, лавлагич, карам, шолғом, тарвуз, қовун, куз, йиғим-терим, полиз, сабзавот.

4-§. Айрим ундошларнинг ёзилиши

24-машқ. Ўқинг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ қилган ундошларни айтинг.

Китоб, мактаб, клуб, авлод, завод, мақсад, ҳисоб, умид, мурод, жавоб, кабоб, қассоб, сабаб.

Шу сўзларга эгалик кўшимчаси қўшиб, намунадагидек ёзинг. Эгалик кўшимчаси қўшилганда, бу сўзларнинг айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладими?

Н а м у н а: китоб – китобим.

25-машқ. Нуқталар ўрнига зарур ундошларни қўйиб, мақолларни кўчиринг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган ундошларни айтинг ва тагига чизинг.

Режасиз иш — қолипсиз ғиш... Ҳисо...ли дўс...лайрилмас. Шамол бўлмаса, дарах...нинг учи қимирламайди. Бошингга қилич келса ҳам, рос...гапир. Дўс...аचितи... гапирар, душман кулдири... .

Мақолларнинг маъносини айтиб беринг.

26-машқ. Нуқталар ўрнига зарур ундошларни қўйиб, сўзларни кўчиринг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган ундошларнинг тагига чизинг.

Обо...и, озо...и, фарзан...и, саво...и, дарома...и, балан...и, ҳунарман...и, шоғир...и, авло...и, дўс...и, жуф...и, заво...и.

Ажратиб кўрсатилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

27-машқ. Нуқталар ўрнига зарур ундошларни қўйиб, сўзларни кўчиринг. Айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган ундошларнинг тагига чизинг.

Теле...он, то...шириқ, телегра...и, ҳа...та, ша...толи, ...омидор, муко...от, ...африка, ко...ток, бина...ша, ший...он, ...азилат.

28-машқ. Нуқталар ўрнига х, ҳ ундошларидан зарурини қўйиб, мақолларни кўчиринг.

1. 1. Арининг за...рини чекмаган болнинг қадрини билмас.
2. Ба...илнинг боғи кўқармас. 3. Ер ...айдасанг куз ...айда, куз ...айдамасанг, юз ...айда. 4. ...алқ бор ерда ...ақлик бор. 5. ...ақ жойига қарор топар. 6. ...унар, ...унардан унар.

II. Меҳнат ҳақидаги ўзингиз билган мақоллардан ёзинг. Маъносини айтиб беринг.

29-машқ. Нуқталар ўрнига ҳ ва х ундошларининг зарурини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Му...бир, фа...ир, ...ато, ...атто, ...азон, ...ебон, ...ўроз, ...алол, ...ашарот, ...овуз, чошго...и, су...бат.

Шу сўзлардан учтаси иштирокида гаплар тузинг.

30-машқ. Нукталар ўрнига айириш ва юмшатиш белгиларидан зарурини кўйиб сўзларни кўчириш.

Да...во, та...риф, та...на, пал...то, табел..., мў...табар, са...ва, фил...м, мў...жиза, сан...ат, қал...а, кон...ки, фе...л, сур...ат.

31-машқ. "Имло луғати" дан айириш белгиси билан ёзилдиган 5 та сўз топшиғи ва улар иштирокида гаплар тузинг.

32-машқ. Қуйидаги сўзларга эгалик ёки қелишиқ қўшимчаси қўшиб, намунадагидек ёзинг.

Намуна: сентябрь – сентябрда.

Лагерь, январь, февраль, апрель, июнь, июль, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь, табель, ноябрь, автомобиль.

Синтаксис ва пунктуация (тиниш белгилари)

Нутқ – бир бутун мазмунга эга бўлган гаплар йиғиндиси.

Нутқ гаплардан, гап эса сўзлардан тузилади. Кишилар гап орқали ўзаро фикр алмашадилар. Лекин ҳар қандай сўзлар йиғиндиси гап бўлавермайди. Гапда сўзларнинг ўзаро боғланиш йўллари синтаксисда ўрганилади. Масалан: **мактаб, келдик, биз** сўзлари айрим ҳолда гап эмас. Улар синтактик алоқага киришганда гап ҳосил бўлади: **Биз мактабга келдик.**

Пунктуацияда тиниш белгиларининг ишлатилиш қоидалари ўрганилади. **Пунктуация** атамаси лотинча "пунктум" сўздан олинган бўлиб, "нуқта, жой", деган маъноларни ифодалайди. Пунктуацион қоидалар синтаксисга боғлаб ўрганилади.

5-§. Матн

33-машқ. Берилган расм асосида 8 та гапдан иборат матн тузинг.

Матн яратиш босқичлари



Сўз танлаш

Сўз бирикмаларини
ҳосил қилиш

Гап тузиш

Матн яратиш

1. Нима учун ёзган тасвирингиз матн деб аталади?
2. Матн деганда нимани тушунасиз?
3. Матн яратиш босқичлари жадвалидан фойдаланиб матн тузинг.

Ёзилган, кўчирилган ёки босилган ижодий, илмий асар, нутқ, ҳужжат ёки уларнинг бир парчаси **матн** дейилади.

Матн икки турли бўлади: ривоя матн, тасвир матн.

34-машқ. Матнни кўчириг. Унинг муаллифини аниқланг. Кимнинг тилидан баён қилинганини айтиг. Бу қандай матн?

Баланд қоятошлар билан текис воҳалар бир-бирига ғалати тарзда киришиб кетган. Ўш атрофлари бир неча кундан бери жуда серҳаракат. Андижондан туяларга ортиб келинган ҳашаматли чодирлар Буратоғ этагидан оқиб ўтадиган Жаннатариқ бўйига ўрнатилган.

Ривоя матн

|| Маълум бир шахс томонидан воқеа-ҳодиса ҳақида ||
билдирилган фикрлар баёни **ривоя матн** дейилади.

35-машқ. Расмдаги нарса-буюмларни тасвирлаб матн тузинг. Матннинг турини айтинг.



Тасвир матн

|| Бирор воқеа-ҳодиса, нарса-буюм тасвирини ифодалаган ||
матн **тасвир матн** дейилади.

36-машқ. Ўқинг. Матнда кўп нуқталарнинг ишлатилиш сабабини тушунтиринг.

Ибн Сино ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида илм ўрганиш борасида чеккан заҳматларини қуйидагича баён этади:

... Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг барча қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен кечалари кам ухлар, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим ... Ана шу зайдда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим.

(Х.Х.)

37-машқ. Матндаги гаплар чегарасини аниқлаб, тиниш белгиларини қўйинг ва кўчиринг. Нуқтадан кейин бош ҳарф билан ёзишни унутманг.

Арилар

Арилар қорамтир-сарик тусли совут кийиб ясанган аскарларга ўхшайди, орқа қорнига жойлашган яширин найзаси ариларнинг кучли

қуролидир, улардан иккита ялтироқ парда қаноти узоқ жойларгача учиб бориши ва учиш йўлини тез ўзгартира олишига ёрдам беради, арилар гуруҳ бўлиб яшайди ари найзасининг таг қисмида заҳарли бези бўлади.

(Б. Э.)

38-машқ. Матнини кўчириңг. Ўзгаларнинг фикри матида қандай берилганини ёдда сақланг.

Бу воқеа минг йил аввал бўлган. 8–10 ёшли дўмбоққина бола Аму соҳили бўйлаб айланиб юрар, ҳар хил ўт-ғиёҳ ва гулларни йиғишга ошиқарди. Кунларнинг бирида йиққан ғиёҳларини кўтариб, маҳаллаларидаги ҳамма танийдиган табибга келтирди-да: "Бобо, бу ўтнинг оти недур?" – деб сўради. Табиб бобо жилмайди, боланинг қизиқишидан хурсанд бўлиб: "Баракалла, бўтам, қандай яхши иш қилибсан. Булар доривор ўтлар – ғиёҳлар", – деди.

Бу болакай бўлажак улуғ олим Абу Райҳон Беруний эди.

6-§. Гап

39-машқ. Қуйидаги сўзларни ўзаро боғлаб, гаплар тузинг ва зарурлигини белгиларини кўйинг.

1. Ватанимиз, севмоқ, ўз, биз. 2. Бой, тарих, қунт, ўрганмоқ, унинг. 3. Бойликлар, Ватанимиз, қорачиғи, кўз, асрамоқ. 4. Биз, бўлиши, дунё, тинчлик, истамоқ.

40-машқ. Берилган сўзларни қўшимчалар ёрдамида бир-бирига боғлаб, гаплар тузинг. Тузган гапларингизни ифодали ўқинг ва зарурлигини белгиларини кўйинг.

1. Яшасин, биз, муस्ताқил. 2. Истиқлол, кўёш, торлаган, Ватан, севмоқ. 3. Майинг, тонг, шабада, ранг-баранг, гуллар, аста, тебратмоқ. 4. Мен, Турсунбой Адашбоев, янги асар, ўқимоқ. 5. Китоб, энг, севимли, дўст.

Гап бир сўздан ёки ўзаро боғланган бир неча сўзлардан тузилиб, тугалланган оҳанг билан айтилади. Маълум фикрнинг ифодаловчи сўз ва сўзлар қўшилмасига гап дейилади.

Мисол: Куз. Мевалар гарқ пишган.

Ёзувда ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади.

41-машқ. Матини ўқинг. Гапларнинг чегарасини оҳангга эътибор беринг. Тиниш белгиларини қўйиб, матини кўчириңг.

Ватанимиз мустақилликка эришди, халқимизнинг асрий орзулари амалга ошди, унутилган умуминсоний қадриятларимиз истиқлол туфайли тикланди, энди биз адолатли, қонуи устувор бўлган жамиятни қурмоқдамиз, шундай экан, Ватан равнақи, халқимизнинг фаровон ва осуда ҳаёт кечириши учун тинимсиз меҳнат қилмоғимиз лозим.

(У.М.)

42-машқ. Шеърини ўқинг, нечта гап борлигини, ҳар бир гап нечта сўздан тузилганини айтиңг.

Она тилим

Она тилим – ўз тилим-ку, ўз тилим,
Оқ сут билан танга кирдинг, кўп ширин.
Сен бу мурғак юрагимга, онгимга
Умр сирин очиб бердинг, кўк сирин.

Она тилим – тириклигим таянчи,
Она тилин унутганлар аянчдир.
Она тилим, сен ифтихор чашмаси,
Юрагимнинг сира туганмас ганжи.

(“Гулхан”)

7-§. Гапнинг мақсадга кўра турлари

43-машқ. Гапларни ўқинг. Қайси гап хабарни, қайси гап сўроқ, маслаҳат, илтимосни билдираётганини айтиңг.

Баланд тоғ орқасидан кўринган қуёш ёруғ нурларини атрофга сочди. Майин тонг шабадаси ранг-баранг гулларни аста тебратди. Сизга қандай гуллар ёқади? Боғингизда атиргул ҳам борми? Гулларни яхши парвариш қилиңг. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиңг.

Сўзловчи ўз нутқида бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида хабар беради, фикр юритади! Баъзан эса ўзига номаълум бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида суҳбатдошидан сўрайди. Айрим ҳолларда эса тингловчини бирор нарсани бажаришга ундайди ёки шу ҳақда истақ билдиради. Сўзловчининг ўз фикрини ифодалаш мақсадига кўра гаплар дарак сўроқ, буйруқ, ундов гапларга бўлинади.

44-машқ. Кўчиринг, керакли тиниш белгиларини қўйинг.

1. Халқ орзусини амалга оширишдан каттароқ бахт борми? (О.)
2. Биз бу қувончли кунларга осонлик билан етиб келмадик. Истиқболимиз нақадар порлоқ ва қувончли.
3. Етти ўлчаб, бир кес! (Мақол).

Дарак гап

|| Хабар, дарак маъносини билдирувчи гаплар **дарак гап** || дейилади. Ботирлар халқ хотирасида ҳамisha яшайдилар. (О.) ||

45-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир гапнинг мақсади кўра турини айтинг.

Хонзода бегим ўтирган хонанинг эшигидан чиройли соқол-мўйлов қўйган ўттиз ёшлардаги бир йигит шошилиб кириб келди. Бегим унинг саломига алик олди. Йигит унга томон юриб келар экан, овози титраб:

- Бегим, қадамингиз қутлуғ бўлсин! – деди.

Бу Бобур эди.

- Мени танимадингизми?

- Сиз...

- Мен Бобурмен!

- Наҳот?

- Мен сизнинг инингизмен!

(П.К.)

46-машқ. Гапларни кўчиринг. Нуқтанинг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Августининг охирлари эди. 2. Ўқитувчилик йўлланмаси билан Гулбоғ қишлоғига жўнадим. 3. Осмонда губор йўқ. 4. Сувлар ҳам тинган тагидан кичкина тошчаларгача кўришиб турарди. 5. Аравадан тушдим. 6. Суви тиниқ кичкина ҳовузчага энди ранг кира бошлаган. 7. Жийда маржонлари эгилиб турибди.

(С.З.)

47-машқ. Кўчиринг. Қалам ҳақида билганларингизни ёдингизда сақланг.

Дунёда 70 дан ортиқ рангда 370 хил қалам чиқарилади. Уларнинг узунлиги 1 сантиметрдан то 3 метру 60 сантиметргача. Биз ишлатаётган бир дона қалам билан 60 километрли чизик тортиш ёки 500 мингта сўз ёзиш мумкин.

48-машқ. Гапларни ўқинг. Қандай гап эканлигини айтинг.

1. Мустақилликка эришиб, демократик ислохотлар йўлига ўтган мамлакатимиз бугунги кунда эркин фуқаролик жамиятини барпо этмоқда. 2. Унда барчанинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бирдек ҳимоя қилинади. 3. Конституциямиз ўзида халқимизнинг продасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ақс эттирган. 4. Янги Конституциямиз қачон қабул қилинганини биласизми?

Сўроқ гап

Кимлар кутубхонага бордилар?

Қачон кутубхонага бордилар?

Ўқувчилар қаерга бордилар?

Ўқувчилар кеча нима қилдилар?

Ўқувчилар кутубхонага бордилар.

Ўқувчилар кеча кутубхонага бордилар.

Ўқувчилар кутубхонага бордилар.

Ўқувчилар кеча кутубхонага бордилар.

Сўзловчи ўзига номаълум бўлган бирор воқеа-ҳодисани суҳбатдошидан сўрайди.

Сўроқ маъносини билдирган гаплар **сўроқ гап** дейилади.

Сўроқ гаплар сўроқ олмошлари (ким?, нима? қанча?, неча? ва б.), сўроқ юкламалари (-ми, -чи, -а, -я) ёки сўроқ оҳанги ёрдамида ифодаланади.

Ёзувда сўроқ гапнинг охирига сўроқ белгиси (?) кўйилади.

Ким давлатимиз рамзлари ҳақида гапириб беради? Давлатимиз гербида нималар ифода этилганини биласизми?

49-машқ. Кўчиринг. Сўроқни билдирган сўзлар ёки қўшимчаларни тагига чизинг.

1. Мусобақада ким **ғолиб** чиқди? 2. Байроғимизнинг **қизил** ранги нимани билдиради? 3. Сен нечанчи синфда **ўқийсан**? 4. **Аканг** -чи? 5. Уканг ҳам мактабга борадими?

50-машқ. **Қачон?**, **қаердан?**, **нима учун?**, **қаерга?** сўзларни қатнаштириб "Оромғоҳда" мавзусида боғлашниши матн тузинг.

51-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни баландроқ овоз билан ўқинг. Оҳанг гапнинг мазмунига қандай таъсир қиляпти?

Ёзги таътилда Арслонбобга бордингизми?

Ёзги таътилда Арслонбобга бордингизми?

Ёзги таътилда Арслонбобга бордингизми?

52-машқ. Адабиёт дарслигидан 6 та сўроқ гап тошинг ва кўчиринг. Сўроқни билдирган воситаларнинг тагига чизинг.

Буйруқ гап

Табиат бойликларини кўз қорачиғидай асранг.

Бирни кессанг, ўрни эк. (М.)

Бобуржон, сўзимга ишонинг, бу беш кунлик дунё сизнинг куюнишингизга арзимайдир! (Л.Қ.)

Буюриш, илтимос, маслаҳат каби маъноларни ифода қилувчи гаплар буйруқ гап дейилади.

Буйруқ гап охирига гапларнинг оҳанги ва мазмунига қараб нуқта (.) ёки ундов (!) белгиси қўйилади.

53-машқ. Машқни кўчиринг. Гаплар охиридаги тишиш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Ёмонга ёндашма, яхшидан адашма. 2. Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан. 3. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл. 4. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл. 6. Сиз, Бобур мирзо билан бирга отланинг! (Л.Қ.) 7. Бу хабар ҳозирча сир тutilмоғи керак! (Л.Қ.)

54-машқ. 4 та буйруқ гап тузинг. Қандай маънони ифода-лашгани айтишг.

55-машқ. Бор, асра, бажар, қил, тер каби феъллар иштирокида буйруқ гаплар тузинг. Нима учун буйруқ гап эканлигини, гап охирига қандай тишиш белгиси қўйилишини тушунтиринг.

Ундов гап

Бугун ҳаво қандай мусаффо!

Яшасин мустақил Ватанимиз!

Эҳ, биз қандай бахтли ёшлармиз!

Гаплар ҳис-ҳаяжон иштирок этишига кўра икки турли бўлади: ҳис-ҳаяжонсиз гаплар; ҳис-ҳаяжонли гаплар (ундов гаплар). Ҳис-ҳаяжонсиз гаплар одатдаги дарак, сўроқ, буйруқ гаплардир. Бу гапларга ҳис-ҳаяжон қўшилиши билан ундов гап ҳосил бўлади.

↑Кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилган гаплар **ундов гап** дейилади.

Ундов гап махсус кўтаринки оҳангга эга бўлади. Ундов гаплар баъзан ундов сўзлар билан келиши мумкин. Ёзувда ундов гапнинг охирига ундов (!) белгиси қўйилади. /

56-машқ. Машқни кўчиринг. Ундов гаплар қандай ҳосил бўлганини тушунтиринг.

1. Қҳ, бевафо дунё! (*П.Қ.*) 2. Қ, қадрдоним Шўраҳим! (*О.Ё.*) Бу қандай қоинсофлик? (*П.Қ.*) 3. Соқин ёз кечалари нақадар гўзал! 4. Ҳа, дунё ўзи шунақа экан! (*О.Ё.*) 5. Тоқати тош экан одам боласининг! (*О.Ё.*) 6. Илдоё, қариган қоғимда фарзанд доғини бошимга солмагайсан! (*О.Ё.*)

57-машқ. Ундов гаплар иштирок этган боғланишли матн тузинг. Керакли тиввиш белгиларини қўйинг.

58-машқ. Расмни диққат билан кўриб чиқинг. Қуйидаги мавзулардан бирида ишро ёзинг. "Боғда", "Қовун полизида" ва "Далада".



8-§. Сўз бирикмаси

Расмларни диққат билан кузатинг. Нималар тасвирланган?



Ҳар бири ниманинг барги эканлигини аниқланг.

Гапда сўзлар бир-бири билан маъно ва грамматик жиҳатдан тобе боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қилади.

Сўз бирикмаси мустақил сўзларнинг ўзаро тобе муносабатга киришувидан ҳосил бўлади.

Кўмакчи сўзлар эса ўзи боғланган мустақил сўз билан бирга бир бўлак ҳисобланади.

Қандай? қандай? нимани? ким учун?
Катта кўча, баланд бино, китобни ўқиш, онам учун олиш,
кимнинг? нима орқали?
укамнинг кўйлаги, телефон орқали гаплашмоқ.

Сўз бирикмаси бош сўз ва эргаш сўздан тузилади. Сўроқ ҳамма вақт бош сўздан эргаш сўзга берилади. Ўзбек тилида эргаш сўз бош сўздан олдин келади.

59-машқ. Сўз бирикмаларини ёзинг. Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтишг.

Н а м у н а: Ватанни севмоқ.

I Ватанни севмоқ, топшириқни бажармоқ, ҳикояни ўқимоқ, онамга айтмоқ, театрга бормоқ.

II Чиройли кўйлак, кўркам бино, темир қошиқ, қизиқ эртак.

60-машқ. Сўз бирикмаларини ўқинг. Эргаш сўз бош сўзга нималар ёрдамида боғланганини айтишг.

Шакар қовунлар, асалдан ширин, китобни севмоқ, будут билан қопланмоқ, ўқиш учун бормоқ, саёҳат ҳақида суҳбатлашмоқ, олманинг гули, дунёнинг ишлари.

Сўз бирикмасидаги эргаш сўз бош сўзга маъно ва грамматик томондан боғланади.

Сўз ўзгартувчи қўшимчалар, ҳамда билан, ҳақида, учун каби ёрдамчи сўзлар ёрдамида боғланиш грамматик боғланишдир.

61-машқ. Берилган сўзлардан сўз бирикмалари тузиб ёзинг. Эргаш сўз билан бош сўзни боғловчи воситанинг тағига чизинг.

Н а м у н а: Онаси учун олмоқ.

Онаси, ^{Б/Н}бормоқ; ^{Д/Н}дўғонаси; ^{Б/Н}бормоқ; ^{И/Н}истиқлол; ^{К/Н}курашмоқ; ^{К/Н}китоб; ^{Қ/Н}суҳбатлашмоқ; ^{Қ/Н}қалам; ^{Қ/Н}қизмоқ; ^{Э/Н}эртақ; ^{С/Н}севмоқ; ^{К/Н}китоб; ^{Ў/Н}ўқимоқ; ^{М/Н}мактаб; ^{Б/Н}бормоқ; ^{А/Н}шаҳар, айланмоқ;

62-машқ. Сўз бирикмаларини кўчиринг. Бош ва эргаш сўз қайси сўз туркумига киришини айтгин.

Ватанимизнинг бойлиги, мустақилликка эришмоқ, отамга айтмоқ, аълочи ўқувчи, шеърни ёзмоқ, яшаш учун курашмоқ, иқтидорли бола.

Н а м у н а: Ватанимизнинг ^{от}бойлиги ^{ниманинг?} ^{от}бойлиги.

63-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатишган сўзлар билан ҳосил бўладиган сўз бирикмаларини ёзинг.

Бишкек - Ўш йўли

Бишкек - Ўш йўли осмонўпар қир-адирлар оралаб ўтади. Бу йўлнинг узунлиги 600 километрга чўзилган. Бу йўлда йўловчилар учун барча **шароитлар** яратилган. Кўприклар солинган. **Туннелнинг** узунлиги уч километрга яқин. Бу йўл қурилишида барча миллат кишилари иштирок этганлар. Шу йўл қурилиши билан Ўш, Жалолобод, Талас **вилоятлари** аҳолиси республика **марказига** бемалол қатнаш имкониятига эга бўлди.

9-§. Гап бўлаклари

Гапларни ўқинг. Гапдаги ҳар бир сўзга сўроқ беринг. Одамлар инсоният тарихини билишга қадимдан интилиб келганлар.

Ҳар бир халқ ўз динига, табиат ҳақидаги тушунчасига мос инсоннинг пайдо бўлиши ҳақида ривоятлар, эртаклар яратган. (Қ.Ғ.Т.)

Гапда бирор сўроққа жавоб бўлган сўз ёки сўз бирикмаси **гап бўлаги** дейилади.

Гап бўлаклари иккига бўлинади: бош бўлаklar ва иккинчи даражали бўлаklar.

Эга ва кесим гапнинг бош бўлагидир. Кесим — гапнинг грамматик асоси. Гапда бош бўлаklarдан ташқари, иккинчи даражали бўлаklar ҳам мавжуд. Бош бўлаklarдан бошқа бўлаklar иккинчи даражали бўлаklar бўлади.

64-машқ. Ўқинг, ҳар бир гапда нечта бўлак борлигини аниқланг. Қайсылари бош бўлак, қайсылари иккинчи даражали бўлак эканлигини айтинг. 2 та гапни кўчиринг ва бош бўлаklarнинг тагига чизинг.

Манас болалик чоғида бехосдан бақирса, тоғдаги жонзотлар хуркиб, тўқайдаги йўлбарслар қочар эди.

Манас бешикда ётган маҳалда йиғи нима билмади. Бироқ босган изидан олов чақнаган шўх бола бўлиб ўсарди.

Болакай уч ёшга тўлганда «Жинни» номини олди.

Тўртга чиққанда дарахтни илдизи билан кўпориб, сувга тушса чўкмади, оловда эса куймади.

«Жинни» бола беш ёшга тўлганида, хўкиздай тошни даст кўтарди. Илоннинг бошини карт тишлади.

(“М.”)

10-§. Бош бўлаklar

65-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини аниқланг. Эганинг тагига бир чизиқ, кесимнинг тагига икки чизиқ чизинг.

Кузининг охириги ойда ҳаво совийди. Изғирин шамол эсади. Қушлар иссиқ томонларга учиб кетади. Боғбонлар боғлардаги охириги медаларини териб оладилар. Дарахтларнинг барглари сарғаяди. Қушлар қисқаради.

Эга ва кесим гапнинг бош бўлагидир. Гапнинг ким ёки нима ҳақида айтилганини билдирган бўлак **эга** дейилади.

Эга ким?, нима?, қаер? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Эга бош келишикдаги от, кишилик олмошлари ва отлашган сўзлар билан ифодаланади.

66-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир гашинг эга ва кесимини аниқланг. Эганинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

Қуёш чарақлаб чиқди. Фозил ота сув бўйида узоқ ўтирди. У қуёш ботганда уйига қайтди. Ўқиган ўзар, ўқимаган тўзар. (М.) Саричелақ - сўлим дам олиш маскани.

67-машқ. Берилган сўزلардан мосини кўйиб матнини кўчиринг. Эганинг тагига чизинг.

Ўшда тўқимачилик комбинати бор. Комбинатда минглаб (кимлар?) ишлайдилар. Комбинатда турли (нималар?) бор. Йиғирув цехида (нима?) йиғирлади. Ишлардан (нима?) тайёрланади. (Кимлар?) тайёрланган газламани бўяш цехида турли рангларга бўйидилар.

Қўйиш учун сўзлар: ишчилар, цехлар, ип, газлама, бўёқчилар.

68-машқ. Гапларини ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг. Гаптаги вазифини аниқланг.

Шувоқ чорва моллари учун тўйимли **озуқа ҳисобланади**. Шувоқзорларда боқилган қўйлардан кўпроқ зотдор қўзилар **туғилади**. Шувоқ Қирғизистонининг адир ва текисликларида **ўсади**. Уни халқ табиблари доривор ўсимлик сифатида турли касалликларини даволаш учун кенг **қўллашади**.

11-§. Кесим — гапнинг грамматик асоси

Нақш

Нақшлар буюмини безатиш мақсадида **чизилади**. У буюмини широйли **қилади**. Ўзбек устлари уйларини ва уй жиҳозларини безашда нақшдан **фойдаланадилар**. Миллий нақшларимиз гоаят **гўзал**. Акам - моҳир **наққош**.

Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг ва гапта қандай вазифини бажаришини аниқланг. Қайси сўз туркуми орқали ифодаланганини айтинг.

Кесим гапнинг беш бўлагидир. Кесим — гапнинг грамматик асосини ташкил қилади. У эганинг иш-ҳаракатини, ҳолатини аниқлатади. Кесим нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилаётми?, нима қилади?, қандай?, қанақа?, кимдир?, нимадир? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Кесим, асосан, феъл, от, сифат, сон билан ифодланади.

69-машқ. Ўқинг. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб кўчириг. Кесим қайси сўз туркуми орқали ифодаланганини айтиг.

Тарихда Ўш хунармандлар шаҳри сифатида *Али* Этиқдўзлик, тўқимачилик, чеварчилик, темирчилик каби ўнлаб касб эгалари турли буюмларни Ўшда дастлаб қурилган корхона Ўшликларнинг бадний диди жуда

Қўйиш учун сўзлар: машҳур бўлган, ясаганлар, пахта тозалаш заводидир, нозик.

70-машқ. Амир Темури ўғитларини ўқинг. Кесим қайси сўз туркуми орқали ифодаланганини айтиг.

1. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўй. 2. Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машваратдир. 3. Яхшини ёмон кунда сина. 4. Ақлли душман, жоҳилу водон дўстдан яхшироқ. 5. Куч адолатдадир.

(«Амир Темури ўғитлари»)

Ажратиб кўрсатилган сўзни изоҳланг.

71-машқ. Кўчириг. Кесимнинг тагига чизинг. Қирғизистон Республикаси Конституциясидан олинган моддаларни ёдингизда сақланг.

1. Қирғизистон Республикаси фуқаролари дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. 2. Қирғизистонда давлат етим болаларни ҳамда ота-оналарнинг ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш, ўқитишни таъминлайди. 3. Катталарга ҳурмат, қариндош ва яқин кишиларга гамхўрлик қилиш Қирғизистон халқининг муқаддас анъанаси ҳисобланади. 4. Атроф-муҳит, табиий бойликлар ва тарихий ёдгорликларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

(Қирғизистон Республикаси
Конституцияси)

12-§. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари

Қувноқ болалар боғдаги меваларни завқ билан термоқдалар. Мевазор боғлар айниқса кузда жуда чиройли бўлади.

Гапларни ўқинг. Бош бўлақларни гапнинг. Қолган бўлақларга савол беринг ва гапда қандай вазифани бажараётганини айтиг.

Гапда бош бўлақлардан ташқари иккинчи даражали бўлақлар ҳам бор.

Иккинчи даражали бўлақлар эга, кесим ёки иккинчи даражали бўлақлардан бирортасини аниқлаб, изоҳлаб келади.

Ҳар қандай иккинчи даражали бўлақ гапдаги бошқа бирор бўлаққа боғлиқ бўлади.

Иккинчи даражали бўлақлар тўлдирувчи, ҳол, аниқловчидир.

13-§ Тўлдирувчи

Биз жонажон мактабимизни севамиз. Боғдаги етилган мевалардан тердик. Ўқитувчи мажлисда интизом ҳақида гапирди.

Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг, қайси бўлақ билан боғланиб келганини аниқланг.

Тўлдирувчи - иккинчи даражали бўлақ бўлиб, у, асосан, феъл билан ифодаланган кесимга боғланади.

Тўлдирувчи кимни?, нимани?, кимдан?, нимадан?, кимга?, нимага?, нимада?, ким ҳақида?, нима ҳақида?, ким билан?, нима билан? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

Тўлдирувчининг тагига узук чизиқлар (-----) чизилади.

72-машқ. Мақолларни кўчиринг., тўлдирувчиларни топинг, тагига чизинг.

1. Ҳунар, ҳунардан унар.
2. Яхши яхшига ёндаштирар.
Ёмон йўлдан адаштирар.
3. Бугунги ишни эртага кўйма.
4. Сени иш енгмасин, сен ишни енг.
5. Мардни меҳнат енголмайди.
6. Иш устасидан кўрқар.
7. Олтин ўтда, одам меҳнатда билинади.

y y o

73-машқ. Ҳадисларни ўқинг, тўлдирувчиларни топиб, қайси сўз билан боғланганини айтинг.

1. Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар.
2. Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар.
3. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар.
4. Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир.
5. Аввало онапта, яна онангта ва яна онангта, сўнг отангта яхшилик қил.

(Ҳадисдан)

74-машқ. Ўзингиз тўлдирувчи иштирок этган 5 та гап ёзинг, тўлдирувчининг тагига чизинг.

75-машқ. Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб кўчиринг.

1. Ўқитувчи ... доска олдига чиқарди. ... ўтилган мавзуларни сўради.
2. У барча саволларга жуда яхши жавоб берди. 3. Ўқитувчи ... «аъло» баҳо қўйди. 4. Эркин ... миннатдор бўлди.

14-§. Ҳол

Қуйида берилган Амир Темур ўғитларини ўқинг. Қаерга?, қаерда?, қаердан?, қачон?, қандай? каби сўроқларга жавоб бўлган гап бўлақларини аниқланг.

Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди.

Ботир жангда билинар,

Доно машваратда.

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади. Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

Ҳол гапнинг иккинчи даражали бўлаги бўлиб, қаерга?, қаерда?, қаердан?, қачон?, қандай? каби сўроқларнинг бирига жавоб бўлади, ва иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини, вақтини, қандай бажарилишини билдиради. Ҳол кўпинча феълга боғланиб келади.

Ҳолнинг тагига қуйидагича (.....) чизилади.

Ҳол маъносига кўра равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли каби турларга бўлинади.

76-машқ. Кўчиринг, ҳолларни аниқлаб, тагига чизинг, сўроқларни ёзинг.

Оромгоҳ

Бизнинг оромгоҳ Арслонбобнинг виқорли тоғ этакларига жойлашган. Атроф кўм-кўк дарахтлар билан ўралган. Шу дарахтлар орасида тоғ биз билан ўйнашгандек мўралаб туради. Эрта тонгда чиққан қуёшнинг илиқ нурлари тоғ устида эримай ётган қорларга тушганда, қорлар худди кумуш каби ялтирайди.

77-машқ. Кўчиринг. Ҳолларнинг тагига чизинг. Маълум, вазифасига кўра турини айтинг.

Икки дўст оҳиста юриб кетди. Боғдаги гуллар гуркираб ўсади. Қуёш чарақлаб нур сочди Она эрталаб йўлга чиқди. Кечкурун ҳаммамиз уйга қайтдик. Ўқувчи берилган вазифани тўғри бажарди. Хурсандлигидан боши осмонга етди. У ўқиш учун мактабга кетди.

78-машқ. Матини ўқинг, ҳолларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

Буюк ипак йўли

Ўш қадимдан савдогарлар шаҳри бўлган. Эрамиздан аввал Хитойдан бошланган Буюк ипак йўли Марказий Осиёга, сўнгра Яқин Шарқ ва Европага Ўш орқали ўтган. Шунинг учун бу шаҳар тез ривожланди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳримизда кўплаб савдо муассасалари барпо этилди.

15-§. Аниқловчи

Ҳапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларга сўроқ беринг, қайси сўз билан боғланганини айтинг.

Амир Темури васияти


Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузуқларни яхши ўқинг, асдо унутманг ва татбиқ этинг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Мен каби узоқ ва адолатли салтанат сурмоқ истасангиз, қидичларингизни ўйлаб чекингиз. Орангизга пифоқ тухумлари экилмасин... Ўлим тўшағида сўзлагаң отангизнинг бу сўзларини унутманг.

Аниқловчи шахс предметнинг белгисини, хусусиятини, шаклини, мазасини, ҳажмини, ранг-тусини, бирор шахс ёки предметга қарашлилигини билдиради. Предметнинг белгисини билдирган аниқловчилар қандай?, қанақа?, қанча?, неманчи? каби сўроқларга жавоб бўлади. Бошқа предметга қарашлилигини билдирган аниқловчилар кимнинг?, ниманинг? сўроқларига жавоб бўлади. Аниқловчи сифат, сон, от, олмош билан ифодаланади.

Предметнинг белгисини ёки бошқа предметга қарашлилигини билдириб келган иккинчи даражали бўлак **аниқловчи** дейилади.


79-машқ. Кўчиринг, аниқловчиларни топиб, тағига чизинг, устига сўроғини ёзинг.

Сервиқор Буратоғни Бобур ёшлигидан яхши кўрар эди. Текис водийнинг ўртасига тушган бу баланд тоғ одамларни ҳайратлантириш учун яратилганга ўхшарди. Гўё у улкан тоғнинг бир парчасини илоҳий бир куч шундай кўтариб олиб келгану, томоша учун сайҳон жойга чиройли қилиб ўрнатиб кетган.

 (П. Қ.)

80-машқ. Матнини ўқинг. Аниқловчиларни ўзи боғланган сўз билан кўчириг.

Ўша хосиятли кун - 1989 йилнинг 10 июни «Оқ уй»ни тиклаш учун бошланган халқ ҳашари маросимини асло унутиш мумкин эмас. 400 метрдан ортиқ йўлак бўйлаб талабалар, жамоатчилик фаоллари, фидойи йигит-қизлар тизилишган эди. Ҳар бир ешит қўлма-қўл узатиларди. Тоғнинг пойи байрам тусини олган. Карнай, сурнай, мусиқа садолари қалбларга илҳом бағишлайди. Серғайрат ўсмирлар идишларда яхна чой, булоқ сувини олиб пастдан юқоригача ўрмалашарди, ҳашарчиларнинг чанқоғини қондиришарди.

 («Ўш фарзандлари»)

81-машқ. Кўчириг, аниқловчиларнинг тагига чизинг, қайси сўз туркумлар орқали ифодаланганини айтиг.

Беруний камтар, одобли, ҳақгўй ва олижаноб инсон бўлган. У ўз асарларида дунёнинг чексизлигини, қитъалар ва океанларнинг доимо ўзгариб туришини илмий асослаган. Беруний олимлар орасида биринчи бўлиб Ернинг шар шаклида эканлигини исботлади. Унинг йирик асарлари жаҳон халқларининг тилларига таржима қилинган. Беруний илм фанининг буюк ҳомийси ва мухлиси эди.

(«Б.Э.»)

82-машқ. От, сифат, сон, олмош билан ифодаланган аниқловчи иштирок этган 5 та гап тузинг.

16-§§ Йиғиқ содда гап ва ёйиқ содда гап

Ўқинг, ҳар бир гапнинг бош бўлақларини топинг. Ўнг томондаги гаплар билан чап томондаги гапларни таққосланг ва уларнинг фарқларини айтиг.

Тонг отди.
Қуёш чикди.
Гуллар очилди.



Аста-секин тонг отди.
Қуёш чарақлаб чикди.
Гуллар қийғос очилди.



Фақат бош бўлақлардангина тузилган гаплар **йиғиқ содда гаплар** дейилади.

Бош бўлақлар ҳамда иккинчи даражали бўлақлардан тузилган гаплар **ёйиқ содда гаплар** дейилади.

83-машқ. Кўчиринг. Бош бўлақларнинг тагига чизинг. Қайсылари йиғиқ ва қайсилари ёйиқ гап эканлигини айтишг.

Куз кунлари. Аравон боғларида олма, анор, узумлар фарқ пишган. Боғ гўзал. Унда товланиб турган мевалар яна ҳам гўзал.

Тонг отди. Бепоеён пахтазор. Пахталар очилган. Қизлар чаман-чаман пахтазор оралаб пахта термоқдалар.

84-машқ. Ўқинг. Аввал йиғиқ гапларни, кейин ёйиқ гапларни кўчиринг.

Осмон тиниқ. Офтоб чарақлаб турибди. Гуллаган боғлар орқада қолиб, шаҳар манзараси бошланди.

Мен бормайман. Бувим билан қоламан. Гулшод айтганини қилиб, шаҳарда қолди.

Муҳиддинларнинг боғи гўзал жойда экан. Мева-чева сероб. Нариги қирғоқ бедазор.

85-машқ. Ўқинг. Берилган йиғиқ содда гапларни ёйиқ содда гапларга айлантириб ёзинг.

Тонг отди. Отам - шифокор. Онам - ўқитувчи. Солижон Шарипов - фазогир. Дўстлар учрашдилар. Қўнғироқ чалинди.

86-машқ. Ўзингиз ўқиган бадий асардан 2 та йиғиқ, 2 та ёйиқ содда гапларни кўчиринг.

17-§. Уюшиқ бўлакли гаплар

Гапларни ўқинг, бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил вазифани бажариб келган гап бўлақларининг тагига чизинг.

1. Бу ерлардан буюк боболаримз Мирзо Улуғбек, Ҳазрат Навоий ва Бобур Мирзодай буюк сиймолар ўтган. (О.Ў.) 2. Алишер Ҳиротда, Машҳадда кўп йил таҳсил кўрди. (О.) 3. Ҳолбуви қизини бағрига босди, эркалади, юпатди. 4. Ишбилармонлик, тadbиркорлик - давр талаби. 5. Ой ёритади, аммо иситмайди.

Гапта бир хил сўроққа жавоб бўлиб, бир хил гап бўлаги вазифасини бажарувчи. Ҳазаро тенг боғловчилар ёки санаш оҳанги орқали бириккан гап бўлаклари **уюшиқ бўлаklar** дейилади.

Гапнинг ҳар бир бўлаги уюшиб келиши мумкин. Уюшиқ бўлаklar фақат санаш оҳанги билан боғланиши ҳам мумкин.

87-машқ. Кўчириг. Уюшиқ бўлаklarнинг тагига чизинг, гапнинг қайси бўлаги уюшганини айтиг.

Тўқимачилик комбинатига экскурсияга бордик. Комбинатда ип йиғириш, тўқиш, гул босиш цехлари бор экан. Йиғирув цехида ип йиғирилади ва калава қилинади. Тўқув цехида қизлар, йиғитлар турли матолар тўқимокдалар. Гул босиш цехида оппоқ читларга қизил, сариқ ва бошқа рангдаги гуллар босилмоқда.

88-машқ. Матни ўқинг, аввал бош бўлаклари уюшиб келган гапларни, кейин иккинчи даражали бўлаklar уюшиб келган гапларни кўчириг.

Улуғ шоирлар, ажойиб дostonчилар, зукко ўланчилар «Манас» дostonини бизга қадар етказиб келдилар. Унда элнинг тарихи, қайғуси ўз ифодасини топган. Бизнинг вазифамиз «Манас» эпосини ҳаҳон китобхонларига етказиш ва юксак поғоналарга кўтаришдир. Маданият-ли, зийрак китобхонлар бу фаройиб дostonни ихлос қўйиб ўқимокда.

89-машқ. Тўртта гап тузинг: икkitасида гапнинг уюшиқ бўлаklar боғловчиларсиз боғлансин, икkitасида боғловчилар воситасида боғлансин.

Уюшиқ бўлаklar ўзаро ва, аммо, лекин, бироқ, боғловчилари билан боғланганда **аммо, бироқ, лекин** боғловчиларидан олдин вергул қўйилади, **ва** боғловчисидан кейин вергул қўйилмайди.

90-машқ. Нуқталар ўрнига ва, лекин, аммо, бироқ боғловчиларидан мосини қўйиб кўчириг. Уюшиқ бўлаklarнинг тагига шартли чизикларни чизинг.

1. Аёл ғамгин, ... сеҳрли кўзларини бир нуқтага қадади. 2. Ой ёритади, ... иситмайди. 3. Ўқувчилар дарёда ўкидилар, ... ёзмадилар. 4. «Манас» эпосида Манаснинг қаҳрамонлиги юксак инсоний фазилатлари моҳирлик билан тасвирланган.

91-машқ. Туширилган тиниш белгиларини қўйиб, матни кўчириг.

Шоҳона безатилган момик пояндоз атлас якандозлар тўшалган таҳмонларига барқут кўрпалар, дид билан таҳланган хонада Манас ўзи

ёлғиз эди. Бундай шароитга асло куникмаган, тоғда эмин-эркин ўсган йигит диққинафас бўлди. Ёнида кўнгил ёзиш учун на дўстлар ва на қизлар, бор. Ташқаридаги оҳанграбо куйлар, шўх қўшиқлардан куёв бебаҳра эди.

92-машқ. Ўқинг. Аввал боғловчисиз боғланган уюшиқ бўлакни гапларни, кейин боғловчили боғланган уюшиқ бўлакни гапларни кўчиригинг.

1. Қиз бола уйнинг гули: супуради, сидиради, ҳамма ёқни саранжому саришга қилади. (*М. И.*) 2. Олатоғ, Еттисув, Олайга кўчамиз. (*«М. И.»*) 3. Ота ва бола бирин-кетин уйга кириб келдилар. Ҳам кўзлари, ҳам лаблари билан ширингина қилиб кулди. (*М. И.*) 4. У на хотин, на фарзанд кўрмаган эди. Саида гоҳ афеусланиб, гоҳ куйиб, гоҳ кулиб гапириб берди. (*А. Қ.*)

93-машқ. Ўқинг. Керакли тиниш белгиларини кўйинг. Тиниш белгиларининг кўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Айниқса, ёшларга ҳам устоз ҳам опа ҳам дугонадек сирдош эди. (*С. З.*) 2. Ахир мундоқ қарашсангиз аясангиз дейман. (*С. З.*) 3. Мен ҳам одам бўлиб китоб газета ўқишга вақт топсам. (*С. З.*) 4. Бу дарахтларни Ҳиндистондан Афғонистондан олдириб келибди. (*М. И.*) 5. Алимардон ҳам қувонч ҳам завқ билан унга бурилиб қаради. (*Ў. Х.*)

18-§. Ундалмали гаплар

Гапларни ўқинг. Ҳар бир гап кимга ёки нимага қаратилганини ўйлаб кўринг ва ҳулоса чиқаринг. Ундалма нима учун хизмат қиляпти?

Болалар, кўча ҳаракати қондаларига риоя қилинг. Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин, онажон! Ишонинг, дадажон, айтган гапингиз мен учун қонун. Сөзлар ичра яғонасан, дуторим. (*А. Пўлат*)

Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предмети билдирган сўз ёки сўзлар бирикмаси **ундалма** дейилади.

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида ёки охирида келиши мумкин. Ундалма бош келишидаги от ёки отлашган сўз билан ифодаланади.

94-машқ. Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни баландроқ овоз билан ўқинг. Қандай тиниш белгилари кўйилганига диққат қилинг.

1. Мен сенинг ўғлингман, **азиз Ватаним!** 2. Ғофиржон, унутма мени. (*Х.Х.*) 3. Сени улуғлайман, эй она халқим! (*А.О.*) 4. Қўрқманг,

мавлону, ёнингизда сипоҳлар ҳам бўладур. (О. Ё.) 5. Бу ҳисобсиз хазинани қайга яширгаймен, Қаландар? (О. Ё.) 6. Фақир кулбамизга хуш келибсен, ўғлим Алоуддин! (О. Ё.)

Ундалма гап бошида келса, ёзувда ундан сўнг вергул ёки ундов белгиси қўйилади.

Ундалма гапнинг ўртасида келса, ёзувда икки томонидан вергул билан ажратилади.

Ундалма гапнинг охирида келса, ёзувда ундалмадан олдин вергул қўйилади.

95-машқ. Кўчириг, ундалмаларни топиб, тишиш белгиларининг қўйилишини тушунтириг.

1. Не деб дуо қилурсиз валинеъмат? (О. Ё.) 2. Қани ҳожим ҳаж йўлида заҳмат чекмоқ савоб бўлур. (О. Ё.) 3. Али умидим ёлғиз сендан. (О. Ё.) 4. Бобожон нега индамадингиз, маслаҳат бермадингиз? (Ас. М.) 5. Энди она қизим чарчаб келгансиз озгина ором олинг. (А. Қ.) 6. Уйқунг келмаса юлдузларга қарагайсен тойчоғим. (О. Ё.)

96-машқ. Бадний асардан ундалмалар турли ўринларда келган 6 та гап ёнинг ва тишиш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтириг.

97-машқ. Гапларни ўқинг, ундалмаларни топинг ва тишиш белгиларининг ишлатилишини тушунтириг.

1. Қани, меҳмонлар, мана шу шотутдан олиб ўтиринглар, буни бобомиз экканлар. (Ўрол Ўтаев) 2. Ўғлим, халқ оғзаки ижоди бебаҳо хазина. 3. Халойиқ! Сизларни барчамиз учун муҳим бўлган бир маслаҳатли ишни ақл ва фаросат билан ҳал қилиб олиш учун чақирдик. ("М.") 4. Азизлар! Ўй-фикрларингни айтинглар? ("М.") 5. Гапнингиз барчамизга тегишли экан, Оқболта. ("М.")

98-машқ. Гапларни ўқинг. Ундалмаларнинг ўрнини алмаштириб гапларни кўчириг.

1. Гапимга ишонинг, домлажон! (О. Ё.) 2. Ўқувчилар, табиат бойликларини авайлаб асранг. 3. Сени эъзозлайман, эй она шаҳрим! 4. Умринг узоқ бўлсин, қизим, тузалиб кетасан. 5. Энди, оважон, ётиб дам олинг. 6. Ингитлар, бирин-кетин кўприкдан ўтинглар!

99-машқ. «Кўча ҳаракати қондалари» мавзусида ишро ёнинг. Ишода ундалмалар иштирок этсин

Такролаш учун тест саволлари

1-тест. Гапнинг бош бўлаклари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Тўлдирувчи, ҳол.
- Б) Эга, кесим.
- В) Аниқловчи, кесим.
- Г) Пайт ҳоли, тўлдирувчи.
- Д) Жавоблар нотўғри.

2-тест. Гапнинг грамматик асоси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Эга.
- Б) Эга ва кесим.
- В) Аниқловчи, эга.
- Г) Кесим.
- Д) Тўлдирувчи.

3-тест. От кесим иштирок этган гапни тошинг.

- А) Она уйкуга кетди.
- Б) Ўқувчи жавоб берди.
- В) Қирғизистоннинг пойтахти - Бишкек.
- Г) Тонг отди.
- Д) Дарс бошланди.

4-тест. «Эгри олади, тўғри ўзлади» гапнинг асоси нима билан ифодаланган?

- А) Фейл.
- Б) Олмош.
- В) Сифат.
- Г) Ҳаракат номи.
- Д) От.

5-тест. Ҳол қандай бўлак?

- А) Бош бўлак.
- Б) Ажратилган бўлак.
- В) Уюшиқ бўлак.
- Г) Иккинчи даражали бўлак.
- Д) Жавоблар нотўғри.

6-тест. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Эга, кесим, ҳол.
- Б) Аниқловчи, эга.
- В) Тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи.

- Г. Эга, тўлдирувчи, аниқловчи.
Д. Кесим, ҳол.

7-тест. Эга қандай сўроқларга жавоб бўлади?

- А. Кимга? Нимага?
Б. Ким билан? Нима билан?
 В. Ким? Нима? Қаср?
Г. Кимда? Нимада?
Д. Ким учун? Нима учун?

8-тест. Кесим уюшиб келган гапни топинг.

- А. Чўлда саксовул, янтоқ ўсади.
Б. Қўнғироқ чалинди.
 В. Уқувчилар дарсада ўқидилар, ёздилар.
 Г. Боғимизда чиройли гуллар очилди.
Д. Қуёш чарақлаб чиқди.

9-тест. «Биз тўғрилиқни, меҳнатни, ҳалолликни севамиз» гапида қайси бўлак уюшиб келган?

- А. Эга
Б. Кесим
В. Тўлдирувчи
Г. Ҳол
Д. Аниқловчи

10-тест. Ундалма қатнашган гапни топинг.

- А. Эшиқдан Наргиза кириб келди.
Б. Наргиза, келақол.
В. Ёзда, энг иссиқ кунларда учрашдик.
Г. Эркин, Салим кириб келишди.
Д. Жавоблар нотўғри.

ФОНЕТИКА, ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗ ВА ИМЛО

Фонетика — тилшуносликнинг нутқ товушларини ўрганувчи бўлими.

Графика — нутқ товушларининг ёзувда ифодаланиш усулларини ўргатади.

Орфоэпия — тилшуносликнинг адабий талаффуз қондаларини ўргатувчи бўлими.

Орфография — фикрни ёзув орқали тўғри ифодалаш учун қабул қилинган қондаларни ўргатади.

19-§. Нутқ товушлари ва нутқ аппарати

Нутқ органлари:

1 - ўпка; 2 - кекирдак; 3 - товуш пайчалари; 4 - оғиз бўшлиғи; 5 - тил; 6 - юқори ва пастки лаб; 7 - юқори ва пастки тишлар; 8 - бурун бўшлиғи.

Биз гапирганимизда товушларни талаффуз қиламиз. Ана шу талаффуз қилинадиган товушларимиз **нутқ товушлари дейилади**.

Нутқ товушларини ҳосил қилишда нутқ аъзоларимиз иштирок этади. Ўпка, кекирдак, товуш пайчалари, оғиз бўшлиғи, тил, юқори ва пастки лаблар, юқори ва пастки тишлар, бурун бўшлиғи нутқ аъзоларидир.

Нутқ аъзоларининг жами **нутқ аппарати**ни ҳосил қилади.

Гапирганда биз ўпкамиздан нафас чиқарамиз. Ўпкадан чиқаётган ҳаво нафас йўли орқали бўғизга, бўғиздан эса оғиз бўшлиғига, баъзан бурун бўшлиғига ўтади. Бўғизнинг устки қисмида кўндаланг тортилган товуш пайчалари бор. Ўпкадан чиқаётган ҳаво ўша товуш пайчаларига дуч келиб, уларни тебратади. Натижада ун - овоз ҳосил бўлади.

Ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғининг бирон ерида тўсиққа учраши ёки тўсиққа учрамай, тўғридан-тўғри чиқиши мумкин. Шунга кўра нутқ товушлари икки турга: унли товушлар ва ундош товушларга бўлинади.



20-§. Унли ва ундош товушлар

100-машқ. Сўзларни кўчиринг, унли товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига чизинг.

Она, бола, мактаб, китоб, истиқлол, куёш, боғ, дала, меҳнат, кураш, олма, анор, нок, булбул, ақл, идрок, байроқ.

Ҳар бир сўздаги унли ва ундош товушларни талаффуз қилиб кўринг. Унли товушлар қандай ҳосил бўляпти? Ундош товушлар-чи? Фарқини изоҳланг.

Оғиз бўшлиғида тўсиқларга учрамай, овоздангина ҳосил бўладиган товушлар **унли товушлар** деб аталади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида олтига унли товуш ва уни ифодаловчи қуйидаги ҳарфлар бор: и, э, а, о, у, ў.

Оғиз бўшлиғида тўсиқларга учраб, шовқин билан ҳосил бўладиган товушлар **ундош товушлар** дейилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ундош товушлар ва уларни ёзувда ифодаловчи ҳарфлар қуйидагилар: б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, Ҳ.

101-машқ. «Имло лугати»дан унли билан бошланган 10 та сўз таниб эзинг. Ҳар бир сўздаги унлини алоҳида талаффуз қилиб кўринг.

102-машқ. Кўчиринг. Унли товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига бир чизиқ, ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига икки чизиқ чизинг.



Улар унга етмоқ корида
Оқ автобус – пўлатий тулпор

Кунгураси кўк сари ўсган,
Чўкки гўё каштали қалпоқ.
Уни кўз-кўз қилиш осонмас дўстга,
Иложсиздир элтиб кўрсатмоқ.

(Қ.Т.)

103-машқ. Берилган сўзларни бўғинларга ажратиб ёзинг. Бўғинлар қандай ҳосил бўлганини тунунгизинг.

Асал, абжир, авлод, алоқа, асар, асбоб, байрам, байроқ, банда, бастакор, беҳи, биродар, бошқармоқ, важоҳат, вази, ваколат, варақ, васиятнома, гавҳар, гулхан.

Ундош товушлар унлилар билан ёнма-ён келиб, унлиларга қўшилиб айтилади; ёлғиз ундош товушлардан бўғин ҳам, сўз ҳам ҳосил бўлмайди.

104-машқ. Сўзларни ўқинг. Аввал унли ёрдамида маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни, кейин ундош ёрдамида маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни кўчиринг.

Бош-тош, мош-қош, бўр-бур, боғ-буғ, қор-тор, дор-бор, бол-бўл, бир-бор, газ-гап, жой-чой, хор-зор, боп-қоп, бола-лола, тош-тиш.

21-§. Жарангли ва жарангсиз ундошлар

Нукталар ўрнига қавс ичидаги ҳарфлардан мосини танлаб қўйинг, б ва п, д ва т ундош товушлари бир-биридан нима билан фарқ қилади?

Ҳисо... (б-п), жаво... (б-п), одо... (б-п), гирдо... (б-п), серо... (б-п), обо... (т-д), озо... (т-д).

Ундош товушлар ун пайчаларининг иштирокига кўра иккига бўлинади: жарангли ва жарангсиз ундошлар.

Жарангли ундошлар шовқин ва қисман овоз-уннинг иштирокидан ҳосил бўлади. Жарангли ундошларга б, в, г, д, ж, з, й, ғ, л, м, н, р, нг товушлари киради.

Жарангсиз ундошлар фақат шовқиндан ҳосил бўлади. Жарангсиз ундошларга п, ф, т, с, ш, ч, ц, к, қ, х, ҳ товушлари киради.

Нутқимизда б, д, з, г жарангли ундошлари ўрнида уларнинг жарангсиз жуфтлари алмашилиб келади: д-г, б-п, з-с, г-к каби. Бундай ҳолларда талаффуз қоидаларига кўра айтилгандай эмас, имло қоидаларига биноан т эмас д, п эмас б, к эмас г тарзида ёзилади.

105-машқ. Кўчиринг. Ундош товушларнинг тағига чизинг.

Она, мева, ғўза, қўй, эчки, момақалдироқ, мусиқа, қовун, тарвуз, китоб, дафтар.

106-машқ. Қуйидаги сўзларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқни тушуниринг.

Аҳмад, мактаб, азоб, китоб, озод, обод, сабаб, тартиб, завод, фарзанд, мансаб, отда, ўтда, арбоб, савоб, ҳисоб, кабоб.

107-машқ. Нуқталар ўрнига керакли ундошларни қўйиб мақолларни кўчиринг.

1. Ақл билан одоқ - эгизак
2. Дарахл бир жойда кўкаради.
3. Етти ўлчақ. бир кес.
4. Жаҳл - душман, ақл - дўс.
5. Офтоқ. кирмаган уйга табиб киради.
6. Пиёзнинг пўсқ. кўп, ёмоннинг дўсқ. кўп.
7. Пул топгунча, ҳисоқ. тоқ.

108-машқ. Сўзларни ўқинг, қайсилари фақат жарангли ундошлардан, қайси бири фақат жарангсиз ундошлардан, қайси бири ҳар икки хил ундошдан тузилган?

Стол, стул, шкаф, болға, болта, дада, айиқ, тулки, қўй, эчки, дарахт, кўшиқ.

22-§. Нутқ товушлар ва ҳарфлар

Қуйида берилган сўзларни ўқинг. Сўзлар нималардан тузилади? Нутқ товушлари ёзувда қандай ифодаланади? **Товуш** ва **ҳарфнинг** фарқини айтинг.

Ватан, инсон, бахт, гул, мева, ёшлик, мустақиллик, она, фарзанд.

Нутқ товушлари ёзувда махсус белгилар билан кўрсатилади. Нутқ товушлари оғзаки нутқ учун хос бўлса, ҳарфлар эса ёзма нутқ учундир.

Ёзувда нутқ товушларини ифодалайдиган белгилар **ҳарф** деб аталади.

Нутқ товушларини талаффуз этамиз ва эшитамиз. Ҳарфларни эса кўрамыз, ёзамиз ва ўқиймиз.

Ўзбек ёзувида аксарият ҳарфлар товушга тенг келади. Лекин айрим ҳолларда бир ҳарф икки товушни (е, ё, ю, я) ёки иккита ҳарф бир товушни (нг) билдиради.

НУТҚ ТОВУШЛАРИ

Товушларни талаффуз қиламиз, эшитамиз. Ҳарфларни кўрамыз, ёзамиз.

Ўзбек тилида 30 та товуш бор.

Товушлар ёзувда ҳарфлар билан белгиланади.

УНЛИ ТОВУШЛАР		а, о, и, у, ў, 5 - 6 та
УНДОШ ТОВУШЛАР	ЖАРАНГЛИ	б, в, г, д, ж, з, й, л, м, н, ңг, р, ғ - 13 та
	ЖАРАНГСИЗ	к, н, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ҳ - 11 та

нг товуши алфавитда ёзилмаган, чунки икки ҳарф (н + г) нинг бирикувидан ҳосил бўлган.

109-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир сўздаги товуш ва ҳарфлар сонини аниқлашг.

Аёз, альбом, ақл, баён, базм, бардош, воқеа, онг, тонг, даъват, имтиёз, илоҳиёт, яқин, таажжуб, таъсис, таъсир, ютуқ, юқори.

110-машқ. Матнини ўқинг. Ёзилишига диққат қилинг. Ажратиб кўрсатишган сўзлар нима учун катта ҳарфлар билан ёзилган?

Шарқ мусиқасининг асосчиси

Ҳар гал **Рудакий, Фирдавсий, ибн Сино, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий** ва **Навой** сингари алломалар асарларини мутолаа қилганда «**Барбод оҳанги**», «**Барбод усули**», «**Барбадона тарона**» сингари сўз ва ибораларга дуч келардим. Ана шундай кезларда «**Барбод ким экан?**» деган савол ақлимни банд қиларди.

Барбод стук мусиқашунос, бастакор, шоир, раққос ва ҳофиз бўлган. У **Марвда** яшаб ижод қилган.

Ҳарфлар икки хил бўлади: бош ҳарфлар, кичик ҳарфлар. Буларнинг ҳар бири ўз ўрнида қўлланилади.

1. Ҳар бир гап, шеърларнинг ҳар қайси мисраси бош ҳарф билан бошланади.

2. Атоқли отлар бош ҳарф билан бошланади: А. Навоий, Лутфий, М. Исмоилий, Ш. Раҳмон.

3. Қитъа, орол, денгиз, кўл, дарё, океан, канал, тоғ, мамлакат, шаҳар, қишлоқ, станция, майдон ва кўчаларнинг номлари бош ҳарф билан ёзилади: Африка, Қора денгиз, Иссиқкўл, Оқбура, Сулаймон тоғи.

4. Улуф байрамлар, буюк воқеа ва хужжатларнинг номлари бош ҳарф билан ёзилади.

5. Завод, фабрика, жамоа хўжалиги, газета, журнал, адабий асар номлари бош ҳарф билан ёзилади.

III-машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг ва жавобингизни ёзинг.

На м у н а: «Бемор» ҳикоясини ким ёзган? - «Бемор» ҳикоясини Абдулла Қаҳҳор ёзган.

1. «Бемор» ҳикоясини ким ёзган? 2. Сиз 5-синфда қайси ижодкорларнинг асарлари билан танишдингиз? 3. Қирғизистондаги кўл ва дарёларнинг номларини биласизми? 4. Қирғизистонда қандай байрамлар нишонланади? 5. Қайси газетага обуна бўлдингиз? 6. Ўшда қандай газеталар чиқарилади? 7. Дадангиз қаерда ишлайди? 8. Онангиз-чи?

23-§. Алифбо

Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ҳарф деб нимага айтилади?
2. Алифбо деганда нимани тушунасан?
3. Ҳарф билан товушнинг фарқини билиб олдингизми?

МЕДИ АЛИФБО

А	Б	В	Г	Д	Е	Ё
а	бэ	вэ	гэ	дэ	е	ё
Ж	З	И	Й	К	Л	М
жэ	зэ	и	йэ	ка	эл	эм
Н	О	П	Р	С	Т	У
эн	о	пэ	эр	эс	тэ	у
Ф	Х	Ц	Ч	Ш	Ъ	Ь
фэ	ха	цэ	чэ	ша		
Э	Ю	Я	Ў	Қ	Ғ	Ҳ
э	ю	я	ў	қа	ғэ	ҳамифр

Ҳарфларнинг маълум тартибда жойлаштирилган қатори алифбо дейилади.

Ўзбек алифбосида 35 та ҳарф бор.

Ҳарфларни ёзамиз ва кўрамиз.

Унли ҳарфлар - 10 та а, о, и, э, у, ў, е, ё, ю, я. Улардан е, ё, ю, я ҳарфлар 2 тадан товуш билдиради (ундош ва унлини).

Ундош ҳарфлар 23 та.

ъ, ь белгилари товуш билдирмайдиган ҳарфлардир.

Э с л а т м а:

Алифбони ёддан айтганда ҳар бир ҳарфни ўз номи билан айтиш ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Ҳарфларни м эмас, эм, к эмас, ка тарзида айтиш сўзларнинг биринчи ҳарфларидан тузилган қисқартма отларни тўғри ўқишни таъминлайди. Масалан: МТС эмас, эм те эс шаклида айтилади.

112-машқ. Қирғизистонлик ижодкорларнинг фамилияларини алифбо тартибда ёзинг. Ички тартибга ҳам риоя қилинг.

Айтматов Ч., Адашбоев Т., Тоштемиров У., Тошбоев Қ., Жусупов К., Абдуғофуров А., Мирзараҳимов М., Комилова М., Сегизбоев Ў., Мамарасулов А., Қурашев Ж., Исмоилий М., Бекмирзаев Қ., Мусабоева М., Шавкат Раҳмон, Қўлдош Мирзо.

113-машқ. Синфдошларингизнинг исmlарини алифбо тартибда жойлаштириб ёзинг.

114-машқ. Қуйида берилган сўзларни ўқинг. Нечта ҳарф борлигини айтинг.

Н а м у н а: Олма сўзида 4 та ҳарф бор, о, эл, эм, а.

Мактаб, боғ, тонг, она, инсон, ёмғир, юлдуз, анор, аъло, маъно, жанг, металл.

115-машқ. Берилган сўзларни кўчириг. Ундош товушлар қайси ҳарфлар билан ифодаланганини айтинг.

Н а м у н а: Бел сўзида бэ ҳарфи б товушини, эл ҳарфи л товушини ифодалапти.

Баҳор, она, мева, боғ, ток, онг, англа, осмон, ер, қуёш, сув, ҳаво.

Унли товушларни ифодаловчи ҳарфлар

24-§. И ва у унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

1. Сўзларни ўқинг, и унлисининг айтилиши ва ёзилишига диққат қилин.

Тиш, пичоқ, пишди.

Билан, бироқ, сира, тилак, билак.

Биринчи қатордаги сўзларда и унлиси икки ундош ўртасида келиб тўлиқ талаффуз қилинади ва ёзилади.

Иккинчи қатордаги сўзларда эса и унлиси билинар - билимас айтилади. Аммо и ҳарфи ёзувда туширилмайд.

2. Қуйидаги сўзларни ўқинг и унлиси қандай талаффуз қилинишини айтинг.

Қилиқ, қилч, хирмон, гишт, виставка.

Баъзан и унлиси қ, х, ғ товушлари ёнида келганда йўнроқ айтилади. Аммо ўзбек тилида и ҳарфи ёзилади.

Қирғизистон, қишлоқ, қизик, ғир-ғир.

3. Биринчи бўғида ў унлиси келган сўзларда иккинчи бўғида қандай унли келишига диққат қилинг.

Ўттиз, тўққиз, кўмир, ўйин, тўлқин.

Биринчи бўғида ў унлиси келган сўзларнинг иккинчи бўғидаги унли товуш у га мойилроқ айтилса ҳам, ҳар вақт и ёзилади.

4. Қуйида берилган сўзларни ёзинг. Биринчи бўғида у ёки ю унлиси келган сўзларнинг иккинчи бўғида қачон у, қачон и ёзилишига диққат қилинг.

Ўлуғ, ютуқ, юлдуз, уруш, тутун, узун, тузук, учун, тулки, кулги, супур, улгур, тушун, тушки.

Биринчи бўғида у, ю унлиси келган сўзларда иккинчи бўғида ҳам у, ю ёзилади. Биринчи бўғида у, ю, унлиси бўлган феълларнинг иккинчи бўғида ҳам у, ю ёзилади, аммо тулки, кулги, тушки каби биринчи бўғида у унлиси бўлган, шунингдек, бўри, ўқи, бўлим каби биринчи бўғида ў унлиси келган сўзнинг иккинчи бўғида и ёзилади.

5. Қуйидаги сўзларни ўқинг, сўнги бўғи бошидаги в ундошдан кейин келадиган у унлисининг айтилиши ва ёзилиши ҳақида фикр юргизиб кўринг.

Ўқовун, совуқ, совун, товуш, тарвуз, саксовул.

Демак, сўнги бўғин бошидаги в товушидан кейин келадиган у униси баъзан и га мойилроқ айтилса ҳам у ёзилади.

116-машқ. Қуйидаги сўзларни кўчириг, и унисининг айтилиши ва ёзилишини тушунтириг.

Из, илк, ин, илм, ип, исм, ис, иш, ич, тир, сир, қиш, тиш, гилос, бироқ, билан, сира, битиш, пичоқ, кийик, синиқ, тиниш, илтимос, қирқ, ҳикмат, ҳис, ҳил-ҳил.

117-машқ. Кўчириг, қуйидаги сўзларнинг айтилиши ва ёзилишини ёдингизда сақланг.

Ўтин	ўғир	қурук	тузум
уйин	ўғил	ютуқ	узум
бўғин	ўқимоқ	учқун	узук
кўмир	қўриқчи	унум	хунук
бўдиш	ўрик	чуқур	чучук
чўмич	мўри	булут	қуюқ
бўйин	сўри	суёқ	қутлуғ
кўрик	тўлқин	буёқ	суюнчи

118-машқ. Нуқталар ўрнига у ёки и унлиларидан мосини қўйиб, қуйидаги гапларни кўчириг.

1. Бугунги ишни эртага қўйма. 2. Боғимизда олма, ўрак, кўксатгой, узам ва шошқа турли мевалар бор. 3. Биз бу йил ўтдан ва кўмларни барвақт ёмлаб қўйдик. 4. Қўрққанга қўша кўрилар. 5. Булбул, чигтак, чумчак, чуғурчак, майна сингари қўшлар чигиртка ва қўрт-қумурскаларни еб қўритади. 6. Дарё гўзал, осмонда юлдуз, ой сузмақда адир устидан. (Х.О.)

119-машқ. «Имло луғати» дан и униси билан бошланадиган ҳамда биринчи ва иккинчи бўғинида у келадиган сўزلардан 10 талдан топиб ёзинг.

25-§. А, о ва ў унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

Сўзларни ўқинг. Биринчи қаторда берилган сўзлар билан иккинчи қаторда берилган сўзларда а унисининг талаффузига эътибор беринг.

Ака, ука, бизга, билган.

Қанақа, ғалаба, исирға, қарағай.

А унлиси ака, ука, бизга, билган каби сўзларда юмшоқ айтилади, к, г ундошлари билан ёнма-ён келганда, шунингдек, бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда қаттиқроқ айтилади. Аммо ҳар учала ҳолда ҳам бир хил - а ёзилади.

Қуйида берилган сўзларни ўқинг, о унлисининг айтилиши ва ёзилишига диққат қилинг.

I. а) от, бор, бош, тол;

б) ота, бола, олди.

в) баҳо, маъно, даъво, савол, китоб, баҳодир, мардона, сомон, бодом, қозон.

II. а) тонна, футбол, орден, норма.

б) ботаника, колхоз, концерт.

в) директор, трактор, экскаватор.

Биринчи бўлимдаги сўзларда о унлиси чўзиқ ва аниқ талаффуз қилинади.

Иккинчи бўлимнинг биринчи қаторидаги бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг урғули бўғинларида ота сўзидаги о товушига яқинроқ талаффуз этилади.

Учинчи қатордаги сўзларнинг урғусиз бўғинида ноаниқроқ, и га яқин айтилади.

Сўзларни кўчиринг, ў унлисининг талаффузига эътибор беринг.

Ўриш, ўроқ, чўмич, ўртоқ, обрў, рўбарў, ўч, Нўъмон.

Ў унлиси сўзнинг биринчи бўғинида аниқ талаффуз этилади. Область, ордер, норма сўзларидаги о унлисидан фарқ қилади.

120-машқ. Қуйидаги сўзларни кўчиринг. Ёзилишини ёдда сақланг.

Обрў, обуна, овул, овқат, одам, одат;
обод, овоз, озод, озор, оппоқ, олмос;
область, образ, объект, обсерватория.

121-машқ. «Имдо лугати»дан а унлиси иштирок этган 20 та сўз ёзинг. А унлисининг айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.

122-машқ. Қуйидаги сўзларни кўчиринг. Улардан учтасини қатнаштириб гаплар тузинг.

Ўзак, ўзан, ўзбек, ўзлик, ўй, ўймакор, ўкинч, ўлжа, ўркач, ўрмон, ўтқир, ўтлоқ, ўғил.

26-§. Э унлиснинг айтилиши ва ёзилиши

Берилган сўзларни ўқинг. Айтилиши ва ёзилишидаги фарқларни тушунтиринг.

Эга, экин, эрка, эгар, энди;
поэма, дуэль, аэродром;
бел, тер, кеч, беда, чехра, терак, келди, терим.

Э ҳарфи сўз бошида келади, чет тиллардан кирган сўзларда кейинги бўғинларда ҳам келиши мумкин.

Э товуши ундош ҳарфларидан сўнг е ёзилади. (Э талаффуз қилинади)

123-машқ. Ўқинг. Аввал э ҳарфи билан ёзиладиган сўзларни, кейин е ҳарфи билан ёзиладиган сўзларни кўчиринг.

Эл, экин, эртақ, элак, меҳрибон, кес, эчки, эмиш, экскаватор, эрка, эрта, мен, эпчил, бел, кел, терак, теримчи, мева, беда, кема, эшик, тетик, тегирмон, телефон, кеча, деди, деҳқон, девор, театр, офицер, генерал.

124-машқ. «Имло лугати»да э ва е ҳарфлари иштирок этган 20 та сўз топиб ёзинг.

125-машқ. Нуқталар ўрнига э ёки е ҳарфларидан мосини қўйиб шеърни кўчиринг.

Оқ т...ракми, кўк т...рак
Оқ т...ракми, кўк т...рак,
Ҳар бир ишга қунт к...рак.
Ўқишда аълочига,
Катта-кичик-ишчига.
М...ҳнате...вар, бўл зийрак,
Биздан ...лга шу к...рак,
(Т. Йўлдош)

27-§. Е, ё, ю, я ҳарфларининг айтилиши ва ёзилиши

Берилган сўзларни ўқинг, е, ё, ю, я, ҳарфлари қандай товушларни билдиришини аниқланг.

1. Сўз бошида: ер, елим; ёш, ёз; юз, юлдуз; яхши, янги.

2. Айириш белгиси (ъ) ва юмшатиш белгиси (ь) дан сўнг: съезд, разъезд, пьеса, альянтант, судья, бильярд.

3. Унди товушлардан кейин: қаер, пиёз, буюм, суяк, ноябрь.
 4. Ундош товушлардан кейин: дарё, дунё, афюн, ҳадя, келяпти, кетяпти.
 5. Йод, район, майор каби сўзларда ё эмас йо ёзилади.

126-машқ. Кучиринг е, ё, ю, я ҳарфлари сўзларда ёзилишини эсингизда тутиш.

I. Етакчи, юган, юрт, ёв, юк, заём, яқин, елка, июль, буюм, суяқ, қуёш, ҳадя, қуён, емиш, ёшлик, бахтиёр, тайёра, костюм, буюк сентябрь, октябрь, станция, пиёла, сиёҳ, пиёз, пиёда, подъезд, слёт, сайёра, ҳаёт, монтер, рояль, салют, елпигич.

II. Хосият, Суюм, Муяссар, Руқия, Гиёс, Илёс, Яшин, Ниёз, Юсуф, ёқутхон, Юлдузхон, Олия, Жуманиёз, Зикриё, Марям, Розия, Бахтиёр.

127-машқ. Нуқталар ўрнига я ва ю ҳарфларидан мосини қўйиб сўзларни кучиринг.

У~~ш~~шан, ю~~д~~дуз, я~~к~~кшин, ё~~қ~~қин, бу~~м~~м, ю~~р~~рак, я~~к~~кшанба, со~~д~~дбон, ю~~б~~билей, я~~р~~рмарка.

128-машқ. Қуйидаги қондани ёдланг. «Имло луғати»дан мисоллар топиб ёзинг.

Ўзбек тилида ~~т~~т, у~~р~~р ё ҳарфидан сўнг о; ю ҳарфидан сўнг ~~у~~у; я ҳарфидан кейин а ёзилмайди.

Ундош товушларни ифодаловчи айрим ҳарфларнинг ёзилиши

28-§. нг, ж, ва ц ҳарфларининг ёзилиши

Биринчи ва иккинчи бўлимда берилган сўзларни ўқинг. Бу сўзлардаги нг ҳарфи бирикмасининг айтилиши ва ёзилишидаги фарқини тушунтиринг.

1. Онг, тонг, энг, кўнгил, манглай, инграмоқ, араңг, тараңг, айтингиз.
2. Конгрессе, инглиз, таңга.

Биринчи бўлимда берилган сўзларда нг ҳарфий бирикмаси ажратилмай айтиладиган ва ёзиладиган бир товушни билдиради.

Иккинчи бўлимда берилган сўзларда эса ажратиб айтиладиган н ва г ҳарфларини билдиради.

✓ 129-машқ. Сўзларни тўғри талаффуз қилинг ва бўғинларга ажратиб ёзинг.

Онг, тонг, митинг, сингил, англиз, жанг, ранг, танга, сўнгги, олдинги, тонгги, тонгга, кўнгил, сингил, кенгаш, айтингиз, таглай.

Қуйида берилган сўзларни ўқинг, ж ундоши қайси сўзларда портловчи, қайси сўзларда сирғалувчи товушни билдиради?

1. Мажлис, жон, жаҳон, жанг.

2. Аждар, гижда, Журнал, прожектор.

Биринчи қатордаги сўзларда портловчи ж товушини, иккинчи қатордаги сўзларда сирғалувчи ж товушини билдиради.

Ҳар иккала ҳолда ҳам бир шаклдаги ж ҳарфи ёзилади.

130-машқ. Аввал портловчи ж товуши билан, сўнгра сирғалувчи ж билан айтиладиган сўзларни ёзинг.

Жанг, дружина, жавоб, жавҳар, жавон, жанр, жар, жемпер, жасур, прожектор, жағ-жағ, пружина, жосус, журнал, жўжа, жўра, аждар, жадвал, жадал.

131-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилиб ўқинг.

Инженер, пружина, дружина, журналист, журъат, жюри, жўяк, жиҳоз, жусса, жияк, жамият, жандарм, жанр, жар, жўра, журнал, жўяк, жумбоқ.

Бошқа тиллардан олинган цирк, цех, цемент, центнер, циркуль каби сўзларда ц ҳарфи ажратилмай айтиладиган тс товушини билдиради. Бундай ҳолларда тс ўрнига ҳар доим ц ҳарфи ёзилади.

132-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри ўқинг ва ёзилишини ёдга сақлаш.

Целлолоза, центнер, цех, циклон, цилиндр, цирк, шистерна, цитата, цитрус, циркуль, офицер, офицант.

29-§ X ва ҳ товушларининг айтилиши ва ёзилиши

Қуйида берилган сўзларни ўқинг, х ва ҳ ундошларининг айтилиши ва ёзилишидаги фарқини айттиг.

1. Хабар, халқ, хаста, хашак, хазина.

2. Ҳайвон, ҳасса, ҳалол, ҳамён, ҳикоя.

Биринчи қатордаги сўзларда чуқур тил орқа товушини билдиради.

Иккинчи қатордаги сўзларда эса юмшоқ ҳ бўғиз товуши ҳисобланади.

133-машқ. Нуқталар ўрнига х ва ҳ ҳарфларидан мосини қўйиб, мақолларни кўчиринг.

1. Халқ бор ерда, Ҳақлик бор. 2. Ҳол жойида азиз. 3. Ҳомсан пишарсан, дабдабангдан тушарсан. 4. Ҳазил, Ҳзилнинг таги - зил. 5. Ҳамал кирди - амал кирди. 6. Ҳар гулнинг ўз иси бор, Ҳар элнинг ўз туси бор. 7. Ҳар йигитга бир омад. 8. Ҳақ жойига қарор топар. 9. Ҳунар, Ҳунардан унар. 10. Ҳуси - ярим давлат.

134-машқ. «Имло луғати»дан ўнта х ва ўнта ҳ ҳарфи иштирок этган сўз ёзинг.

135-машқ. Қуйида берилган сўзларни ўқинг, ёзилишини эсда сақланг. Улардан 4 таси иштирокида гаплар тузиб ёзинг.

Ахборот, ахлоқ, аҳвол, аҳд, аҳил, аҳоли, баҳо, баҳор, бар, бахт, бахш, баҳя, баҳс, баҳам, баҳузур, ваҳима, ваҳм, ваҳший, гуруҳ, гоҳ, гувоҳ, дахлдор, даҳо, даҳшат, духоба, жавоҳир, жаҳл, жаҳолат, жаҳон, заҳар, заҳмат, изҳор, имтиҳон, ихлос, ихтиёр, ихтиро.

30-§. Ф ва п товушларининг айтилиши ва ёзилиши

Берилган сўзларни ўқинг, айтилиши ва ёзилишидаги фарқни изоҳланг.

Фабрика, фарқ, фаришта, фаҳм, сафар, ҳарф.

Жонли тилда фабрика, фарқ, фаришта, фаҳм, сафар, ҳарф каби сўзлардаги ф товуши кўпинча п тарзида айтилса ҳам, бироқ ёзувда ф ҳарфи ёзилади.

136-машқ. Ўқинг нуқталар ўрнига ф ёки п ундошларидан мосини қўйиб кўчиринг.

Ав, аҲ зал, аҲ зона, ва Ҳ, саҲар, то, Ҳширик, даҲ, илтиҲот, кайҲ, Ҳл, кашҲрёт, Ҳарашют, коҲток, каҲт, манҲаат, манҲий, ошҲаз, гурҲаҲар, масоҲа, мева, Ҳуруш, жуҲт, мувоҲиқ, бинаҲша, қулуҲнай, аҲгека, чўҲтак, Ҳанд, Ҳлиз, инсоҲ

137-машқ. Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадисларни ўқинг. Нуқтапар ўрнига ф ёки п ундошларидан мосини қўйиб кўчиринг.

1. Қулоққа озор берадиган га/л) сўзлама. 2. Ишни *д* ухта қилмоқ эҳтиёткорликдир. 3. Ҳаё *д* ақат яхшилик келтиради. 4. Аёлларни *д* ақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни *д* ақат *д* асткаш одам хорлайди. 5. Са*д* ар қилинглр, соғлом бўласизлар. 6. Аллоҳ таолодан *д* ойдали илм сўранг. 7. Юмшоқ бўл, *қ*ў*д* оллик ва беҳаёликдан сақлан. 8. Илм-ибодатдан *а* *д* зан.

138-машқ. «Имло луғати»дан ф товуши п тарзида айтилса ҳам, ёзувда ф ҳарфи билан ёзиладиган сўزلардан 15-20 та топиб ёзинг.

31-§. Айириш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши

Ўқинг, қайси сўزلарда ҳарфлар сопи товушларга қараганда кўпчилигини айтиш. Нима учун?

Айириш белгиси нима учун ишлатилганини тушунтиришга ҳарака қилинг.

Даъво, маъно, санъат, қалъа, масъул, сьезд, разъезд, адъютант.

Айириш белгиси куйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Маъно, таъна, таъсир, шеър, даъво каби сўзларда ундош товушдан олдин келган унлини чўзиқроқ талаффуз қилиш учун ишлатилади.

2. Билъаке, санъат, суръат, масъулият каби сўзларда а, у унлиларини олдинги ундошдан ажратиш учун ишлатилади.

3. Сьезд, разъезд, сьемка, объект, адъютант каби сўзларда сўз ўртасида е, ё, ю, я ҳарфларидан олдин келиб, уларни аввалги ундошдан ажратиш учун ёзилади.

Изоҳ: баъзи сўзларни ёзганда айириш белгисининг тушириб қолдирилиши сўз маъносини ўзгартириб юборади: шеър - шер, таъна - тана, суръат - сурат, даъво - даво.

Сўзларни ўқинг. Юмшатиш белгиси қайси сўзларда ўзидан олдинги ундошни юмшоқ талаффуз этиш учун, қайси сўзларда айириб талаффуз этиш учун ишлатилаётганини аниқлаи.

Альбoм, январь, артель, мебель, лагерь, пальто, песок, асфальт, фельетон, почтальон, билъард, мо, -ль, автомобиль.

Юмшатиш белгиси қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. Модель, автомобиль, альбом, январь, артель, мебель каби сўзларда ўзидан олдин келган ундошнинг юмшоқ талаффуз этилишини билдиради.

2. Пьеса, фелъетон, почтальон, бильярд каби сўзларда э, о, а, и товушларидан олдин келган ундошнинг айириб талаффуз этилиши учун ишлатилади.

Юмшатиш белгиси билан битган сўзларга бирор қўшимча қўшилса, юмшатиш белгиси ёзувда тушириб қолдирилади: артель - артели, медаль- медаллар каби.

Изоҳ: юмшатиш белгиси ўзбекча сўзларда ишлатилмайди.

139-машқ. Берилган сўзларни дафтарингизга кўчириб ёзинг, айириш белгисининг вазифасини айтгинг.

Даъво, таъна, таъриф, мўътабар, саъва, мўъжиза, санъат, қалъа, суръат, разъезд, феъл, меъмор.

140-машқ. Қуйидаги сўзларни ўқинг, маъносини тушунтиринг.

Суръат - сурат, қалъа - қала, санъат - санат, даъво - даво, саъва - сава, шеър - шер, таъна - тана.

141-машқ. Сўзларни кўчиринг, юмшатиш белгисининг вазифасини айтгинг.

Январь, табель, февраль, медаль, батальон, навильон, судья, повесть, пальто, артель, нефть.

142-машқ. Нуқталар ўрнига ь ва ъ белгиларидан мосини қўйиб кўчиринг.

Разъезд, субъект, шеър, аъло, қалъа, маълум, санъат, пьеса, рояль...
таълим, маъсулият, эълон, аъзо, таъна.

32-§. Урғу. Урғули ва урғусиз бўғин

Сўзларни ўқинг. Бошқаларга нисбатан кучлироқ оҳанг билан айтилаётган бўғинни аниқдаш:

Дала, далалар, далаларда; пилла, пиллакор, пиллакорларга; ҳозир, ҳатто, ҳамиша.

✓ Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларига нисбатан кучлироқ айтилиши **урғу** дейилади. Урғу (‘) белгиси билан кўрсатилади.

Ўзбек тилидаги сўзларда урғу кўпинча сўзнинг охириги бўғинига тушади, сўзда бўғинлар кўпайиши билан урғу ҳам сўз охирига кўчиб боради.

Масалан: Ғалла́, ғаллакóр, ғаллакóрлар ғаллакóрларга́.

Урғу тушган бўғин урғули бўғин, қолганлар урғусиз бўғин дейилади. ✓

Урғуси турли бўғинга тушадиган фíзика, хímия, телевiзор, телеграмма каби сўзлар ўзлашма сўзлардир.

143-машқ. Сўзларни тўғри талаффуз қилинг. Урғули ва урғусиз бўғинларни аниқлаш. Урғу тушган ушш устига урғу белгисини қўйиб кўчиринг.

Авж, авлиё, адолат, буғдой, буғдойзор, дала, далаларда, телефон, болалар, агроном, микроскоп, трактор, доктор.

144-машқ. Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатишган сўзларнинг маъносини фарқлаш. Урғу сўзнинг қайси бўғинига тушганига эътибор беринг.

Мактаб боғига **олма кўчати** ўтқаздик. Олтин **олма**, олқиш ол. Қўйлак тикиш учун **атлас** олдим. Географик **атлас** - ўқув қуроли.

145-машқ. «Имфо лугати»дан 10 та ўзлашма сўз ёзинг ва урғу белгисини қўйинг.

Фонетик таҳлил тартиби

1. Сўзни овоз чиқариб тўғри талаффуз қилиш.
2. Сўздаги товуш ва ҳарфлар сонини айтиш.
3. Ушли товушларни, уларнинг қайси ҳарфлар билан ифодаланганини айтиш.
4. Ундош товушлар, уларнинг жарангли ёки жарангсизлиги, қайси ҳарфлар билан ифодаланганлигини айтиш.
5. Сўздаги бўғинлар сонини айтиш, урғули бўғинни аниқлаш, урғу тушган ушлини кўрсатиш.

Фонетик таҳлил намунаси

1-намуна: Бунда сўз таркибидаги ушли ҳарф тагига бир чизик, ундошнинг тагига икки чизик чизилади.

Мактаб

2-намуна: Бунда сўз таркибидаги ҳар бир ҳарф унли, ундош, жарангли ва жарангсиз атамалари орқали тавсифланади.

Масалан: Мактаб сўзи қуйидагича таҳлил қилинади:

Мактаб сўзида 6 та товуш, 6 та ҳарф бор.

м — ундош, жарангли

а — унли

к — ундош, жарангсиз

т — ундош, жарангсиз

а — унли

б — ундош, жарангли

Мактаб сўзи икки бўғинли, иккинчи бўғин урғули, мак-таб, урғу а унлисига тушган.

146-машқ. Фонетик таҳлил намунасидан фойдаланиб, қуйидаги сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

Қуёш, жаҳон, аждар, яхмалак, китоб, ёмғир.

**ФОНЕТИКА БОБИНИ ТАКРОРЛАШ
ВА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

- 1-тест. Нутқ товушлари тилшуносликнинг қайси бўлимида ўрганилади?
А. Синтаксисда.
Б. Лексикологияда.
В. Орфографияда.
Г. Графикада.
Д. Фонетикада. ✓
- 2-тест. Очиқ бўғиндан ташкил топган сўзлар қаторини аниқланг.
А. Ҳаво, сув, тупроқ.
Б. Дарахт, олма, қайиқ. ✓
В. Китоб, жийда, она.
Г. Ота, шафтоли, бола.
Д. Пичоқ, китоб, мактаб.
- 3-тест. Қайси қаторда бўғин кўчириш қондаси бузилган?
А. Трак - тор, да - рахт, қи - зил.
Б. Гон - ги, пи - шлоқ, беда - на. ✓
В. Бо - ла - лар, чи - рой - ли.
Г. Ҳам - ма, ра - ди - о, де - ра - за.
Д. Маж - лис, мак - таб, те - атр.
- 4-тест. Ўзбек тилида унли товушлар нечта?
А. 10 та.
Б. 6 та. ✓
В. 12 та.
Г. 5 та.
Д. А, Б, В жавоб тўғри.
- 5-тест. Жарангсиз ундошли сўз қайси қаторда берилган?
А. Зийрак.
Б. Шох. ✓
В. Жийда.
Г. Мажлис.
Д. Зумрад.
- 6-тест. Гулзор сўзи қайси бандда фонетик жиҳатдан таҳлил қилинган?
А. Гул - ўзак, зор - ясовчи қўшимча.
Б. Гапда кесим, эга, ҳол, аниқловчи вазифасида келади.
В. Гулзор сўзида 6 та товуш, 6 та ҳарф бор;
Г - ундош, жарангли, у - унли, л - ундош, жарангли, з - ундош, жарангли, о - унли, р - ундош, жарангли.

Г. От, бош келишикда, ясама сўз.

Д. Иккинчи бўғидаги о унлиси баъзи шеваларда а талаффуз этилади.

7 - тест. Қайси қаторда жарангсиз ундошлар берилган?

А. П, ш, к, с, ч.

Б. Ҳ, б, в, ғ, р, н.

В. Д, б, з, ж, нг.

Г. Б, п, д, с.

Д. Ж, з, р, нг.

8-тест. Ҳарфлар ва товушлар сони тенг бўлмаган сўзлар қайси қаторда келтирилган?

А. Тоза, юлдуз, ўрик.

Б. Чақмоқ, булут, юрак.

В. Юрт, қуёш, ер.

Г. Тоғ, кўл, чўл.

Д. Жўхори, лавлаги, олма.

9-тест. Ёпиқ бўғидан ташкил топган сўзлар қаторини аниқланг.

А. Баҳор, она, китоб.

Б. Дарахт, қуёш, ватан.

В. Бола, ота, дафтар.

Г. Гул, ой, лола.

Д. Дафтар, дала, пиёла.

10-тест. Юртимиздаги сўзида урғу қайси бўғинга тушади?

А. 2-бўғинга.

Б. Охириги бўғинга.

В. 3-бўғинга.

Г. 3-бўғинга.

Д. 4-бўғинга.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Умумий таълим

Тилдаги барча сўзлар шу тилнинг луғат бойлигини, яъни лексикасини ташкил қилади. Маълум бир тилнинг луғат бойлигини, яъни лексикасини ўрганувчи тилишунослик бўлими **лексикология** дейилади. Лексикология юнотча **лексикос** (луғат, сўз) ва **логос** (таълим, фикр) сўзларидан олинган.

33-§. Сўз ва унинг луғавий маъноси

Қуйидаги мазмун асосида сўзнинг шакл ва маъносига диққат қилинг.

Уй, товуқ, қўй, баланд, оқ, қаби сўзларнинг шакл ва маъноларини изоҳланг.

Сўз	
Шакл	Лексик маъно
дафтар стол	ўқув қуроли тўрт оёқли, ёшиш ёки овқатланишга мўлжалланган буюм
яхши	хусусият белгиси
борди	юриш ҳаракати
чиройли	сифат белгиси
келим	юриш ҳаракати

Биз ўзимизни қуршаб турган оламдаги нарса ва ҳодисаларини сўзлар орқали помлаймиз. Сўзлар шакл ва маъно бирлигидан иборат бўлади.

147-машқ. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан ватан, авлод, тоғ, булбул сўзларининг маъносини аниқланг ва намунадагидек ёzing.

Н а м у н а: Зиё - ёғду, нур, ёруғлик, шуъла.

148-машқ. Қуйидаги сўзларнинг маъносини изоҳланг.

Авлод, герб, интернет, мадҳия.

34-§. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар

1. Расмлардаги предметларнинг номларини айтинг. Шу сўзлар яна бошқа маъноларни ҳам англатадими?



Нон



Байроқ



Герб

2. Мақолларни ўқинг. Ҳар бир мақолдан **бош** сўзининг маъносини изоҳланг. Мақоллардан бош сўзининг нечта маъносини билиб олдингиз? Шу сўзининг яна қандай маъноларини биласиз?

1. Дўст **бошга** қарайди, душман оёққа.
2. Сув **бошидан** лой.
3. Яхши ўғил ўн бешиди **бош** бўлади,
Ёмон ўғил ўттизида ҳам ёш бўлади.

Юқоридаги расмларни ифодалаган нон, байроқ, герб сўзлари фақат бир маънони билдиради. Мақоллардаги бош сўзи эса бирдан ортиқ маънони ифодлайди. Демак, сўзлар **бир маъноли** ва **кўп маъноли** сўзларга бўлинади.

Фақат бир маънони ифодаловчи сўзлар **бир маъноли** сўзлар дейилади.

Бирдан ортиқ маънони ифодаловчи сўзлар **кўп маъноли** сўзлар дейилади.

149-машқ. Кўчиринг, кўп маъноли сўзларнинг тагига чизинг.

1. Тишингизни эҳтиёт қилинг.
2. Арранинг тиши жуда ўткир эди.
3. Кўз қўрқоқ, кўл ботир.
4. Эски булоқнинг кўзи очилди.
5. Деразанинг иккита кўзига ойна қўйиш керак.
6. Узукнинг кўзи ёқутдан эди.

150-машқ. «Имло луғати»дан кўп маъноли сўзлардан 4 та топинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

35-§. Сўзнинг асл маъноси ва кўчма маъноси

Гашларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган кўп маъноли сўзлар қайси гашларда асл маънода, қайси гашларда кўчма маънода келганини аниқлапг.

Олтин ўтда, одам меҳнатда синалади. Раис бува олтин одам экан. Олтин, кумуш тош бўлур; арпа, буғдой ош бўлур. Узоқдан кумуш далалар ярқираб кўринади.

Кўп маъноли сўзлар асл маъно ва кўчма маъноларга эга бўлади. Бундай сўзларнинг битта маъноси асл маъно, қолганлари эса кўчма маънолар саналади. Сўзнинг нутқ таркибидан ташқарида ифодаляйдиган маъноси асл маъно (олтин, кумуш), нутқ таркибидаги бошқа сўзлар ёрдамида англатадиган маъноси кўчма маъно саналади.

151-машқ. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзлар қайси ўринда асл маънода, қайсыларида кўчма маънода ишлатилганини айтипг.

Бўш идиш, **бўш** бола; **тош** йўл, **тош** меҳр, **тош** юрак; **пўлат** қошиқ, **пўлат** ирода; **юлдузли** осмон, **юлдузли** одам.

152-машқ. Гашларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қандай маънода келганини айтипг. Шу сўзларни асл маънода қўллаб гашлар тузинг.

1. **Темвр** гардиш букилмайдн оғир жангларда. (F.F) 2. **Кумуш** қишдан, зумрад баҳордан қолишмайди кузнинг зийнати. (У.) 3. Мақтаб бўлса фан **булоғи**, шимирамиз шундан бир. (Қ. Ҳикмат) 4. Сўз санъатининг **боши** фольклордадир. (М.Г.) 5. Бир **чимдим** ухлаш учун кўзини юмди. (О.)

36-§. Метафора

Кўп маъноли сўзларда шу нарсага алоҳида диққат қилинадикн, кўчма маънода бирор предмет, воқеа ёки ҳодиса номи шунга ўхшаш бошқа предмет ёхуд воқеа - ҳодисаларга кўчирилади.

Масалан: Одамнинг бурни - географик бурун;

Кўйлакнинг этаги - дарёнинг этаги;

Тоза кўйлак - тоза кўнгил;

Тўғри йўл - тўғри гап.

Предмет ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик асосидаги маъно кўчишига **метафора** дейилади.

Метафора лотинча кўчириш деган маънони билдиради.

Предметлар ўртасидаги ўхшашлик учун уларнинг турли жиҳатлари асос қилиб олинishi мумкин.

Метафора усули билан маъно кўчиш ҳодисаси от, феъл, сифат сўз туркумларида кўп учрайди.

153-машқ. Кўчиринг. Предметларнинг ташқи жиҳатдан ўхшашлиги, ички ўхшашликларига асосланган метафораларнинг тагига чизинг.

Тоғ этаклари кўм-кўк майсалар билан қоплаган эди. Дарё ёқасида отличлар кўринди. Кўчанинг бошида тўрт қаватли бино қад кўтарди. Янги ариққа сув келди. Ширин суҳбат онанинг кўнглига таскин берди.

154-машқ. Қўйида берилган бирикмаларни ўқинг, метафоралар иштирок этган гаплар тузинг.

Тоza кўйлак - тоza кўнгли; тўғри йўл - тўғри гап; она кулди - бахти кулди, сув совиди - кўнгли совиди.

37-§. Метонимия

Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларда маъно кўчиш нимага асосланган?

Сайилга бутун шаҳар кўчиб чиқди. Таомга таъбингизга қараб аччиқ кўшинг.

Метонимия сўзи юнонча metonymia - қайта номлаш сўзидан олинган бўлиб, бирор предмет, воқеа-ҳодисани ўхшашлик асосида эмас, балки ўзаро алоқадорлик асосида янги ном билан атайтиди.

155-машқ. Кўчиринг. Метонимияларни тошинг, маъно нимага асосланиб кўчганини айтинг.

1. Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Охир қўйиб олдим Ҳофизни.
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.
2. Узун қиш кечаларида Яссавийни қўлдан қўймай ўқир эдим.
3. Гапларингни эшитиб, бошим қотиб қолди. 4. Чой - шифобахш ичимлик.

156-машқ. Метонимия қатнашган 6 та гап тузинг.

38-§. Синекдоха ва функциядошлик

Ғапларни ўқинг. Маъно кўчиши нимага асосланганлигига эътибор беринг.

Бола тирноққа зор оилада эрка фарзанд бўлиб ўсди. Эшиқ олдида бир оёғи синиқ стул турар эди.

Синекдоха сўзи юнонча *synekdōse* - назарда тутиш сўзидан олинган бўлиб, қисм орқали бутунни, бутун орқали эса қисмни ифодалаш саналади.

Синекдоха усули асосида ҳам предметлар орасидаги алоқадорлик ётади.

Маъно кўчишнинг яна бир усули функционал кўчиш дейилади. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, маъно икки предмет ўртасидаги вазифавий ухшашлик асосида кўчади.

157-машқ. Кўчиринг. Кўчма маънода қўлланган сўзларни топинг. Қайсиларида маъно синекдоха усулида, қайсиларида функционал маъно кўчирилганини айтинг.

1. Туёқлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. 2. Мусобақада Қирғизистон ғолиб чиқди. 3. Деразанинг бир неча кўзига мойланган қоғоз ёпиштирилган эди. (С.А.) 4. Самолётнинг қанотлари кумушсимон ялтирар эди. 5. Милтиқдан отилган ўқ овози эшитилди. Эшиқдан ғоят узай қаламқош кириб келди)

158-машқ. Қуйидаги сўзларни қатнаштириб ғаплар тузинг. Маъносини изохланг.

Бош, оёқ, туёқ, қанот.

39-§. Синонимия

Маънодошлик ҳодисаси ўзбек тилида кенг тарқалган ҳодисалардан саналади. Маънодошлик тилшунобиликда **синонимия** дейилади.

Қуйида берилган ғапларни ўқинг. Маънодош сўзларни аниқланг.

1. Уят - ўлимдан қаттиқ. (*Мақол*) 2. Ор - ўзига номуносиб ёки эл кўрилмаган ишдан ҳижолат тортиш. 3. Номусли киши ўз билмаси номига доғ туширмайди.

Бирлаштирувчи умумий маъноси бир, айтилиши ва ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар **синонимлар** дейилади. Синонимлар барча сўз туркумларида учрайди.

От синонимлар: юз, бет, афт, башара, турқ.

Сифат синонимлар: гўзал, зебо, кўҳлик, сулув.

Феъл синонимлар: кулди, иржайди, тиржайди.

Равиш синонимлар: кейин, сўнг. ✓

Ҳар бир тилда асрлар давомида у ёки бу сабабларга кўра синонимларнинг ўзига хос қаторлари пайдо бўлади.

Синоним сўзларнинг бир қаторга тизилиб келиши **синонимик қатор** дейилади.

Синонимик қатордаги бошқаларга нисбатан фаол ишлатиладиган, адабий тилга хос бўлган сўз **бош сўз** дейилади.

Масалан: қарамоқ, боқмоқ, тикилмоқ. Бунда бош сўз қарамоқ сўзи ҳисобланади.

159-**машқ.** Кўчиринг, Синонимларнинг остига чизинг.

1. Мен қирларда тураман,
Кўкатларни кучаман.
Иссиқ-илиқ кунларда,
Қанот қоқиб учаман.

(З. Д.)



2. Тинч, хотиржам дарахтлар,
Қушлар баланд учмайди.

(З. Исомиддинов)

160-**машқ.** Нуқталар ўрнига қуйидаги синонимлардан мосини қўйиб кўчиринг.


Гўзал, зебо, чиройли, сулув.

Ўш шаҳримиз уч минг йиллик тарихга эга. Ҳозирги кунда шаҳримизда ... бинолар қад кўтарган. Шаҳримизда тўқимачилик комбинати бор. У ерда 3 қизлар ва 5 келинлар меҳнат қиладилар.

161-**машқ.** Нуқталар ўрнига берилган сўзларнинг синонимларини қўйиб кўчиринг.

Қуёш, ...
Юз, ...
Чиройли, ...
Шод, ...

Чаққон, ...
Тез, ...
Кўк, ...
Доно, ...



162-машқ. Ўқинг. Синонимларни тошиб, маъносини тушунтириг.

Қаҳрамон ўғиллар, ботир фарзандлар,
Ўз она юртингиз - Ватанингиз бор.
(F.F.)

40-§. Омонимия

Сўз ва қўшимчалардаги шаклдошлик ҳодисасига **омонимия** дейилади.

Қўйида берилган шаклдош сўزلарни диққат билан ўқинг. Уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг. (Айтилиши ва ёзилиши).

Қирқ (сон); қирқ (ҳаракат); уч (сон); уч (ҳаракат).

Айтилиши ва ёзилиши жиҳатдан бир хил, ammo маъносига кўра бир-биридан кескин фарқланиб турадиган бирдан ортиқ маъноли сўзлар **омонимлар** дейилади.

163-машқ. Ўқинг. Омонимларни тошиб, маъносини тушунтириг.

Қўлингдан келганга чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим,
Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от,
(Ф.Иўлош)

164-машқ. Нуқталар ўрнига берилган сўزلардан мосини қўйиб кўчириг. (Кўк, ёз, олма, уч)

1. ... ўтлар орасида чуғурчуқлар сайрамоқда.

2. ... юзини булут, чол қалбини ғазаб

Аста босиб кела бошлади.

(Уйғун)

3. Тузган гапингни доскага ... 4. ... - жуда иссиқ фасл. 5. Бировнинг нарсасини сўрамасдан ... 6. Темир моддасига энг бой мева - ... 7. ... хосиятли рақамдир. 8. Ерда юр, сувда суз, осмон узра ...

165-машқ. Халқ оғзаки ижодидан олинган қўйидаги шеърни кўчириг. Омонимларнинг тагига чизинг, маъносини изоҳланг.

Ош берур, ким иш билан тўйдирса ер,
Ишламас ким, қайга борса дакки ер,
Ишлаган яйраб фаровонлик билан
Яхши кийгай, яхши юргай, яхши ер

(Ҳабибӣ)

166-^{Уч}машқ. Берилган сўзларнинг омонимлари қандай маъноларни билдиради. Намунадагидай ёзинг.

Намуна: *ёз - фасл, ёз - буйруқ феъли.*
Оч, соч, уч, олма, тугма, туш.

x X

41-§. Антономия

Биз атрофимизга назар ташлаб, атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларни кузатсак, улар тараққиётининг асосида зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар ётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу қарама-қаршилиқлар тилда ҳам ўз аксини топган. Бу тил ҳодисаси **антономия** деб юритилади. Антономия сўзи грекча - anti - зид, опута - ном сўзларидан олинган.

Қуйида берилган сўзларга диққат қилинг, қандай маъно билдиришини айтинг.

Оқ - қора, узун - қисқа, баланд - паст, яхши - ёмон, ёш - қари.

Қарама-қарши маъноли сўзлар **антонимлар** дейилади.

167-^{Уч}машқ. Кўчиринг, антонимларнинг тағиға чизинг.

Булутдан чин ҳаёт ёмғири ёғса,
Тол дарахт шохида мева пишмайди.
Уринма ёмонни яхши қилишга,
Бўйрабон қамишдан шакар чиқмайди.

(С.Ш.)

Замонага ўпка қилиб юзингни буриштира,
Чидам - аччиқ келади-ю, меваси ғоят ширин.

(С.Ш.)

168-^{Уч}машқ. Қуйида берилган сўзларнинг антонимларини топиб ёзинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Баланд - ...
аччиқ - ...
катта - ...

қўрқоқ - ...
оқ - ...
яри - ...

169-^{Уч}машқ. Бадний асарлардан антонимлар иштирок этган 4-5 та гап топинг ва кўчиринг.

42-§. Партономия ✓

170-машқ. Кўчиринг. Партономик муносабатда бўлган сўзларнинг таънига чизинг.

1. Боғимизда турли мевали дарахтлар бор. 2. Бобом эрта баҳорда дарахтларнинг ортиқча шоҳлариши қирқади. 3. Болалар, дарахт танасига озор берманглар! 4. Япроқлар сирли шивирлашади. Эндигина гул оча бошлаган курдаклар киши руҳига ором беради.

171-машқ. Партономик муносабатда бўлган сўзлар иштирокида боғланиши матн тузинг.

Китоб – муқова, варақ, саҳифа.

Бино – девор, пойдевор, том.

Ўсимлик – илдиз, шоҳ, барг.

|| Бутун ва бўлак муносабатидаги сўзлар партономия дейилади. ||

172-машқ. Кўчиринг. Партономик муносабатдаги сўзларни тошинг. Қайсибиси бузун ном, қайсилари бўлак номлигини айтинг.

Ғўза кўчатларини парвариш қилдик. Ҳар бир кўчат шода – шода кўсак тугди. Ғўза шоҳлари эгилиб кетди. Тез кунда нахталар очилади.

43-§. Градуонимия ✓

Қуйида берилган сўзларни ўқинг. Бир-биридан қандай фарқланяпти? Ўз фикрингизни айтинг.

Ниҳол – кўчат – дарахт; чақалоқ – бола – ўспирин – йигит – эркак – чол.

Даражаланиш, яъни градуономияда сўзлар қайсидир хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади: ёши, кўриниши, ҳажми, обирлиги ва шу кабилар бунда ҳисобга олинishi мумкин.

Градуонимия латинча **gradus** – даражалар, **onusma** – ном сўзларидан олинган.

173-машқ. Қуйида градуонимия қаторлари берилган. Улар иштирокида ганлар тузинг. Уларнинг фарқини тушунтиринг.

Қизалоқ – қиз – аёл – камшир.

Тузук – дуруст – яхши – аъло.

174-машқ. Кўчиринг, градуонимия асосида бирикувчи сўзлар қаторини аниқланг ва алоҳида ёзинг.

1. Бобом эккан ниҳоллар бу йил мевага кирди. 2. Биз кўчатларни меҳр билан парвариш қилдик. 3. Дарахт шоҳларини ўз вақтида тартибга келтириш керак. 4. Уядаги полапонлар тинимсиз чирқаришар эди. 5. Табиатни севган болалар қушларни асрайдилар.

44-§. Ўзбек тили луғатининг бойиш манбалари

Ўзбек халқининг иқтисодий, маданий, сиёсий, фан-техника соҳасида қўлга киритган ютуқлари унинг лексикасида ҳам акс этмоқда ва ривожланиб бормоқда.

1. Ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида ўсиб боради.

Ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида ривожланишида, биринчидан, ўзбек тилининг халқ шеваларидан сўз олиш, иккинчидан, шу тилнинг сўз ясаш усуллари асосида мавжуд сўзлардан янги сўз ясаш асосий омил ҳисобланади.

2. Бошқа тиллардан сўз олиш.

Ўзбек халқи қадим замонлардан буён бошқа халқлар билан алоқада бўлиб келди. Бу ҳол унинг тилида ҳам акс этди, яъни ўзбек тили бошқа халқлар тилларидан олинган бир қатор сўзлар ҳисобига бойиб борди. Бошқа тилдан кириб келган сўзлар **олима сўзлар** дейилади. Бундай сўзлар икки хил йўл билан кириб келади:

1. Яқин муносабатда бўлган халқ тилидан бевосита олинади: мактаб, маориф, китоб, котиб, олим, илм, мажлис, муҳокама, мунозара каби арабча сўзлар: гўшт, фишт, бахт, дарахт, нон, апор ва бошқа бир қатор форс-тожикча сўзлар.

2. Бошқа халқлар тилидан маълум восита тил орқали олинади: шийпон, жавон, жоду, лагмон, манти ва бошқа бир қатор сўзлар хитой тилидан уйғур тили орқали, шунингдек, вокзал, волейбол, арбитр каби инглизча сўзлар ва бошқа бир қатор немисча, французча, испанча сўзлар рус тили орқали кириб келган. Ана шу йўллар билан ўзбек тили лексикаси бойиб боради.

Хотирани синаш учун саволлар

1. Ўзбек тили қандай йўллар билан бойиб бормоқда?

2. Олима сўзлар нима ва улар қандай йўллар билан тилимизга кириб келади?

3. Қуйида берилган сўзларнинг қайсилари араб тилидан, қайсилари хитой тилидан уйғур тили орқали ўтган?

Китоб, олим, мактаб, шийпон, лағмон, илм, манти, мунозара, фан, таҳлил, муаллиф.

175-машқ. Ўқинг. Рус тилидан олинган сўзларнинг талаффузи ва ёзилишига эътибор беринг.

Комбайн, металлургия, автобус, циркуль, трамвай, микрофон, стол, цистерна, крахмал, операция, футбол, директор, магнит, ручка, кино, газета, журнал.

176-машқ. «Имлю луғати»дан 10 та олинма сўз топинг ва улардан 4 таси иштирокида гаплар тузинг.

177 машқ. Дафтарингизга қуйида берилган синф жиҳозларига оид рус тилидан олинган сўзларни ёзинг. Ўзингиз уй жиҳозларига оид сўзларни ёзинг.

Парта, стол, стул, доска, портрет.

45-§. Сўз ва атама

Биз ўзимизни қуршаб турган оламдаги нарса ва буюм, воқеа ва ҳодисаларни сўзлар орқали номлаймиз. Шундай сўзлар борки, улар аниқ бир тушунчани ифодалайди.

Қуйида берилган сўзларни ўқинг, қайси фанга оид аниқ тушунчани билдираётганини аниқланг. Алоҳида гуруҳларга ажратиб кўчиринг.

Эга, тўлдирувчи, юклама, урғу, каср, бурчак, тенглама, аниқловчи, тенгсизлик, айирма.

Фан-техникага оид тушунчани аниқ ифодаловчи сўзлар **атама** дейилади.

Атамалар аниқ бир тушунчани ифодалаганлиги учун, одатда, бир маъноли бўлади.

178-машқ. Дафтарингизга турли фан соҳасига оид атамалар топиб, намуна асосида ёзинг ва маъносини изоҳланг.

Она тили	адабиёт	Тарих	ботаника	математика	География
ҳол	тамойил	аср	поя	каср	орол
тўлдирувчи	тимсол	қўзғалон	илдиз	йиғинди	денгиз

179-машқ. Аввал она тилига оид, кейин тарихга оид атамаларни кўчириб ёзинг.

Демократия, ҳокимият, боғловчи, сўз, қулдорлик, нуқта, капиталист, сифат, от, ибтидоий, кесим, гап, сўз бирикмаси, инқилоб, съезд, қўшма гап, содда гап, ундалма.

180-машқ. «Имло луғати»дан 10 та атама, 10 та кўп маъноли сўз топиб, дафтарингизга ёзинг.

46-§. Умумхалқ ишлатадиган сўзлар

Ишлатилиш доирасига кўра сўзлар икки хил бўлади:

1. Ишлатилиш доираси чегараланмаган сўзлар.
2. Ишлатилиш доираси чегараланган сўзлар.

Қуйида берилган сўзларни диққат билан ўқинг. Қайсилари ишлатилиш доираси чегараланмаган сўзлар, қайсилари ишлатилиш доираси чегараланган сўзлар эканини аниқланг. Икки гуруҳга ажратиб ёзинг.

Нон, кўз, қўл, уй, одам, эрта, кеч, туз, ош, ота, бола, ўғил, қиз, термометр, тетрациклин, ойна, фонендоскоп, гул пенициллин.

Бирон-бир жой ёки касб-ҳунар билан чегараланмай, ҳамманинг нутқида кенг ишлатиладиган сўзлар ишлатилиш доираси чегараланмаган сўзлар **умумхалқ ишлатадиган сўзлар** дейилади.

Маълум жой ёки касб-ҳунар доирасидагина қўлланиладиган сўзлар ишлатилиш доираси чегараланган сўзлар дейилади.

Ишлатилиш доираси чегараланган сўзлар чегараланиш хусусиятига кўра яна иккига бўлинади:

- 1) шевага хос сўзлар;
- 2) касб-ҳунарга хос сўзлар.

47-§. Шевага хос сўзлар

Ўзбек тили кўп шевага тилдир. Баъзан бир нарсанинг ўзи турли жойларда турлича сўз билан ифодаланади: Масалан, эртақ (Фарғона), чўпчак (Тошкент), матал (Самарқанд); ҳакка (Фарғона), зағизфон (Тошкент), олашақшақ (Самарқанд); шакароб (Фарғона), ачичу (Тошкент); ойлик (Фарғона), маош (Тошкент) ва бошқалар.

Матни ўқинг. Шевага хос сўзларни айтинг.

- Э, шошманг, тушолмаётибман, - деди Оқида Тошкент шевасида. -

Қаққа кетвоббиза ўзи?

Ҳикмат ёрдамга етиб келди ва Тошкент шевасига тақлид қилиб гапирди. Оқида унинг гапини эшитиб:

- Ҳа, яхши, - деди, ишқилиб, сизга ўхшаб «аққа - баққа» демасам бўлдим, «вуз - вуз» дейиш қанақа чиройлики...»

(Ю.Шомансур)

181-машқ. Адабий тилдаги сўзларнинг шеваларда қандай ифодаланишини қиёслаб ўқинг. Сўнгра ўз шевагингда қандай номланишини кўрсатинг.

Адабий тилда	Тошкент шевасида	Самарқанд шевасида	Фарғона шевасида	Урганч шевасида	Ўш шевасида
тухум арғимчоқ ўргимчак	тухум арғимчо ургумчай	Тухум арғунчак тортанақ	тухум хаюнчак ўргамчик	йимрит саринжак тортанақ	тухум хаюнчак ўрмавчик

182-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни ўз шевагингда қиёслапг.

Ахири, ер тобига келиб, чигит экилди. Ҳаш-паш дегунча кунлар қизиб, суғориш даври етиб келди. **Адирда** очилган янги ер жамоа хўжалигимизга қарашли далаларнинг охирида эди. Катта сойдан ажралиб чиққан **ариқнинг** суви бошқа бригадаларнинг еридан ўтиб бориб, кейин насос ўрнатилган жойга келарди. «Отанг **мироб** бўлса ҳам, еринг булоқнинг бошида бўлсин» деган мақолнинг нималигини биз ўшанда билдик.

48-§. Касб-ҳунарга хос сўзлар

Матни ўқинг. Аввал шифокорлик касбига хос сўзларни, кейин дурадгорлик касбига хос сўзларни кўчиринг.

Арра, фонендоскоп, теша, градусник, ранда, пештоқ, ёғоч, танометр, тетротиклин, пенициллин.

Касб-ҳунар эгалари, умумхалқ ишлатадиган сўзлардан ташқари, ўз касб-ҳунарларига хос сўзларни ҳам қўллайдилар. Бундай сўзлар маълум бир соҳада ишлайдиган кишиларнинг ўзларига хос бўлади.

Маълум касб-хунар эгалари ишлатадиган сўзлар **касб-хунарга оид** сўзлар дейилади.

Бадий асарларда қаҳрамоннинг меҳнат фаолиятини кўрсатишда касб хунарга оид сўзлардан фойдаланилади.

183-машқ. Жадвалда берилган касб-хунарларга оид сўзлардан 5 тадан мисол топиб ёзинг.

Дурадгорлик	Чорвачилик	Деҳқончилик	Косиблик

184-машқ. Қуйидаги сўзлар ичидан касб-хунарга оид сўзларни топинг ва қандай касб-хунарга оид эканини тушунтиринг.

Васса, чеканка, устун, синч, плуг, қоғоз, дори, культивация, кўсак, девор, ягана.

185-машқ. Матни ўқинг. Касб-хунарга оид сўзларни кўчириб ёзинг. Мати қайси касб ҳақида?

Замонавий электрон ҳисоблаш машиналари фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланмоқда. Айниқса, ҳисобчиларнинг иш фаолиятини компьютерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунда иқтисодчи ва ҳисобчиларнинг ҳар бири электрон ҳисоблаш машиналари тилини билмоғи лозим. Ўз ишини севган мутахассис, энг аввало, файллар ва диёнлар билан ишлаш малакасини шакллантириш керак.

186-машқ. «Имло дугати»дан ўзингиз севган касбга оид 6 та сўз топинг, маъносини тушунтиринг. Улардан 2 таси иштирокида гаплар тузинг.

49-§. Эскирган сўзлар

Шеърни ўқинг. Файтон, чоракор сўзларининг маъносини биласизми? Булар қандай сўзлар?

Файтон ўтса,
Кўчалардан
Ер тебратиб.

Бойлар чека
Қовоқларин
Даҳшат солиб.

Чоракорлар
Ўридан зуд
Турардилар,
То ергача
Азиз бошини
Эгардилар. (К. Яшин)

Тил жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Жамият ҳаётидаги ҳар бир ўзгариш халқ тилида ҳам акс этади. Жамият ривожланиши билан янги меҳнат куруллари, шу жамият тараққиёт даражаси билан боғлиқ янги-янги тушунчалар пайдо бўлади. Ўз навбатида, эскилари ва уларни ифодаловчи сўзлар ҳам истеъмолдан чиқиб кетади.

Тилнинг ҳозирги даврида ишлатилмайдиган сўзлар эскирган сўзлар дейилади.

Сўзлар икки хил сабаб билан эскиради:

1) сўз ифодалаган нарса ва ҳодиса ҳақидаги тушунча истеъмолдан чиқади. Натижада бу нарса ва ҳодисаларнинг номлари ҳам ишлатилмай қўяди. Масалан: омов, кўш, қора чирок, фонус;

2) нарса ва ҳодиса ҳақидаги тушунча номи эскиради ва у янги ном билан алмашинади: ер билгич - агроном, ўт омов - трактор.

Тарихий мавзуларда ёзилган асарларда ёзувчилар ўша даврни аниқроқ акс эттириш учун эскирган сўزلардан ҳам фойдаланадилар.

187-машқ. Ўқинг. Эскирган сўзларни топиб, маъносини билиб олинг.

Учта товуқ, гарчи курк бўлса ҳам, Қобил бобонинг уйидан чиқди. Юзта тухумни қўни-қўшни, ёр-биродарлар ўзаро йиғиб бердилар. Аммо бу тортиқ билан тилмочдан нари ўтиб бўлмади. Тилмоч тортиқни олди ва бетўхтов приставга яхшилаб тушунтиришни ваъда қилди... «Яхшилаб тушунтирилган» пристав битта кулангир, битта фараинги товуқ, уч сўм пулни олгандан кейин Қобил бобонинг бахтига, «ҳокимга бетўхтов хабар бераман» демасдан, «Аминга бор», - деб кўя қолди. Амин «эзликбошига борилсин», - деди.

188-машқ. Кўчиринг. Эскирган сўзларни топиб, тагига чизинг:

1. Сотиболди тўқиган саватчаларни улгуржи оладиган боққолдан йиғирма танга қарз кўтарди. (А.Қ.) 2. Унинг аъзойи бадани қақшаб, камонча тутгани мадори қолмади. Яна битта қадоқ билан битадиган ликопча чала қолди. (А.Қ.) 3. Қаердандир Уста кулолнинг кампири

пайдо бўлиб, офицернинг оёғига йиқилди. Икки миршаб Уста кулол билан Ҳамроқулни боғдан олиб чиқди ва бутхонанинг нариги томонидаги миршабхонага томон олиб кетди. (А.Қ.) 4. Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб. (Мақол) 5. Муқимий мадраса ҳужрасида яшар эди. (С.А.)

189-машқ. Қуйидаги эскирган сўзларни ифодалаган тушунчаларнинг ҳозирги номини тошиб ёзинг.

Қози -
Ер билгич -
Тилмоч -
Ўт омоч -

50-§. Янги пайдо бўлган сўзлар

?? Фан, техника, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, маданиятнинг ривожини билан янги-янги тушунчалар пайдо бўлади. Тилларнинг пуфат жамғармаси ҳам мунтазам ўзгариб, такомиллашиб боради. Эскирган, ишлатилмай қолган, талабдан четга сурилган сўзлар ўрнини янги сўзлар эгаллайди.

Қуйида берилган гапларни ўқинг. Янги пайдо бўлган сўзларни топинг. Нима учун янги пайдо бўлган сўз эканини изоҳланг.

XXI аср - компьютер асри эканини унутмаслигимиз керак. Ҳозирги кунда интернет тармоғи орқали дунёнинг хоҳлаган бурчагидан ахборот олишимиз мумкин.

Янгиллик бўёғи мавжуд бўлган сўзлар **янги пайдо бўлган сўзлар** дейилади. Бундай сўзлар умумхалқ нутқига ўтгунга қадар янгиллик белгисини сақлайди.

Янги пайдо бўлган сўзлар даврий хусусиятга эга. Масалан, бир пайтлар янги атамалар сифатида тилимизга кириб келган автобус, троллейбус, метро каби сўзлар бугунги кунда умумхалқ ишлатадиган сўзларга айланиб қолган.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши тилимизда янги сўзлар пайдо бўлиши жараёнини тезлаштирди. Ҳозирги кунда барча соҳаларга оид янги сўзлар пайдо бўлди. Бозор иқтисодиёти, лицензия, мониторинг, менежер, туман, фермер, интернет каби атамалар шулар жумласидандир.

Тилимизда янги сўзлар икки хил усул билан пайдо бўлади:

1. Ички имкониятлар асосида (сўз маъносининг кенгайиши ҳисобига): ошкоралик, муқобиллик, қайта қуриш, ким ошди, вазирлик, ҳоким, девонхона.

2. Ташқи имкониятлар ҳисобига (четдан сўз олиш орқали): видеоаппаратура, карате, Дамас, Тико, компьютер, лицей, коллеж.

Бугунги кунда тилимизда юзлаб, минглаб янги пайдо бўлган сўзлар мавжуд.

190-машқ. Матнни ўқинг. Янги пайдо бўлган сўزلарни топинг.

Электрон ҳисоблаш машиналари ахборотлар устида иш олиб бориш учун қўлланилади. Компьютерга уланувчи қўшимча қурилмалар қуйидагилар: сичқонча, сканер, чизма чизгич, тармоқ қурилмаси, стриммер. Сканер - қоғоздаги матн ва тасвир кўринишидаги ахборотни компьютерга ўқиш - киритиш қурилмаси. Плоттер эса турли тасвирларни ва графикларни босмага чиқариш қурилмаси.

191-машқ. Қуйида берилган янги пайдо бўлган сўзларни қатнаштириб гаплар тузинг.

Вазир, фермер, лицей, коллеж, ким ошди, савдоси, Нексия, мониторинг, агрофирма.

51-§. Ибора

Тилимизда бир умумий маънони ифодаловчи сўзлар бирикмаси ҳам мавжуд. Улар нутқда бир сўз ўрнида ишлатилади. Кўпинча сўз билан синонимик муносабатда бўлади. Шунинг учун уларни бир-бири билан алмаштириш мумкин.

Қуйида берилган ибораларни ўқинг, қайси сўз ўрнида қўлланилишини айтинг.

- Ёғ тушса ялагудай -
- Ўғзи қулоғига етди -
- Капалаги учиб кетди -
- Ўпкаси йўқ -
- Кўнгли жойига тушди -

|| 77 Маъноси бир сўзга тенг келадиган сўзлар бирикмасига **ибора** дейилади.

Иборалар нутқ таъсирчанлигини оширади.

192-машқ. Кўчириш. Иборанинг маъносини қайси сўзнинг маъносига тенг келишини билиб олинг.

1. Кўнгли жойига тушди - тинчиди. 2. Тепа сочи тикка бўлди - аччиқланди. 3. Юраги қинидан чиқди - қўрқди. 4. Оёқ ости бўлди - хўрланди. 5. Кўзи очиқлигида - тириклигида. 6. Мум тишлади - нидамади.

193-машқ. Қуйида берилган ибораларнинг маъноси қайси сўз маъносига тенг келишини аниқлаб ёзинг.

1. Томдан тараша тушгандай. 2. Қўли калталик қилди. 3. Юрагига қил сиймайди. 4. Жони ачиди. 5. Ақлу ҳушини йўқотди. 6. Ораларидан мушук ўтди. 7. Оёқ - қўли енгил.

194-машқ. Кўчириш. Ибораларнинг таънига чизинг.

1. Элмурод билан Фёдоров иккаласи бирон-бир тайинлироқ жавоб кутиб, кўз тикар эдилар. (*И.Р.*) 2. Ўйланадиган вақт эмас, эсингнинг борида этагингни йиғиштир. 3. Бироқ одам оз бўлганидан кейин, қўлимиз калталик қилар экан. (*С.А.*) 4. Иккинчи жаҳон уруши миллионларча кишиларнинг ёстиғини курутди. (*Газетадан*)

52-§. Тасвирий ифода

Аввал чап томондаги сўзларни, кейин ўнг томондаги сўз бирикмаларини ўқинг. Уларнинг маъносида фарқ борми?

Фарғона - яшил водий
пилла - кумуш тола
пахта - оқ олтин
нефть - қора марварид

Нарса-буюмнинг номини аниқ атамай, уни тасвирлаб аниқлатадиган сўз бирикмаси **тасвирий ифода** дейилади.

195-машқ. Кўчириш. Тасвирий ифодаларни билиб олинг.

Фазогирлар - само лочинлари, маккажўхори - дала маликаси, телевизор - зангори экран, шифокор - саломатлик посбони, газ - зангори олов, пилла - кумуш тола.

196-машқ. Тасвирий ифодаларни кўчириш. Улардан иккитасини қатнаштириб гаплар тузинг.

Математика - ақл гимнастикаси, китоб - билим булоғи, рассомлар - мўйқалам соҳиблари, боксчи - чарм қўлқоп устаси, сув - экиннинг қони, ўрмон - яшил бойлик.

197-машқ. Қуйидаги сўзларнинг тасвирий ифодаларини топиб ёзинг.

1. Механизатор - .М
2. Бункер -
3. Арча - *Алфойил*
4. Мактаб - *Озоғо*
5. Шер - *Мур*

53-§. Лексикография. Луғат ва унинг турлари

Ўилшуносликнинг луғат ва уни тузиш билан шуғулланувчи соҳасига **лексикография** дейилади.

Сўз ва ибораларнинг маълум тартибга солинган йиғиндисига **луғат** дейилади.

Ҳозирги кунда хилма-хил луғатлар бор: қомусий луғатлар, филологик луғатлар, имло луғати, икки тилли луғатлар, кўп тилли луғатлар, омонимлар луғати, синонимлар луғати, антонимлар луғати ва бошқалар.

198-машқ. Мактаб кутубхонасидан «Болалар энциклопедияси» нинг биринчи жилдини олиб, ҳамюртимиз Ҳабиб Абдуллаев ҳақида берилган маълумотни ўқинг. Унинг болаларга ёзган хатини дафтарингизга кўчиринг.

199-машқ. «Болалар энциклопедияси», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Русча-Ўзбекча луғат»ларини олиб, бир - бирига солиштиринг.

200-машқ. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан ўзингизни қизиқтирган 5 та сўзни изоҳи билан кўчиринг.

201-машқ. 2001 йилда нашрдан чиққан «Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати» билан танишиб чиқинг. Адолат, азим, фаровон фаол, тонг сўзларининг маъносини изоҳланг.

Лексик таҳлил тартиби

1. Сўзнинг лексик маъноси.
2. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар.

3. Синоним ва антонимлар (омоним бўлса маънолари).
 4. Қўлланиш доирасига кўра тури (умумхалқ лексикаси, шевага хос сўзлар, касб-ҳунар лексикаси)

Таҳлил намунаси

Қари билганни пари билмас. (*Мақол*) Қари - ёши ўтган, кексайган. Кўп маъноли: қари одам, синоними - кекса, мўйсафид, антоними - ёш, умумхалқ лексикасига оид.

202-машқ. Қуйида берилган сўзларни лексик таҳлил қилинг.

Китоб, дафтар, уй, ўқитувчи, бино, дарахт, олма, сув.

54-§. Сўзнинг маъноли қисмлари

Сўзнинг таркиби деганда, сўзнинг маъноли қисмлари тушунилади. Қуйида берилган сўзларни маъноли қисмларга ажратиб кўринг. Сўз таркиби нималардан иборат бўлади?

Синфдош, синфда, ақлли, гулла, гулдон, серсув, баҳаво.

Демак сўз таркиби икки қисмдан: **ўзак** ва **қўшимчадан** иборат бўлади.

Ўзак сўзнинг таркибида бўлиб, лексик маъно ифодалай оладиган қисмидир.

Ўзак - сўзнинг асосий маъно билдирувчи бўлинмас қисмидир.

Сўз таркибида қўшимча бўлмаганда, ўзак сўзга тенг бўлади: китоб, боғ, дарахт.

Қўшимча лексик маънога эга бўлмаган сўз яшаш ёки шакл яшаш учун хизмат қилувчи қисмидир.

Қўшимчалар сўз олдига ёки сўз охирига қўшилиши мумкин.

203-машқ. Берилган сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажратиб ёзинг.

Н а м у н а: мактабдошларим - мактаб - дош - лар - им.

Меҳнатқаш, серҳаракат, пахтакор, пахтакордан, сўзла, сўзлаган, бошла, ишла, ишламоқчи, балиқчи, балиқни, олма, олмазор, тартибли, баҳаво, беминнат, номаълум.

204-машқ. Кўчиринг. Ўзақларни ажратиб кўрсатинг.

Н а м у н а: боғбон, ишчи.

Болаларимиз, боғдорчилик, пиллакор, келмоқчи, меҳнаткаш, серҳаракат, теримчи, ҳаракатчан, одобли, бетоқат, расмли, тоқатли.

205-машқ. «Имло луғати»дан 10 та сўз ёзинг ва улардан янги сўзлар ясанг.

55-§. Қўшимчаларнинг турлари

Қўшимчалар вазифасига кўра икки турга бўлинади:

1. Сўз ясовчи қўшимчалар;
2. Сўз шаклини ясовчи қўшимчалар.

Куйида берилган сўзларни диққат билан ўқинг. Маъноли қисмларга ажратинг.

Қайсилари сўз ясовчи қўшимчалар билан, қайсилари сўз шаклини ясовчи қўшимчалар билан ясалганини аниқлаи.

Боғбон, гулзор, китоблар, серуиум, вазифамиз, бажарди.

Демак, ясовчи қўшимчалар янги сўз ясаш учун хизмат қилади.

Сўз шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар сўзнинг маълум бир грамматик маъно ифодаловчи шаклини ҳосил қилади.

Ясовчи қўшимчалар ўзи қўшилган сўзнинг луғавий маъносини ўзгартирмайди.

206-машқ. Кўчиринг. Сўз ясовчи ва сўз шаклини ясовчи қўшимчаларни намунадагидай кўрсатинг.

Н а м у н а: Синфдош

Юғум, уятчан, курашчан, сезги, ватандош, ёшли, супурги, бўяма, аввалги, сирдош, тилак, безак, истак, очиқ, элчи, ишчи, учувчи, бригадирлик, эпчиллик, зеҳили, мусиқали, расмли, болалар, синфлар, қаламлар, ўқиймиз, айтдик, кўрдик, дўстимиз, уйимиз.

207-машқ. Кўчиринг, қўшимчаларнинг турини аниқлаи.

Катталиқни, билимдонликка, қатикни, олмазорлар, ишчиларнинг, тайёрладинг, тошлоққа, донгдорларга, ручкамиз, замондошимизни, дарахтдан, билимсизликдан, боғимиздан, тошкентликлар, аравакаш, хабарчига, аълочиларга, кутубхоначига.

208-машқ. Сўзларни ўқинг, маъносини тушунтиринг.

Мустаҳкам, мустаҳкамла, мустаҳкамловчи; ҳаракат, ҳаракатчан, серҳаракат, ҳаракатсиз; суҳбат, суҳбатдош, ҳамсуҳбат; дарахт, дарахтзор, дарахтли, сердарахт.

209-машқ. Кўчиринг. Сўз ясовчи қўшимчаларга чизинг.

Маъқул, маъқудла; боғ, боғбон, боғдор; соат, соатсоз, соатли; чизик, чизма, чизмакаш; шохли, шохдор, сершох; ҳавасли, ҳаваскор.

210-машқ. Берилган сўзларни икки қисмга ажратиб кўчиринг.

1. Содда қўшимчали сўзлар: боғча, ...

2. Қўшма қўшимчали сўзлар; қурғоқчилик, ...

Гавдаши, бетончилар, ёнғоқзор, кўчма, экиш, мевачилик, ўроқчилик, деҳқончилик, келмоқчи, термоқда, шаррадачилик.

Сўз таркиби таҳлили

Сўз таркиби таҳлилининг тартиби.

1. Сўзда маъноли қисмлар аниқланади.

2. Маъноли қисмларнинг турлари белгиланади.

3. Қўшимчаларнинг турлари (сўз ясовчи, шакл ясовчи) кўрсатилади.

Н а м у н а: Билимдонлик - ёшларга хос яхши фазилат.

Билимдонлик сўзида 4 та маъноли қисм бор. Бил - ўзак, қолганлари сўз ясовчи қўшимчалардир; -им от ясовчи қўшимча, -дон - сифат ясовчи қўшимча, -лик - белги отини ясовчи қўшимча.

211-машқ. Қуйидаги сўзларни сўз таркиби таҳлили тартибидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинг.

Билмаган, ҳисобланади, билимди, сифдош.

СЎЗ ЯСАЛИШИ

55-§. Умумий маълумот

Сўз ясалиши тилшуносликнинг сўз яшаш воситалари, сўз яшаш йўллари, умуман, сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи бўлими.

Туб сўз ва ясама сўз

Ўқинг. Ўзакка тенг бўлган ва сўз ясовчи қўшимчаларни олган сўзларни ажратинг.

Китоб, дарелик, ишла, олмазор, тупроқ, боғбон, боғ, ручка, соат, соатсоз.

Сўзлар туб ёки ясама бўлади. Фақат ўзакдан иборат бўлиб, ясовчи қўшимчалари бўлмаган сўзлар туб сўзлар дейилади.

212-машқ. Кўчиринг. Сўзларнинг туб ёки ясама эканлигини тушунтириб беринг.

Бахт, тарозибон, синф, ҳисобчи, ёнғин, одобли, сиёсатчи, ишла, кутубхоначи, кўча, машина, йўлдош.

213-машқ. Қуйидаги қўшимчалар ёрдамида туб сўзлардан ясама сўзлар ясанг ва ёзинг.

Қ ў ш и м ч а л а р: -боз, -гар, -қар, -ғич, -дош, -зор.

Буйруқ, мажлис, жавоб, зар, мис, ил, чиз, тенг, тур, фикр, қон, гул, ёнғоқ, чаман, экин.

214-машқ. Кўчиринг. Туб сўзнинг тагига бир, ясама сўзнинг тагига икки чизик чизинг.

1. Тулки - айёр ҳайвон. Овчилар тулкини тутиб учун қопқон қўядилар. 2. Биз мактаб боғига мевали дарахтлар ўтқаздик. 3. Одобни беодобдан ўрган. 4. Ижодкор ўқувчилар фестивали бўлиб ўтди. 5. Мактабимизда ёш ҳаваскорлар тўгараги очилди.

6. Дам оламиз, ишлаймиз.

Боғбон бобо билан биз.

Боғбонларга кўмакчи

Бизда ҳар бир ўғил - қиз.

(Х. Нурий)

56-§. Сўз ясаш

Ўқинг. Ўзакка сўз ясовчи қўшимча қўшилиши билан ясалган сўзларни бир устунга, иккита ўзакни қўшишдан ясалган сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

Кулги, чизғич, атиргул, беозор, сезги, очкўз, рухсат бермоқ, одобли, Қорасув, Ўттизадир, аълочи.

Ўзбек тилида сўзлар икки йўл билан ясалади:

1) қўшимчалар қўшиш йўли билан; 2) сўз қўшиш йўли билан. Ўзбек тилида сўзлар, асосан, қўшимча қўшиш йўли билан ясалади. Шунингдек, сўз қўшиш йўли билан ҳам сўзлар ясалади. Қўшимча қўшиш билан **содда сўзлар**, сўз қўшиш билан **қўшма сўзлар** ясалади.

Эслатма: Ўзбек тилида ёр-дўст, идиш-товоқ, бахт-саодат, яхши-ёмон каби **жуфт сўзлар**, қатор-қатор, баланд-баланд, тез-тез каби **такрорий сўзлар** ҳам бор. Жуфт сўзлар жамлик, умумлаштириш маъносини билдиради.

215-машқ. Кўчиринг, шу сўзларнинг қандай йўл билан ясалганини тушунтириб беринг.

Туяқуш, муз ёрар, музлади, қўл қўймоқ, ёзувчи, томорқа, бақатерак, шоликор, маккажўхори, оталиқ, қоракўл, пахтакор, Тепақўрғон, ота-бола.

216-машқ. Синф хонасидаги жисмлардан ўнта ясама сўзга мисол топиб ёзинг.

217-машқ. Аввал туб сўзларни, кейин ясама сўзларни кўчириб ёзинг.

Бефойда, сермеҳнат, меҳнатнинг, туздон, кийим, электр, электр пайвандчи, жийда, жийдазор, тер, теримчи, оқ, оқладик, савлат, басавлат, қалам, қаламдон.

57-§. Содда сўз ва қўшма сўз

Ўқинг. Бир ўзакдан иборат бўлган сўзларни ва икки ёки ундан ортиқ ўзакдан ҳосил бўлган сўзларни ажратиб ёзинг.

Қўлқоп, дўст, қалам, Қашқарқишлоқ, белбоғ, кучли, сўзла, хўрозқанд, Қирариқ.

Таркибида ўзакнинг битта ёки бирдан ортиқ бўлишига кўра сўзлар икки турга бўлинади:

1) содда сўзлар, 2) қўшма сўзлар.

Таркибида битта ўзак бўлган сўзлар содда сўзлар дейилади. Содда сўзлар туб ёки ясама бўлади.

Таркибида бирдан ортиқ ўзак бўлган сўзлар қўшма сўзлар дейилади.

218-машқ. Аввал бир ўзакдан, кейин икки ўзакдан ташкил топган сўзларни ажратиб ёзинг.

Китоб, бутакўз, бевақт, отлик, ҳаво ранг, сув, хатбсиз, қирқбўғин, олапўчоқ, узумзор, ойнасоз, олмақоқи, қизилтуруғ, тоққайчи, Жалолобод, Иссиқкўл.

219-машқ. Қўшма сўз билан ифодаланган ўнта жой номларини ёзинг.

220-машқ. Қўшма сўзларни кўчиринг ва ёзилишини эсда тутинг. Шу қўшма сўзлардаги иккинчи қисмнинг тагига чизинг.

Н а м у н а: аччиқтош.

Асалари, атирсовун, зарпечак, муз ёрар, гулқоғоз, дилозор, Каттақўрғон, анжир шафтоли, ер ёнғоқ, Шаҳидтепа, рухсат бермоқ.

58-§. Ясама сўзларнинг таркиби

Ўқинг. Ясама сўзларни топинг.

Санъаткор, қишки, иш, сочиқ, ишсиз, мактаб, пахтакор, дала, йўлдош, ўйна.

Ясама сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Ясама сўз икки қисмдан иборат бўлади: 1) сўз ясалишига асос бўлувчи қисм (ёки сўз ясаш асоси); 2) сўз ясовчи қисм. Масалан: терим: тер - сўз ясалиш асоси, - им - сўз ясовчи қўшимча.

Сўз қўшиш йўли билан ясалган сўзларда (қўшма сўзларда) ҳар бир қисм тенг вазифага, яъни сўз ясовчилик вазифасига эга бўлади.

221-машқ. Кўчиринг. Ясама сўзларнинг таркибини белгиланг.

Н а м у н а: санъат - кор

Қўшиқчи, бетончи, қоракўл, ҳосилдор, кузги, аррала, ҳамшаҳар, қорамой, қизилўнгач, кўксултон, қашқаргул, қорабайир, суҳбатдош.

222-машқ. Кўчиринг. Ясама сўзларнинг тагига чизинг.

1. Совриндорлар аниқланди. 2. Холиданинг ишидан онаси миннатдор бўлди. 3. Урмонзор сийраклашиб, қиёқзорми, қамишзорми, аллақандай аралаш пичанзорларга туташади. (Р.Б) 4. Соё гувиллаб оқади ва унинг муздек шамоли қирғоқда тартибсиз ўсган ўтларни силкитади. (А.Қ.) 5. Бу, албатта, овулда тинчлик, тўкиччиликнинг белгиси. («М.»)

223-машқ. Намунадан фойдаланиб, қуйидаги гаплардаги ажратилган сўзларни сўз ясалиши бўйича таҳлил қилинг.

Н а м у н а: Хунарли киши хор бўлмас.

Хунарли - ясама сўз, ясалиш усули - қўшимча ёрдамида;

хунар асосидан сўз ясовчи - ли қўшимчаси ёрдамида ясалган.

1. Икки **синфдош** йўлга тушди. 2. **Шафтолизор** боғларни кўрдим. 3. Боғимизга **эртапешар** ўрик кўчатини эдик. 4. Қирғизистон Республикасининг ҳар бир фуқароси **билим** олиш ҳуқуқига эга. («Қ.Р.Қ»)

Маълумотнома

Маълумотнома ташкилотлардаги жавобгар шахслар томонидан бирор кишига унинг турар жойи, вазифаси, соғлиги ва бошқа маълумотларни тасдиқлаш учун ёзиб берилган расмий ҳужжат ҳисобланади.

Маълумотномада қуйидагилар қайд этилади:

1) ҳужжатнинг номи; 2) маълумотнома кимга, нима мақсадда ва қайси ташкилотга тақдим этиш учун берилган; 3) маълумотнома берган ташкилот, унга жавобгар шахснинг вазифаси, исми, фамилияси ва имзоси.

Маълумотнома намунаси Маълумотнома

• Ушбунни кўрсатувчи Машҳура Сулаймонова ҳақиқатан ҳам Ўш шаҳридаги 10-ўрта мактабнинг 5 - «Г» синфида ўқийди.

Маълумотнома «Болалар ижодиёти маркази»га тақдим этиш учун берилди.

10-ўрта мактаб директори: (Абдуллаева)

котиби: (Эрматова Х.)

10.09.01 йил.



Морфология — тилшуносликнинг сўзларни сўз туркумлари сифатида ўрганувчи бўлим. Сўз туркуми сифатида сўзлар грамматик шакл, грамматик маъно, грамматик вазифага эга бўлади.

Сўзлар умумий грамматик маъно ва вазифаларига кўра маълум группаларга (турдаларга) бўлинади. Сўзларнинг бундай гуруҳлари **сўз туркумлари** дейилади.

Ўзбек тилида қуйидаги сўз туркумлари бор: 1) от; 2) сифат; 3) сон; 4) олмош; 5) феъл; 6) равиш; 7) кўмакчи; 8) боғловчи; 9) юклама; 10) ундов; 11) тақлидий сўзлар; 12) модал сўзлар.

Борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат кабиларни билдириши ёки билдирмаслигига кўра сўзлар икки турга бўлинади:

- 1) мустақил сўзлар (сўз туркумлари);
- 2) мустақил бўлмаган сўзлар (сўз туркумлари).

Мустақил сўз туркумлари


Мустақил сўз туркумларига оид сўзлар лексик маънога эга бўлади, яъни улар предмет, белги, ҳаракат кабиларни билдиради ва маълум сўроққа жавоб бўлади. Масалан: дарахт, дўппи сўзлари нарса-буюмни билдириб, нима? сўроғига жавоб бўлади; гўзал, баланд сўзлари нарсанинг белгисини билдириб, қандай? сўроғига жавоб бўлади, келди, ухляпти сўзлари ҳаракатни билдириб, нима қилмоқ? сўроғига жавоб бўлади.

усту... сўз...
 ...
 ...

От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш мустақил сўз туркумларига киради. Кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов, тақлид ва модал сўзлар мустақил бўлмаган сўз туркумлари ҳисобланади.

Мустақил сўз туркумига оид сўзлар луғавий маънога, грамматик шакл ва грамматик маънога эга бўлади. Шунингдек, гапнинг боғлов бўлаги вазифасида кела олади.

Мустақил бўлмаган сўз туркумларига оид сўзлар луғавий маънога эга бўлмайди, грамматик маъно ва вазифага эга бўлмайди, бирон гап бўлаги вазифасида кела олмайди.



Ибн Сино

Бухоро ва Самарқанд, Хоразм ва Нишопурда уни Абу Али Ибн Сино деб аташган. Европада эса Авиценна номи билан машхур.

Кўп манбаларда Ибн Сино, аввало, табиб сифатида талқин этилади, ҳолбуки таъбаот унинг илмий соҳалари орасида энг муҳимларидан бири, холос. Шу билан бирга, у машхур файласуфдир.

Ибн Сино истеъдодли, хотираси зўр, зеҳни ўткир бўлганлигидан ўз даврида маълум бўлган илмларни тез эгаллай бошлади.

Ибн Сино ўн яшарлигида алгебра, геометрия ва ҳатто фалсафани ўрганди, ҳамма юлдуз туркумларининг қандай аталишини биларди. Саволлари билан муаллимларини эсанкиратиб кўярди. Бухорода 12 яшар бу болани қонулар билимдони деб тан олишганди.

Мамлакатда вабо ва чечак касаллиги кенг тарқалган, бу дарддан минглаб кишилар ҳалок бўлмоқда эди. Ибн Сино бу даҳшатдан ҳулоса чиқариб, одамларни даволайман, деган қарорга келди.

Топшириқ:

1. Берилган матндан бирор сўроққа жавоб бўлувчи ўнта сўзни кўчиринг. Бу сўзларнинг қайси сўз туркумига оидлигини айтинг.
2. Бирор сўроққа жавоб бўлмаган сўзларни топиб кўчиринг.

226-машқ. Берилган сўзларни икки гуруҳга ажратиб ёзинг.

Н а м у н а: 1) мустақил сўзлар: олма, ...

2) ёрдамчи сўзлар: учун, ...

1 Анвар, ўткир, ялтироқ, ва, пояндоз, сўроқ, аммо, гапирди, лекин, янгича, ҳатто, бўстон, тақ-туқ, дарахт, шилдир - шилдир, ёки, баъзан, ўсимлик, ўрмон, ўеди, чунки, ёҳуд, чеҳра, меҳрибон, бўшаниб, тут, салқин, шодиёна, мушук, сайради, ҳамма, сен, биз, дўстлар, хамирлай, тўғри, ўн беш, саккиз.



60-§. От

Ўқинг. Ким?, Нима?, Қаер? сўроғига жавоб бўлган сўзларни алоҳида гуруҳларга ажратиб ёзинг.

Воҳид, кучук, ҳовли, тоғ, Қосим ака, ов, кўл-оёқ, қишлоқ, зийрак, Аравон, Отабек, Уш, Чимён.

Нарса-буюмлик маъносини билдириб, ким?, нима? қисман қаер? сўроқлардан бирига жавоб бўлувчи сўзлар туркуми от дейилади. Масалан, Бишкек (қаер?), одам (ким?), кўз (нима?).

Ўрин-жой номини билдирувчи отлар қаер?; шахс билдирувчи отлар ким?, шахс билдирмайдиган отлар нима? сўроқларига жавоб бўлади.

От эгалик, келишик, сон шаклларига эга. От гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлар ҳамда ундалма вазифасида келади.

227-машқ. Қуйидаги сўзлардан сўроқ бериш йўли билан отларни ажратиб ёзинг.

Қизил, катта, келди, дарахт, Иссиқкўл, кучук, бахт, кулги, уйқу, Бешкапа, кема, ҳасл, сув, ўрдак, ўн, тўқсон.

228-машқ. Синфингизда мавжуд бўлган ўқув қуроллари номини ёзинг ва улар иштирокида 6 та гап тузинг.

61-§. Турдош ва атоқли отлар ҳамда уларнинг ёзилиши

229-машқ. Ўқинг. Атоқли отларни кўчириб ёзинг.

Абу Али ибн Синони 20 ёшида дунёнинг ярми таниган.

Улуғбек 16 ёшидан ҳокимиятни бошқарган.

12 ёшли Алишер Навоий ўз даврининг машҳур малик-ул каломи бўлган Лутфийнинг 10 минг мисрадан иборат бўлган девонига арзигулик разал ёзган эди.

Фафур Фулом 6 ойлик курсда ўқиган, холос. Мустақил равишда¹⁶ билимини ошириб, академик шоир бўлган.

А.С. Пушкин лицейни битирган холос. Бу вақтда Пушкин 10 тилни билар, математикадан бемалол баҳслашарди.

Академик Ҳабиб Абдуллаевнинг геология соҳасидаги кашфлари ҳаммани лол қолдирган.

Бирор турдаги предметларнинг умумий номини билдирган отлар **турдош отлар** дейилади.

Бир турдаги нарсалардан бирининг махсус номи бўлган, шу нарса буюмини ажратиб атовчи отлар **атоқли отлар** дейилади.

Турдош отлар кичик ҳарф билан, атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади.

230-машқ. Қуйидаги сўзларга сўроқ беринг ва қайси сўз туркумига ҳосиллигини айтинг. Ким?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўзларни алоҳида ёзинг. Ниманинг номини аниқлатаётганини тушунтиринг.

Тарвуз, читтак, синфбоши, кумуш, чўғ, газета, мажлис, ёзувчи, шоир, она, эчки, шамол, қишлоқ, саъва, ҳаёт, олма, меҳнат, шаҳар, кўча, дўл, шовқин, Салим, Эркин, сув, халқ, Тоштемир, тинчлик, ҳаво, Ҳамида, Мош, Олапар, шоли, озодлик, ғалла, уйқу, чопиқ, одам, йигит, ўрик, чумоли, узум, Шодмон.

231-машқ. Ўқинг. Отларни дафтарингизга кўчириб ёзинг. Турдош ёки атоқли от эканлигини айтинг, ёзилишини тушунтиринг.

Доноларнинг доноси

Бобомиз Алишер Навоий 1441 йилнинг 9 февралда Ҳирот шаҳрида дунёга келган. Болалик чоғларидаёқ ҳамманинг эътиборига тушган. Кўп китоб ўқиганлар. Зеҳнлари ўткирлигидан минглаб байт ғазалларни ёд билган. Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ - ут - тайр» ("Қуш нутқи") асарини бошдан оёқ хотирасида сақлаган.

Навоий ўз она тилида «Хамса» ёзган. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг энг яқин дўсти бўлган. Навоий Бехзод, Хондамир, Махмуд Музаҳҳиб каби санъат аҳлларига устозлик қилган.

232-машқ. Вилоятимиз таркибига кирувчи шаҳар ва туманлар номини ёзинг. Бош ҳарф билан ёзилиш сабабини тушунтиринг.

62-§. Отларнинг ясалиши

сув
тош
гул



сувчи
тошлоқ
гулзор



Қорасув
Суратош
қашқаргул

Биринчи устундаги сўзлар берилган. Бу сўзлар маъноли қисмларга бўлинадими?

Иккинчи устундаги отлар қандай ясалган?

Учинчи устундаги отлар қандай ясалган?

Отлар асосан, икки усул билан ясалади:

1. От ясовчи қўшимчалар билан: туздон, гулчи.
2. Сўзларни қўшиш билан: Жалолобод, олақанот.

63-§. Ясовчи қўшимчалар билан от ясаш ва уларнинг ёзилиши

Берилган отларни намунадагидек маъноли қисмларга ажратинг.

Н а м у н а: гулчи - гул+чи

Ўқувчи, санъаткор, соатсоз, табиатшунос, китобхон, синфдош, дарвозабон, ёзув, ишлов, синов, қўрқув, сузма, ёғингарчилик

От ясовчи қўшимчалар ўзак билан бириккан ҳолда қуйидаги маъноларни билдирувчи отлар ясайди:

1. Шахс отлари; 2. Нарса-буюм отлари; 3. Ўрин-жой отлари;
4. Мавҳум отлар.

Шахс оти ясовчи қўшимчалар

-чи; ишчи, гулчи.

-дош: синфдош, ватандош, касбдош.

-кор: пахтакор, шоликор, ижодкор.

-каш: меҳнаткаш, аравакаш, жафокаш.

-бон: боғбон, саройбон, дарвозабон.

-боз; дорбоз, қиличбоз.

Тилимизда -дор, -паз, -хон, -шунос, -дўз, -соз қўшимчалари ҳам шахсни англатувчи отлар ясайди: чорвадор, ошпаз, газетхон, тилшунос, зардўз, соатсоз.

233-машқ. Кўчиринг. Шахс отини ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

Табелчи, сурнайчи, чилдирмачи, бетончи, суҳбатдош, мусобақадош, ватандош, издош, пахтакор, заргар, ўлкашунос, кабобпаз, аравакаш, китобхон, асбобсоз, қаламкаш

234-машқ. Қуйидаги сўзларга -чи шахс оти ясовчи қўшимчани қўшиб отлар ясанг. Бу отлар кўпроқ қайси дарсада ишлатилади?

Футбол, енгил атлетика, баскетбол, волейбол, бокс, акробат, спорт.

235-машқ. Берилган сўзлардан шахс отлари ясанг ва ёзинг.

Сарой, қизик, сир, балиқ, пахта, сомса, нон, ош, сут, ов, ўлка, табиат, ғалла, соат, ойна, китоб, парта, дор, масхара.

236-машқ. Аввал — лик қўшимчасисиз ишлатиш мумкин бўлган отларга, кейин — лик қўшимчасисиз қўлланилмайдиган отларга мисоллар ёзинг.

- Н а м у н а: 1. Учувчилик - учувчи, ...
2. Кўнчилик, ...

237-машқ. Кўчиринг. Қўшимча билан ясалган отларнинг тагига чизинг.

1. Аравонликлар Абдурашид Саломов номини ҳурмат билан тилга оладилар.
2. Аёлочи ўқувчилар слётда тақдирландилар.
3. Болаларнинг бири подачига ёрдамчи, бири темирчига босқончи, бири бўзчига шогирд, бири бойга югурдак эди. (М.И.)
4. Бири врачларни қўлга олиш керак деса, бошқаси ҳамма ишнинг жилови терговчида дерди. (М.М.)
5. Жим туролмас йилқичи одам! (У.Т.)



Буюм-нарса оти ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши

238-машқ. Кўчиринг. Сўзларни таркибий қисмларга ажратинг.

Ўроқ, курак, савағич, кўрсаткич, қирғич, қисқич, тутатқи, ётоқ, қулги, қилиқ, тўсиқ, терлама, бостирма, билим, томизғич, сувдон.

-гич (-кич, -қич, -ғич): кўрсаткич, қисқич, чизғич.

-ги (-ки, -қи, -ғи): сўпурғи, тепки, чолғи.

-к, -ак: курак, ширпирак.

-қ, -оқ: а унлиси билан битган ўзакдан -қ қўшимчаси билан, от ясалганда, ўзакдаги а товуши о га, я товуши эса ё га айланади ва шундай ёзилади: тара - тароқ, бўя - бўёқ.

-иқ, -ик: чоғиқ, топшириқ, тешиқ, -иқ қўшимчаси ўзакда у ёки ю товуши бўлган ҳолларда -уқ тарзида айтилади ва шундай ёзилади: учуқ, ютуқ.

-ма: босма, тўқима.

-м, (-им): тўшам, тишам, кийим, -им қўшимчаси ўзакда у ёки ю бўлган ҳолларда -ум тарзида айтилади ва шундай ёзилади: қулт-қултум, ун-унум, й билан туғанган ўзакларда -ум қўшимчаси й+у ўрнига ю ёзилади: қуй+ум - қуюм, уй+ум - уюм.

-дон: қаламдон, туздон.

-в, -ш қўшимчалари иш, машғулот номини билдирувчи отлар ясайди: ўқиш, сайлов. -ш қўшимчаси ундош билан тугаган сўзларга қўшилганда, а унлиси о га, и унлиси у га айланади: тергов, тинтув (терга+в, тинти+в), бу қўшимча ундош билан тугаган сўзларга қўшилганда, унинг олдидан бир у унлиси ортади: ёзув.

-(и)нди: ювинди, чиринди.

-хўр: чойхўр, текинхўр.

-ч: севинч, таянч.

-кин, (-гин): тўсқин, ёнғин.

-гарчилик: оғайнигарчилик, нобудгарчилик.

239-машқ. Кўчиринг. От ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг. Остига чизилган сўз қўшимчасини изоҳланг.

Ваъдабоз, қиличбоз, қоғозбоз, диққатпазлик, дарвозабон, тарозибон, айирув, ёзув, ишлов, йўқлов, синов, сўзлашув, тикув, тумов, куршов, кўрқув, айбловчи, боғловчи, зидловчи, тикувчи, шарҳловчи, қазувчи, куювчи.

240-машқ. Кўчиринг. Ясама отлар таркибини аниқланг, ёзилишини тушунтиринг.

Бичиқчи, кесатиқ, саноқ, санчиқ, сувоқ, учқун, қирғин, қувғин, соқчи, уйсоз, асранди, чайинди, чиринди, йиғин, бўғин.

241-машқ. -қ от ясовчи қўшимчаси билан қуйидаги сўзлардан от ясанг. ёзилишига диққат қилинг.

Тара, сана, ўта, қама, сўра, яма, тирна, бўя, қайра.

242-машқ. Ўқинг. Отларнинг қайси қўшимчалар билан ясалганини айтиб беринг.

Босқич, туртки, тешки, тилак, филдирак, чизғич, чопиқ, пирпирак, чизик, чопқи, ачитқи, елпиғич, тўғнағич, сўрғич, ўсма, қатлама, кулдон, томизғи.

243-машқ. Биринчи устулдаги отларга I шахс birlikдаги эгаллик қўнимчасини қўшиб ўқинг. 1- ва 2-устундаги сўзларнинг маъносига фарқни айтиб беринг.

ун
туз
уй

ДУМ
ТУЗУМ
УЮМ

Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар

244-машқ. Ўқинг. Ажратилган сўзга сўроқ беринг. Таркибий қисмларга ажратинг.

Пахтазорга кема келар,
Биласизми нима қилар?
Устида бор катта қорни.
Яхши кўрар пахтазорни.

Оқ пахтани хўплаб ўтар,
Қорни тўйса четга тўкар.
Шофёрга бор кабинаси,
Номи ... (терим машинаси)

|| -зор: гулзор, пахтазор. ||
-лоқ: ўтлоқ, тошлоқ.
-истон: Қирғизистон, Ўзбекистон. ||

245-машқ. -зор, -истон қўшимчалари иштирокида 3-4 тадан от ясанг ва гаплар тузинг.

246-машқ. Кўчиринг. Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

Қамишзор, буғдойзор, пахтазор, Гулистон, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон, қумлоқ, ўтлоқ.

247-машқ. Кўчиринг. Ўрин-жой оти ясовчи қўшимчалар билан ясалган отларнинг тагига чизинг.

1. Қирғизистон Республикаси фуқаролари соғлиқларини муҳофаза қилиш, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғидан бепул фойдаланишга эгадирлар. 2. Чўпон молларни ўтлоқ томонга ҳайдаб кетди. 3. Ўқтам гулзор ёнига дарров жой ҳозирлади. (О.) 4. Буғдойзорда юради, ўроқ эмас, уради. 5. Мевазорда ширин олмалар, серсув ноклар, юмшоқгина шафтолилар кўп.

Мавҳум от ясовчи қўшимчалар

Ўқинг. Ясама отларни топиб, таркибини аниқлаш.

Тинчлик - фаровонлик йўлдоши.
Меҳнат - бойлик.
Кўпчилик қайда бўлса,
Тўқчилик шунда бўлар.

|| -лик: болалик, дўстлик. ||
-чилик: хурсандчилик, қариндошчилик.
-гарчилик: нобудгарчилик, хафагарчилик. ||

248-машқ. Кўчиринг. Мавҳум от ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг. Шу сўзларни қатнаштириб иккита гап тузинг.

Ёшлик, борлик, ёмонлик, бойлик, янгилик, қўшничилик, побудгарчидик.

249-машқ. Кўчиринг. Мавҳум маъноли отларнинг тагига чизинг.

1. Дўстликни ардоқлаш керак. 2. Саримсоқдан турли касалликларни қўзғатувчи микробларни йўқотиш учун ҳам фойдаланилади. 3. Содиқ дўст ким? - Яхшилик сари сенга ёрдам берган ва ёмонликдан қайтарган. 5. Соғлиқдан ортиқ бойлик йўқ. 6. Тозалик - соғлиқ гарови.

250-машқ. Икки устулдаги отларни қиёс қилиб ўқинг. Уларнинг маъносини мисоллар билан тушунтириб беринг.

Борлик	борлик
бўшлик	бўшлиқ
оталик	оталиқ
тоғлик	тоғлиқ

251-машқ. Кўчиринг. Ясама отларнинг тагига чизинг, ёзилишига диққат қилинг.

1. Ўқишда барча қийинчиликларни енгиш учун чидам ва сабот талаб қилинади. 2. Куч бирликда. 3. Ўқув йили тўрт чоракка бўлинади. 4. Болалик давримизда онанинг бағрида эркаланиб ётарканмиз, димоғимизга ўрнашиб қолган исни катта бўлганимизда ҳам унутмаймиз. 5. Қирғизистон Республикасида кексалик, касаллик ва меҳнат қобилиятини йўқотиш, боқувчисидан маҳрум бўлиш ҳолларида давлат ҳисобидан ижтимоий таъминот кафолатланади.

252-машқ. Ўқинг. Отларни топинг.

Отам Ғофир Мақсум асли марғилонлик. Фалакнинг гардиши билан ўттизичи йилларда Ўшга келиб қолган. Бобур қадамжо этган бу кўҳна шаҳарда ярим асрдан ортиқ истиқомат қилса ҳамки, туғилган жойининг мулоийм шеvasини покиза сақлаган.

1941 йили 17 декабрда Ўш шаҳрида дунёга келганман. Ўрта мактабни тамомлаб, соатсоз уста бўлиб ишладим. Олий ўқув юртини тамомлаб, ўқитувчилик қилдим. 1964 йили вилоят «Ленин йўли» (ҳозирги «Ўш садоси») газетаси муҳарририясига ишга кирдим. Адабий ҳодим, масъул котиб, бўлим мудири, бош муҳаррир вазифаларини бажардим.

(А. Абдуғафуров таржиман ҳолидан)

64-§. Отларнинг тузилишига кўра турлари ва уларнинг ёзилиши

Ўқинг. Икки сўзни қўшишдан ҳосил бўлган отларни ажратинг.

Қизилқишлоқ, Қўшчинор, соатсоз, ойнаванд, меҳнатсевар, ёш-қари, кўзмунчоқ, ватадош, кўзойнак, яхшилик, кийим-кечак, Бешкапа, учбурчак, қирқоғайни.

Отлар тузилишига кўра содда, қўшма ва жуфт отларга бўлинади.

Фақат бир ўзакдан ташкил топган отларга содда отлар дейилади.

Икки ва ундан ортиқ ўзакдан ташкил топган отларга қўшма отлар дейилади.

Бир-бирига яқин ёки қарама-қарши маъноли сўзлардан ташкил топган отларга жуфт отлар дейилади. Жуфт отлар маънони умумлаштиради.

253-машқ. Кўчиринг. Сўз қўшиш йўли билан ҳосил қилинган отларни топинг.

Атиргул, сувчи, итбалиқ, пахтакор, ошқовоқ, ошқозон, қўл^боқ, томорқа, тоғолча, тоққайчи, сочпопук, кўкқарға, қирқбўғин, қорақурт, Қорасув, Тезақўрғон.

254-машқ. Кўчиринг. Отларни топиб, тагига чизинг. Содда, қўшма ёки жуфт от эканлигини айтинг.

1. Халқимиз баҳор фаслини орзу-умид билан кутиб олади. (А.З)
2. Биз ёзда оиламиз билан Иесикқўлда дам олдик. 3. Қорасув - вилоятимиздаги энг катта ноҳия. 4. Улар йўл чеккасида бир неча синфдош ўртоқларининг суҳбатлашиб ўтиришганини кўриб қолишди.

5. Керматогнинг азал номин,
Атаганлар Чилустун.

(Т.А.)

255-машқ. Содда, қўшма ва жуфт отларга уртадан мисол топинг ва улар иштирокида гап тузинг.



65-§. Қўшма отларнинг ясалиши ва ёзилиши

Берилган қўшма отларнинг иккинчи қисмини ёзинг.

Бешик..., қора..., чилон..., от..., кўз..., бел..., макка..., асал..., ўрта..., хаво..., Умум..., фото..., ер...

Қўшма отлар икки ёки ундан ортиқ ўзақларнинг қўшилишидан ҳосил бўлиб, мазмунан бир тушунчани ифодалайди.

Қўшма отлар, одатда қуйидагича ясалади:

1. От билан отдан: кўзиқорин, отқулоқ, карнайгул.
2. Сифат билан сифатдан: кўксултон, оққуш, Оқтепа.
3. Сон билан отдан: учбурчак, мингоёқ, Учқўрғон.
4. От билан феълдан: ўринбосар, бешиктерватар.

256-машқ. Кўчиринг. Қўшма отларнинг қандай тузилганлигини қавс ичида кўрсатинг.

Н а м у н а: Янгиариқ (сифат + от), ...

Садарайҳон, қоракўл, кўзойнак, тўртбурчак, қўларра, тошбақа, кўқарға, Каттақўрғон, шилипоя, Кўкбулоқ.

Қўшма отлар икки хил: қўшиб ва ажратиб ёзилади. Қуйидаги қўшма отлар қўшиб ёзилади:

1. Отнинг от ёки бошқа сўз туркумидаги сўз билан бирикувидан ҳосил бўлган, бир тушунчани ифодалаган ва бир бош урғу билан айтиладиган турдош қўшма отлар.

2. Иккинчи қисми турдош от бўлган жой номлари.

3. Иккинчи қисми - ар қўшимчали феълдан тузилган қўшма отлар.

4. Рус тилидан айнан ёки таржима қилиш йўли билан ўзлаштирилган қўшма отлар.


Қуйидаги қўшма отлар ажратиб ёзилади:

1. Иккинчи қисми атоқли от бўлган жой номларини билдирувчи қўшма отлар: Урта Осиё.

2. Иккинчи қисми е, ё, ю, я билан бошланган қўшма отлар: ер ёнгоқ, қозон ювғич.

257-машқ. Кўчиринг. Қўшма отларнинг қисмларини қайси сўз туркумига оидлигини айтинг.

Н а м у н а: мингоёқ - сон + от.



Ўчбурчак, ёрилтош, бўрикалла, бақатерак, музқаймоқ, карнайгул, Ўттизадир, тўртбурчак.

258-машқ. Ўқинг. Қўшма отларнинг қайси қоидага мувофиқ ёзилганини айтинг.

Жалолобод, Чинобод, умумхалқ, калтакесак, ертўла, ўринбосар, печакгул, хонтахта, билагузук, отқулоқ, бойчечак, олтингургург, оштахта, Бутун Россия, Умум Европа, ер ёнғоқ, қозон ювғич.

259-машқ. Сўзларни кўчириг. Ёзилишини тушунтириг.

Кинотеатр, кинорежиссёр, киностудия, радиостанция, радиоаппарат, электростанция, электротехника, фотоплёнка.

260-машқ. Таркибида обод, тепа сўзлари бўлган 6 та қўшма от топиб, улар иштирокида гаплар тузинг. Ёзилишини тушунтириг.

261-машқ. Қавсларни тушириб қолдириб, қўшма отларни қоидага мувофиқ ёзинг.

Оқ (бура), кўк(султон), тош(кўмир), Тош (темир), Ўрта (Осиё), Бутун (Европа), ўқ (илон), минг(оёқ), олти(бурчак), оташ(курак), ўрин(босар), бешик(тебратар).

262-машқ. Вилоятимиздаги қўшма от билан ифодаланган жой номларига мисоллар ёзинг.

266-§. Жуфт отларнинг ёзилиши

263-машқ. Нуқталар ўрнига мос сўзлар қўйиб, жуфт отлар ясанг ва уларни кўчириг.

Ака - ..., ота - ..., ўғил - ..., экин - *Иш* ўйин - ..., бола - ..., ошна - ..., мева - ..., вице - ..., қовуш - ...

1. Жуфт отлар чизиқча билан ёзилади.
2. Иккинчи қисми биринчи қисмнинг товуш ўзгариш асосидаги такрорланишидан ҳосил бўлган сўзлар чизиқча билан ёзилади: ош - пош, чой - пой.

3. Рус тилидан айпан ёки таржима қилиш йўли билан олинган сўзлар аслига мувофиқ чизиқча билан ёзилади: вице-президент, киловатт-соат.

II. Агар жуфт отлар ўртасида у, ю боғловчилари ишлатилса, чизиқча қўйилмайди: ёшу қари, каттаю кичик.

264-машқ. Кўчиринг. Жуфт сўзларнинг ёзилишини тушунтиринг.

Дори-дармон, қозон-товоқ, кўрпа-тўшак, тоғу тош, генерал-майор, ному нишон, асбоб-ускуна, темир-терсак, қош-қовоқ, қоп-моп, сув-пув, қариндош-уруф.

265-машқ. Шеърни ифодали ўқинг, сўнг кўчиринг. Жуфт отларнинг тагига чизинг.

Қўш қалдирғоч

Элчи баҳор келиб яна,
Қир - адирга дурлар сочиб,
Дутор нусха инни йўқлаб
Қайтди тоғнинг қалдирғочи.
Қўш қалдирғоч чуғурлашиб,
Биринини турди пойлаб.
Иккинчи ёр-дўсларни
Бошлаб келди парвоз айлаб.

Т.А.

266-машқ. Ўқинг. Жуфт отларнинг маъносини айтиш.

Ўйин-кулги, ўғил-қиз, қовун-тарвуз, ошна-оғайни, ёр-биродар,
сабзи-пиёз, гўшт-ёғ, дафтар-китоб.

67-§. Қисқартма отларнинг ёзилиши

Ўқинг. Ажратилган сўзлар қандай маъно англатаётганини айтиш.

Менинг опам **ЎшДУ** да ўқийди. Биз **ЭҲМ** билан ишлашни ўрганишимиз керак.

Қисқартма отлар қуйидагича ҳосил бўлади: 1. Сўзларнинг биринчи товушлари орқали: БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти). Бундай қисқартма отларнинг ҳар бир ҳарфи бош ҳарф билан ёзилади ва ўз номи билан айтилади: БМТ - бээмтэ. Қисқартма сўз ўртасида уни бўлса кўшиб ўқилади: «ФАН» (Фанлар Академияси нашриёти).

2. Биринчи сўзнинг биринчи бўғини ва қолган сўзларнинг биринчи товушлари орқали: ЎшДУ, ТошМУ. Бу вақтда биринчи сўзнинг биринчи товуши ва бошқа сўзларнинг биринчи товушлари бош ҳарф билан ёзилади.

3. Сўзларнинг бош қисмлари орқали: ижрокўм (ижроня

қўмитаси). Бундай қисқартма отлар кичик ҳарф билан ёзилади.

4. Аралаш йўл билан: универмаг (универсал магазин), медпункт (медицина пункти). Аралаш йўл билан ҳосил қилинган қисқартма отлар кичик ҳарф билан ёзилади.

267-машқ. Қуйидаги қисқартма отларни кенгайтириб ёзинг. Қисқартма от қандай ҳосил қилинганлигини ва ёзилишини тушунтиринг.

АҚШ, РТС, ГЭС, ДАН, педфак, телерадиокомпания, ЭХМ.

268¹-машқ. Ўқинг. Қисқартма отларни тошинг. Қандай ясалганини айтинг.

1. Кўз олдимга Фарҳод қоялари, Сирдарё тўлқинлари, азамат ГЭС биноси келди. 2. РТС да қишлоқ хўжалик машиналари тузатилади. 3. Қишлоғимизда универмаг, иккита медпункт бор. 4. Билдириб қўй шаҳарқўмга - Примбеди ўғлига. (Т.А)

Такрорлаш

Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Қандай сўзлар от туркумига киради?
2. Қандай отлар бош ҳарф билан ёзилади? Мисол айтинг.
3. Қай вақтда -нинг, қай вақтда -ни ёзилади?
4. Қўшма отнинг қайси турлари қўшиб ёзилади?
5. Қандай қўшма отлар ажратиб ёзилади?
6. Қисқартма отларнинг ясалиш турини мисоллар билан айтиб беринг

269-машқ. Қўшма отларни кўчириб ёзинг.

Кеча-кундуз, бошпана, бола-чақа, белкурак, шовқин-сурон, тошбақа, тоғузум, хавф-хатар, отбоқар, ғўзапоя, Жаннатариқ, Алимтепа, меҳр-муҳаббат.

270-машқ. Ясама отларни кўчириб ёзинг.

Қўл-оёқ, мол-мулк, чиқинди, бинокор, қийматахта, ота-она, фазилат, арзонгарчилик, чидам, яхши, яхшилик, мактабимиз, кийим, гулистон.

Шуҳрат кўрки

Керматонинг азал отин
Атагайлар Чилустун.
Бу қирқ таянч - тиргак демак,
Бонсини бил, дўстим.

Қирқта устун ерга тегмас,
Муаллақ фор шифтида.
Қирқ ботир бор Аравонни
Даст кўтарган кифтида.

Бу алпларнинг жасорати
Бутун юртни кезади.
Лаъл узукка ёқут кўздай,
Воҳамизнинг безаги.

Булар Алла Аноровдир,
Кўчибоев Тўйчи оға,
Санта опа, Дилоромлар
Хизматига жон садаға.

Ўтов бўлур Олайға,
Тожиҳон терган тилло.
Бу Бўрибой, Абдулҳамид,
Буюк Ҳабиб Абдулло.

Булар бари Аравоннинг
Зўр таянчи - тираги.
Шундай фарзанд ўстирмоқ
Оталарнинг тилаги.

Т.А.

Билимингизни синаб кўринг

1. Қайси жавобда от туркумига оид сўзлар берилган?

- А. Сарик, қизил. ✓
- Б. Мевали, чаңқамоқ.
- В. Югуриш, ёзиш.
- Г. Осмон, тинчлик.
- Д. Ўнта, бешинчи.

2. Қайси жавобда атоқли отлар кўрсатилган?

- А. Ўшлик, муҳтарам.
- Б. Жалолбод, Сузоқ. ✓
- В. Ўқитувчи, ўқувчи.
- Г. Мамлакат, президент.
- Д. Кинтоб, газета.

3. Қўшма от берилган қаторни аниқланг.

- А. Раҳмдил, олижаноб.
- Б. Каримаҳон, Тоҳиржон.
- В. Иссиққўл, Арслонбоб. ✓
- Г. Гулзор, ўтлоқ.
- Д. Чиройли, ҳусндор.

деганди
«Бирлик»
қўши тушуниш.

4. Синоним отлар берилган қаторни аниқланг.

- А. Кулди, жилмайди ✓
- Б. Гўзал, кўркам.
- В. Дўст, ўртоқ.
- Г. Тез, илдам.
- Д. Нордон, чучук.

5. Ясама от берилган қаторни аниқланг.

- А. Қармоқ, қаймоқ.
- Б. Ўтлоқ, гулистон.
- В. Уйча, бўғалоқ.
- Г. Китоблар, дафтарлар.
- Д. Қишлоққа, тилакка. ✓

азилат, арзон
гулистон.

ДЕРТ

1118

1118

1118

Отларда шакл ясалиши ва уларнинг ёзилиши

От туркуми сон, эгалик, келишик, чегара, кичрайтиш, эрка-лаш, қарашлилиқ, ўрин белгиси ва ўхшатиш шаклларига эга.

68-§. Отларнинг сон шакллари

Отлар нутқда бирлик ёки кўплик сон шаклида қўлланади. Кўплик шакл -лар қўшимчаси билан ясалади. Отнинг -лар қўшимчасини олмаган шакли бирлик шакли ҳисобланади: китоб (бирлик) китоблар (кўплик).

Демак, кўплик шакли нарса буюмнинг бирдан ортиқлигини (кўплигини), бирлик шакл бир нарса-буюмни билдиради.

Баъзи отлар билдирган нарсалар аслида битта бўлади. Масалан, ота, она, Ватан сўзлари билдирган шахс ва нарса, шунингдек, Камола, Бишкек, Қоплон атоқли отлар ҳам бир шахс, бир жой ва бир нарсани билдиради. Шунинг учун бундай отлар, олатда бирлик шаклда қўлланади. Бундай отлар -лар қўшимчаси билан қўлланса, кўпликдан бошқа маънони ифодалайди. Масалан, **дадамлар келдилар**, деганда, даданинг кўплиги эмас, балки дадага ҳурмат маъноси ифодаланади.

Шунингдек, -лар қўшимчаси кўплик маъносидан ташқари, маънони кучайтириш (севинчларим дарёдай тошиб), тахмин (кузларда келиб қолади) каби маъноларни ҳам англатади.

272-машқ. Кўчиринг. Кўшлик ва бирлик шаклидаги отларни аниқланг. Кўплик шаклидаги отлар тагига бир, бирлик шаклидаги отлар тагига икки чизик чизинг. Кўшлик шаклининг қандай маъно англатаётганини тушунтиринг.

1. Бу ҳафтада Ўшлик санъаткорлар Андижонлик санъат муҳлисарига «Соҳибқирон» спектаклини намойиш этадилар. («Мезон») 2. Тўктағуд номидаги вилоят кутубхонаси ходимаси Матлуба онани ҳамма болалар ҳурмат қиладилар. 3. Соат олтиларда мана шу ерга келиб турсанг бўлди.

4. Яхшиларга дўст бўлсам,
Доим ширин сўз бўлсам,
Дадамларга ўхшасам,
Одамларга ўхшасам.

273-машқ. «Мен уй ишларига ёрдам бераман» деган мавзуда ишро ёзинг. Ишончизда атоқли ва турдон отлар иштирок этсин. Бирлик ва кўшлик шаклидаги отларнинг тагига чизинг. Улар англатаётган маънони тушунтиринг.

274-**машқ.** Бирлик шаклидаги **●**лардан кўплик шаклидаги **●**ларни ясанг ва ёзилишини тушутиринг.

Повестъ, календарь, авт**о**мобиль, кот**и**ба, лагерь, ро**л**ь, артель, табель, модель, қалам, қахра**м**он, халқ, Фар**ҳ**од.

273-**машқ.** Кўчириг. Қавс ичидаги сўзлардан му**л**офиқ келадиганини ташаб ёзинг, бирлик ёки кўликда (ёки ҳар икки **●**да) ишлатилишининг сабабини тушутиринг.

Н а м у н а: Магазин ... (о**д**ам - о**д**амлар) билан тўла. - Магазин о**д**амлар билан тўла.

1. ... (о**с**мон - о**с**монлар) тиниқ. 2. Дўстим билан сўзлашиб ўтиргандик, менинг ... (уйқум - уйқуларим) келди. 3. Фабрикада ... (ил**ғ**ор - ил**ғ**орлар) кўп. 4. ... (йўлбарс - йўлбарслар) изидан қайтмас, ... (йигит - йигитлар) сўзидан қайтмас. 5. Х**о**лида, Қудрат ва ... (Ҳожиакбар - Ҳожиакбарлар) келди. 6. ... (Пахтаинг - пахталарнинг) ҳар ш**о**наси - мўл ҳосил ниш**о**наси. 7. ... (Ўқувчи - ўқувчилар) келди.

69-§. **●**ларнинг эгалик шакллари ва уларнинг ёзилиши

Эгалик шакллари нарса-ҳ**о**дисаларнинг уч шахсдан бирига қарашлилигини билдиради. Қайси шахсга қарашлилигини билдиришига кўра эгалик шаклининг уч тури, яъни I, II, III шахс шакллари бор. Ҳар бир шахс бирлик ва кўплик шаклига эга.

Эгалик шакллари унли билан битган сўзларга -м, -и**ғ**; -си (бирликда); -миз, -нгиз, -си (кўпликда); унд**о**ш билан битган сўзларга -им, -инг, -и (бирликда); -имиз, -ингиз, (лар)и (кўпликда) қўшимчалари тарзида қўшилади.

●ларда эгалик шакллари

Шахс	Унли т о вуш билан битган ● лар	
	Бирлик	Кўплик
I шахс	Парта - м	парта - миз
II шахс	парта - и ғ	парта - нгиз
III шахс	парта - си	парта - си (лари)
	Унд о ш т о вуш билан битган ● лар	
I шахс	Кит о б - им	кит о б - имиз
II шахс	кит о б - и ғ	кит о б - нгиз
III шахс	кит о б - и	кит о б - и (лари)

276-машқ. Ҳўқинг. Эгаллик қўшимчаси қўшилган отларни аниқланг, кўчириб, шахс-сонини айтинг.

1. Болалик кунларимда,
Уйкусиз тунларимда,
Кўп эртак эшитгандим,
Сўйлаб берарди бувим.

(X. 0.)

2. Қушларим, ҳой қушларим,
Қаноти кумушларим.
Меҳмон бўлиб келингиз,
Боғимда дам олингиз.

(A. Y.)

Айрим отларга эгаллик қўшимчаси қўшилганда, ўзакда ўзгариш бўлади.

Жарангсиз қ ва к билан битган икки ва ундан ортиқ бўғинли айрим отларга эгаллик қўшимчаси қўшилганда, к товуши жарангли г товушига, қ товуши жарангли ф товушига айланади: терак + и - тераги, қишлоқ + и - қишлоғи.

Аммо ток, нок, ўқ каби к ва қ билан битган бир бўғинли отлар, одатда, бу қоидага бўйсунмайди: ток + им - токим, нок + и - ноки, ўқ + и - ўқи.

Идрок, иштирок, иттифоқ, ҳуқуқ каби айрим кўп бўғинли сўзлар охирида келган к ва қ жарангсиз ундошлари ҳам ўзгармайди: идрок + и - идроки, иштирок + и - иштироки, иттифоқ + и - иттифоқи.

Айрим ҳолларда икки бўғинли сўзларнинг иккинчи ёпиқ бўғинида қисқароқ айтиладиган у ёки и унлиси келса, эгаллик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғиндаги у ёки и унлиси тушиб қолади: оғиз + и - оғзи, бурун + и - бурни.

277-машқ. Берилган отларга III шахс бирликдаги эгаллик қўшимчаларини кўшиб, кўчириб ёзинг. Узакдаги товуш ўзгаришини тушунтиринг.

1. Кўзойнак, гилдирак, куртак, терак, биллак, курмак, кўприк, туйнуқ, кўйлак, паррак, челак.

2. Иштирок, тук, цирк, ток, нок.

3. Байроқ, сўроқ, чироқ, тирноқ, соғлиқ, бутоқ, қирғоқ, қудуқ, қовоқ, қаймоқ, тумшук.

4. Иттифоқ, шарқ, халқ, ҳуқуқ, ахлоқ, хулқ, ҳақ.

278-машқ. Қаве ичидаги отларга эгаллик қўшимчаларидан мосини кўшиб кўчириг. Узакдаги товуш ўзгаришини тушунтиринг.

1. Шокиржон (ўртоқ) билан стадионга кетди. 2. Тоғамнинг (ўғил) 9-синфини битирди. 3. Биз учун илм (эшиқ) ҳар вақт очик. 4. Мактабимизнинг (бағир) кенг. 5. Кимнинг ўқини-ўрганишига (иштиёқ) зўр бўлса.

унинг (келажак) порлоқ бўлади. 6. Алишер (қовоқ)ни солиб кетаётган Хусайнга қаради. 7. Бобомнинг айтган (эртак) мени жуда қизиқтиради. 8. Балиқнинг (тириклик) сув билан.

279-машқ. ●ғиз, сингил сўзларини эгалик қўшимчалари билан турлаб, дафтарингизга ёзинг. Ўзакдаги ўзгаришга эътибор беринг.

280-машқ. Адабиёт дарсида ўқиладиган асардан 4 та гап ёзинг. Ёзган гапингиздаги отни аниқла. ●тнинг атоқли ёки турдош, бирлик ёки кўplik-да эканлигини, эгалик қўшимчаси билан қўлланган бўлса, шахс-сонини кўрсатинг.

281-машқ. Матини ўқинг. Эгалик қўшимчали отлар иштирок этган гапларни ажратиб ёзинг. Шахс-сонини кўрсатинг.

Дўст ва ўртоқларнинг бўлгани яхши. Улар билан бирга бўлгани-
нгизда ўзингизни дадил тутасиз. Чунки биргаликда барча энг қийин
ишларни ҳам амалга ошириш мумкин. Бизни ўртоқлар билан бирга-
ликда қилинадиган ишлар боғлаб туради. Қизиқиши, интилиши, диди
сизники билан бир хил бўлган киши дўст ҳисобланади. Ундан ҳеч қандай
нарсаси сир тutilмайди. У ҳеч нарсани дўсти учун аямайди. Агар сизнинг
шундай дўстингиз бўлса, уни қадрланг.

(«У ким? Бу нима?»)

70-§. ●тнинг келишик шакллари ва уларнинг ёзилиши

Гапда отни от билан ёки бошқа сўз туркуми билан боғлаш
учун хизмат қиладиган шакллар келишик шакллари дейилади.
Ўзбек тилида келишикнинг олти хил тури ва ҳар бир турининг
ўз шакли бор: 1) бош келишик шакли; 2) қаратқич келишиги
шакли; 3) тушум келишиги шакли; 4) жўналиш келишиги шакли;
5) ўрин-пайт келишиги шакли; 6) чиқин келишиги шакли.

71-§. Бош келишик шакли

Буғдойзорда

-Нега буғдой бош эгар?
Савол бердим дадамга.
-Меҳнатини олқишлаб,
Таъзим қилар одамга.

-Тилла рангга уларни
Кимлар бўяб кетишган?
-Қадоқ қўлли деҳқонлар
Терлар тўкиб экишган.

Шу туфайли ҳар бошоқ,
●птин бўлиб етишган.
(Т. А.)

Бош келишик шаклининг махсус кўшимчаси йўқ. Бу келишик шакли ким?, нима?, қаер? сўроқларининг бирига жавоб бўлади: Акмал (ким?), китоб (нима?), Ўш (қаер?).

Бош келишик шакли гапда, асосан, эга, шунингдек, кесим ва аниқловчи вазифасида келади: Карима (ким?) келди - эга. Олма (нима?) дарахти гуллади. - аниқловчи. ●нам - шифокор (ким?) - кесим.

Бош келишик шаклидаги от гапда ундайма ҳам бўлиб келади: Китоб, менинг дўстимсан!

282-машқ. Кўчиринг. Бош келишик шаклидаги отларнинг тагига чизинг. Гапдаги вазифасини айтинг.

1. Ўшлик расом Турсувбой Тошқўзиевнинг Тўқтагул номли вилоят кутубхонаси залида очилган кўрғазмаси одамларда катта таасурот қолдирди. 2. Нон доимо тишчилик учун кўрашаётган ватанимиз, мамлакатимизнинг асосий бойлигидир. 3. Инсондаги ҳар бир туҳфа: кўз, кулоқ, тил, юрак, ақл-зако яхшилик учун яратилгандир. (Т.С.) 4. Ҳабиб Абдуллаев ўзбеклардан чиққан ноёб ҳислатли улуғ олим эди. («Фан ва турмуш») 5. Алишер Навоий ўзбек адабиётида янги саҳифа яратган улуғ санъаткор, жаҳон адабиётининг буюк алломаларидан биридир.

283-машқ. Нуқталар ўрнига бош келишик шаклидаги отлардан кўйиб, гапларни кўчириб ёзинг. ●пларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

1. Тоғлар орасидан ... кўринди. 2. Боғимизда ..., ... ва ... дарахтлари гуркираб ўсмоқда. 3. Манаснинг поми ... лар учун ҳамшиша табаррук. 4. Ақлли ... ота-оналарни ҳурмат қиладилар. 5. Китобда ҳикматли ... кўп. 6. Ақлдан ортиқ ... йўқ.

284-машқ. Ўқинг. Бош келишик шаклидаги отларни кўчириб ёзинг.

Севар ариқ бўйида
Сув ичарди ҳовучлаб.
Муаллим деди шунда
Унинг кифтини ушлаб:
- Тур, ҳой Севар, хом сувни
Ичма, касал бўласан.
Ахир ўзинг у сувнинг
Зарарлигин биласан!

Севар ва ўртоқлари
Синф томон келдилар.
Ўқитувчи Севарга:
«Сув келтиргин», - дедилар.
Севар ўзи сув ичган
Ариқдан сув келтирди.
Кейин ўқитувчига
Жимгина қараб турди.

Ўқитувчи Севарга:
- Ҳозир кўрасан, қизим, -
Деб бир ойнакка сувдан
Томизди бир томизим.
Микроскопга қўйди у.
Уни кўришга шошиб,
Ёпирилди қизлар дув.
Шу бир томчи сувда кўп

Микроблар сузар эди.
Улар тиниқ бу сувнинг
Ҳуснини бузар эди.
Бирдан сесканиб кетди,
Севар ҳам кўриб уни,
Деди шунда: - Ичмайман
Энди ариқ сувини.

72-§. Қаратқич келишиги шакли, унинг айтилиши ва ёзилиши

285-машқ. Қавс ичидаги сўроқлар ўрнига мос отларни қўйиб кўчиринг.

(Кимнинг?) кундалиги, (ниманинг?) варағи, (ниманинг?) нури,
(кимнинг?) китоби, (кимнинг?) ишхонаси, (кимнинг?) кўзойнаги,
(қаернинг?) пойтахти, (қаернинг?) кўчаси, (ниманинг?) иссиғи.

Қаратқич келишиги шаклининг қўшимчаси -нинг. Қаратқич келишиги шакли от билан отни боғлайди: дарахтнинг барги, гулнинг ҳиди. Демак, қаратқич доимо эгаллик қўшимчасини олган от - **қаралмиш** билан боғланади.

Қаратқич келишиги қўшимчаси оғзаки нутқда кўпинча унли билан тугаган ўзакдан сўнг - ни, ундош билан тугаган ўзакдан сўнг, ундошнинг характериға қараб, турли шеваларда турлича талаффуз қилинади.

- ди (даптарди варағи - ад. орф. дафтарнинг варағи);
- ти (ишти қийини - ад. орф. ишнинг қийини);
- ми (укамми китоби - ад. орф. укамнинг китоби).

Лекин қаратқич келишиги шакли қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, ҳамма вақт -нинг ёзилади.

Қаратқич келишиги қўшимчаси қўллашмаслиги ҳам мумкин. Буни белгисиз қаратқич шакли дейилади: синф хонаси, мактаб боғи.

Қаратқич келишиги шаклидаги сўз гапда аниқловчи вазифасида келади.

286-машқ. Кўчиринг. Қаратқич келишиги шаклидаги отларни аниқлаш ва қаратқич ҳамда қаралмишнинг тағлиғи чизиш; қаратқич шаклининг талаффузда ва имлосини тушунтиринг.

1. Кузимизнинг гўзаллигин, оғайнилар, кўрганмисиз? 2. Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз. (А.●) 3. Ўғил бола - худонинг бир инояти. (С.А.) 4. Арғиннинг хони Хожибой Манаснинг баҳодирлигини эшитиб, кўз кўрмаган ерни қидириб, манглайдан терни сидириб, охири Бақайни топибди. ("М.") 5. Яхшининг гапи - мой, ёмоннинг гапи - мой. (Мақол) 6. Мактаб кўнғироғининг овози эшитилди.

287-машқ. Кўчиринг. Белгисиз қаратқич шаклидаги отларнинг тагига чизинг.

1. Турсунбой Адашбоев шеърларини севиб ўқиймиз. 2. Киши обрўси иши билан белгиланади. 3. Қуш сайраши ором берар дилларга. 4. Уқи-тувчи синф журналини очиб йўқлама қилди. 5. Аммо тоққа чиқишда Бобурнинг ўсмирлиги жуда иш берди. (П.К.)

6. Ҳар бир хонада бўлар,
У туфайли нур тўлар.
Гоҳ юзида пардаси,
Бор эрур туйнукчаси.
Чанг-чунгга тўлатмайди,
Совуқни йўлатмайди.
У хонанинг кўзидир.
Кимки ўйлаб қараса,
Ўзимизнинг ...

(Дераза)

288-машқ. Мақолларни кўчиринг. Бош ва қаратқич шаклидаги отлар-нинг тагига чизинг.

1. Одоб - кишининг зебу зийнати. 2. Марднинг сўзи бир бўлур.
3. Меҳнатнинг таги роҳат. 4. Касал жоннинг ҳаракатида, табиб пулниги.
5. Эр йигитнинг уялгани - ўлгани. 6. Ношнинг ушоғи ҳам нон. 7. Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада.

73-§. Тушум келишиги шакли, унинг айтилиши ва ёзилиши

289-машқ. Тушум келишиги шаклидаги отларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Аллоҳ дуоини ибодат деб атаган. 2. Менинг хизматларимни кадрлаб, эъзозлаётган ҳалқимга ташаккуримни, меҳру муҳаббатимни изҳор этаман. (С.А.) 3. Чўлпон Ватан табиатини унинг ҳақиқий фарзанди сифатида ардоқлайди. (А.З.) 4. Мардни меҳнат енголмас. 5. Ўз поинингни ўзгалар дастурхонида ема.

Тушум келишиги шакли -ни қўшимчаси билан ҳосил бўлади. Бу шакл ҳамма вақт феъл билан бирикади ва феъл билдирган ҳаракат йўналган нарса-буюмни билдиради.

Шижоатли кишиларни дўст тут.
(А.Т.)

Оғзаки нутқда тушум келишиги шакли унли билан тугагандан сўнг -ни, ундош билан тугаган отдан сўнг эса -ди, -ти (тилни – тилди, отни - отти) тарзида талаффуз қилинади, лекин ҳамма вақт – ни ёзилади.

Тушум келишиги шакли -ни қўшимчасисиз (белгисиз) қўлланиши ҳам мумкин: олма тердик.

Баъзан шеърятда -ни ўрнида – н ҳолида ҳам келади:

Кузимизнинг гўзаллигин,
Оғайнилар, кўрганмисиз?
(Уйғун)

Тушум келишиги шаклидаги сўз гапда гўлдирувчи вазифасида келади.

Синф моҳиде
290-машқ. Нукталар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиги қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг.

Дарахт... барги, Собир... кўрдим, қўйлар...суғордик, мактаб... ҳовлиси, ўқитувчи... сўзи, китоб... саҳифаси, ўқувчи... иш режаси, дафтар... варағи, китоб...ўқиди, гап... очиги, дафтар... олди.

Ҳитр моҳиде
291-машқ. Нукталар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиги қўшимчасидан мосини қўйиб кўчиринг.

Китоб

Китоб бир неча минг йиллар аввал пайдо бўлган. Бобулликлар, осурияликлар ва бошқа қадимги халқлар китоб... лойдан тайёрлашган. Хитойда эса дастлаб китоб... юпқа бомбук... пластинкаларига ёзишган. Қадимги Миерда китоб матилари... тош плиталарга ўйиб ёзишган. Ўрта асрларда китоблар... кўлда бирлаштирилган дафтарларга ёзганлар. Варақлар... сочилиб кетмаслиги учун дафтарлар... бириктириб тикар эдилар ва чарм ёки мато билан бириктирилган ёғоч қопқоқли филофларга солиб қўядилар. Биз... кўзимиз ўрганиб қолган китоб... ҳозирги шакли шундай пайдо бўлган.

(«Уким? Бу нима?»)

292-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Бош, қаратқич, тушум келишигидаги отларни тошинг, гапдаги вазифасини айтинг.

Лола

Қуёшни кўриб лола
Бу менинг шуълам деди,
Кўрганнинг кўзи ёнар,
Янграр ашулам, деди.
Оқшом офтоб ёнбошлаб,
Уфққа етиб қолди.

-Йўқолдим, - дея лола
Ташвишга ботиб қолди.
Қуёшнинг бир четини
Лахтак булут ямлади.
Лола кўкда шуъласин
Бўлмаслигин англади.

(Т. А.)

74-§. Жўналиш келишиги шакли, унинг айтилиши ва ёзилиши

Ўқинг: Жўналиш келишигидаги отларни топиб, сўроқ беринг.

Кўк кўйлакка қўл етмас.
Зарга сотилмас, зўрга топилмас.
Шакли ўхшар ўроққа,
Доим тутар сўроққа.

Жўналиш келишиги шакли **-га** қўшимчаси билан ҳосил қилинади. **-га** қўшимчаси **қ** ва **ғ** билан битган сўзларга қўшилиб, **-ка**, **-қа** ҳолида талаффуз қилинади ва шундай ёзилади: ариққа, балиққа, теракка.

Жўналиш келишиги шакли ўзи боғланган феъл англатган ҳаракат йўналган нарса-буюмни билдиради.

Жўналиш келишиги шакли кимга?, нимага? сўроғига жавоб бўлганда тўлдирувчи вазифасида, қаерга? сўроғига жавоб бўлганда ҳол вазифасида келади.

Словарь Морфологии

293-машқ. Кўчиринг. Жўналиш келишиги шаклидаги отларни аниқланг.

1. Ақл кўпга етказар, ҳунар кўкка етказар. (*Мақол*) 2. Ўнгитга өз бўлари қилса минг ҳунар. 3. Ота-онага садоқат, уларни ҳурмат қилиш-фарзандлик бурчимиз. 4. Илм ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. (*А. Т.*) 5. Бошни фидо қилғил ато бошига, жисми қил садқа ано қошига. (*А. Н.*) 6. Ботирда боққа ва боғбонликка меҳр болалик вақтидаёқ уйғонди.

294-машқ. Нуқталар ўрнига жўналиш келишиги қўшимчаларидан мосини қўйиб гапларни кўчиринг. Қўшимча олган отларнинг гапларига вазифасини айтинг.

1. Қудратимиз... (-га, -ка, -қа) шак-шубхангиз бўлса, биз курдирган бинолар... (-га, -ка, -қа) боқинг. 2. Зулфия опамиз мана шу ҳурмат-эъозлар... (-га, -ка, -қа) тамомила муносибдирлар. (А. ●) 3. Булоқ... (-га, -ка, -қа) ҳам, қишлоқ (-га, -ка, -қа) ҳам ● кўл номи берилган. 4. Наврўз байрамида биз тоқ... (-га, -ка, -қа) чиқдик. 5. Ҳовлимиздаги терак... (-га, -ка, -қа) қушлар... (-га, -ка, -қа) ин кўйдик.

295-машқ. Ёшлар мовлиғи
Нукталар ўрнига жупалиш келишиги қўшимчалардан мени кўйиб гапларни кўчиринг. ●ларни аниқлаб, қайси сўз билан боғланганини айтиш.

1. Кўк кўйлак... гўза ёйдим. 2. Қолган иш.. қор ёғар. 3. Эгилган таёқ... суяни, сени ҳам эгади. 4. Дўст бош... кулфат тушганда синалади. 5. Ўйламай қилинган иш бош... келтирар ташвиш. 6. Кўк... боқма, кўп... боқ. 7. Б●шинг... қилч келса ҳам тўғри гапир. 8. ●га-она дуоеси ўт... сув... ботирмас. 9. Дўст ●тига минсанг, манзир... етасан. 10. Ер... меҳри борнинг эл... меҳри бор.

75-§. Ўрин-пайт келишиги шакли, унинг айтилиши ва ёзилиши

Ўқинг. Келишик қўшимчаларини олган отларни аниқланг. Ўрин-пайт келишигидаги отга сўроқ беринг.

Ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳри ва мамлакатини шу кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Хатт● бу ватан туйғуси ҳайв●нларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан - уюридан айрилса, ўз еридаги каби раҳатда яшамас, ... ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз ватанининг муҳаббати турар.

(А. Авлоний)

Ўрин-пайт келишиги шакли -да қўшимчаси билан ҳосил бўлади ва ҳаракат, нарса-ҳодисанинг ўрни, пайти маъноларини билдиради.

Ўрин-пайт келишиги кимда?, нимада? сўроғига жавоб бўлганда гапда тўлдирувчи вазифасида келади.

Ўрин-пайт келишиги шакли жарангсиз ундошдан сўнг келганда -га ҳолида айтилади, лекин -да ёзилади.

Сөлиштиринг

айтилиши
ишга
отта
мактапта

ёзилиши
ишда
отда
мактабда

296-машқ. Кўчириг. Ўри-пайт келишигидаги отларни топинг. Талаффузи ва ёзилишини тушунтириг.

1. ●Лтин ўтда, одам меҳнатда тобланади. 2. Бадантарбия билан ўз вақтида шуғулланган киши касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди. (*Ибн Сино*) 3. Қирғизистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида съезд, конференция, мажлислар давлат тилида олиб борилади. (*Қ.Р.К.*) 4. Ақл ёшда эмас, бошда. (*Мақол*) 5. ●Лтойда бойлик ерда экан, пешонадан тўкилган терда экан. (*«М.»*)

297-машқ. Нукталар ўрнига зарур келишк қўшимчаларидан қўйиб гапларни кўчириб ёзинг.

1. Ўроқ... йўқ, машоқ... йўқ, хирмон... ҳозир. 2. Ўт... ёнмайди, сув... ботмайди. 3. Меҳнат... қўрқма, миннат... қўрқ. 4. Катта... ҳурмат... кичик... иззат... бўл. 5. Қуёш ҳаво... иситса, дўстлик қалб... иситади. 6. ёмон ари... бол бўлмас, сувсиз ер... тол бўлмас.

298-машқ. Сўроқлар ўрнига отларни қўйиб кўчириг. Қайси келишк шаклида эканигини устига ёзиб қўйиш.

(Кимнинг?) китоби, (кимни?) кўрди, (ниманинг?) қадри, (нимани?) ўқимоқ, (қаернинг?) кўчаси, (қаерни?) айланиш, (кимга?) топширмоқ, (нимага?) ёзмоқ, (қаерга?) бормоқ, (қаерда?) дам олиш, (қачон?) дам олиш.

76-§. Чиқиш келишиги шакли, унинг айтилиши ва ёзилиши

299-машқ. Ўқинг. Чиқиш келишигидаги отни ўзи боғланган сўз билан кўчириг.

Устозни отадан азиз деб бил. Нодон одамлардан қоч. Ҳаётдан кўра яхшироқ нарса - яхши ном. Ақлли душман нодон дўстдан яхшироқ. (А.Т.)

Чиқиш келишиги шакли -дан қўшимчаси орқали ҳосил қилинади - ва асосан, феъл билан, баъзан бошқа сўз туркумига оид сўз билан бирикади. Чиқиш келишиги шакли ҳаракатнинг чиқиш нуқтасини, шу билан бирга, ҳаракат йўналган манбани, пайт, сабаб каби маъноларни ҳам билдиради.

Чиқиш келишигининг қўшимчаси -дан жарангсиз товуш билан битган отларга қўшилганда, қўшимчадаги -д жарангли

товуши талаффузда жарангсизланса ҳам, -д жарангли товуши ёзилади.

Сөлиштиринг

айтилиши

қиштан

оттан

дарстан

ёзилиши

қишдан

отдан

дарсдан

Чиқиш келишигидаги **от**лар кимдан?, нимадан?, қаердан?, қачондан? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Бу келишикдаги отлар гапда иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

300-машқ. Кўчириг. Чиқиш келишиги шаклидаги отларни аниқлап, таънига чизинг. Талаффузи ва имлосини тушунтириг.

1. Ҳзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан минватдорман. (М.Г.) 2. Сени менга берган бу табиатдан Сенинг юрагингга олов сўрайман. (Э. В.) 3. Дастлабки илми **она**сидан олган Сирожий кейинчалик Қўқон мадрасасида таҳсил кўрган. («У.с.») 4. Беруний она тилидан ташқари араб, форс, юнон, қадимги яҳудий тилларини эгаллади. 5. Ушбу гўзал майдон Ҳшимизнинг 3000 йиллик тўйига муносиб совғалардан бири бўлди. (Ах.М.)

301-машқ. Келишик шакллари олан отларни аниқлап ва уларни алоҳида-алоҳида кўчириб ёзинг.

Нон! Мана шу биргина сўз замирида бир жаҳон маъно бор. Нон шунчаки дастурхонимиз беагаи эмас, балки тириклик мазмуни, ҳаёт манбаидир. Шу бондан ҳам аجدодларимиз нонни муқаддас билганлар, у ҳақда кўшиқ ва достонлар тўқиганмиз. Ерда ётган бир бурда нонни ҳам, кичик бир ушоқни кўрсак ҳам олиб, дарров кўзимизга суртамиз, эҳтиётлаб покиза жойга қўйишимизнинг бойси ҳам нонга бўлган буюк эътиқодимизнинг рамзидир.

302-машқ. Нуқталар ўринга келишик қўшимчаларидаи мосини қўйиб, гапларни кўчириг. Чиқиш келишиги шаклидаги отларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

1. Йўлбарс изи... қайтмас, йиғит сўзи... 2. Навоий табассумли кўзлари билан атроф... боқиб, бир кўли... кўкси... қўйган ҳолда боши... енгил қимирлатиш билан халқ... табриги... самимий жавоб бериб борди. (О.) 3. У шунчалар гантики, инсон... ҳеч нарсаи аямайди. 4. Туғилиб ўсган қишлоғим... кўркам манзараси, тиниқ сувлари, шифобахш ҳавоси ҳордиғим... чиқарди. 5. Қўлдош Мирзо... «Жаҳон сенки» тўплами ўттиз

нинг нусхада чоп этилган. 6. Аллоҳ... фақат илмли кишиларгина қўрқадилар. («Қуръон»)

303-машқ. Ўқийётган бадий асарингиздан тўртта гап ёзинг. Чиқиб келишигидаги отларни белгиланг.

304-машқ. Ўқинг. ❶ларни топинг. Қайси келишик шаклида эканлигини айтинг.

- | | |
|--|--|
| <p>1. Қаранг, тегирмон ғаллага кўп бой.
Тошар қоплардан олтиндек буғдой.
Парракни шамол юргизиб ҳар дам,
Тегирмончига беради ёрдам.</p> <p>2. Тоғдан тушса шалдирар,
Ойна каби ялтирар.
Ўзи жуда ҳам суюқ,
Совуқда бўлар қуюқ.
Иссиқдан учар, қочар
Ариқдан тез-тез чопар. (Сув)</p> | <p>3. Меҳнатдан дўст ортар,
Ғийбатдан душман.</p> <p>4. Нодондан ақл кутма,
Бебурддан - номус.</p> |
|--|--|

305-машқ. Кўчириб олинг ва ёздан айтинг.

Келишик номи	Қўшимчаси	Сўроқлари
1. Боя келишик	---	Ким?, нима?, қаср?
2. Қаратрич келишиги	- нинг	Кимнинг?, ниманинг?, қасрнинг?
3. Тушум келишиги	- ни	Кимни?, нимани?, қасрни?
4. Жўз келишиги	-га(-ка,-қа)	Кимга?, нимага?, қасрга?, (қасрага?)
5. Ўрив-тайт келишиги	-да	Кимда?, нимада?, қасрда?, қачон?
6. Чиряп келишиги	-дан	Кимдан?, нимадан?, қасрдан?

306-машқ. Қишлоқ, барг, боғ отларини келишик шаклларида ёзинг. Ўзакдаги ўзгаришни тушунтиринг.

307-машқ. «Наврўз байрамида» мавзусида ҳикоя ёзинг. Ёзган ҳикоя-нингиздаги отларни аниқланг ва қайси келишик шаклида эканлигини айтинг.

308-машқ. Китоб сўзини 6 хил келишик шаклида ёзинг ва ҳар бирига гаплар тузинг.

77-§. ❶ларнинг кичрайтиш ва эркалаш шакллари ҳамда уларнинг ёзилиши

Ўқинг. Ажратилган сўзларнинг ўзак ва қўшимчасини аниқланг.

1. Тол баргини сочига
Тақиб олган қизалоқ.

(С.О.)

2. Болажонлар! Дил рубобин
Сизлар учун созлаганман,
(Т.А.)

●тнинг кичрайтиш ва эркалаш шакллари қуйидаги кўшимчалар билан ҳосил бўлади:

-ча: уйча, қизча.

-чоқ (-чак): тойчоқ, келинчак.

-лоқ, -алоқ: қизалоқ, бўғалоқ.

-жон: укажон, ойижон, қуёнжон, кўшнижон.

-хон, -ой: акахон, Жамилаой.

-бек: Шоҳруҳбек, Беҳзодбек, Алишербек.

Эслатма: -жон, -хон, -ой, -бек кўшимчалари киши исми ёки фамилияси таркибида бўлганда эркалаш ифодаланмайди.

-жон, -хон, -ой, -бек кўшимчалари шахс билдирувчи отларга кўшилади ва эркалаш маъноларини ифодалайди: ойижон, отахон, баҳорой.

-ча кўшимчаси эса нарса-буюмни билдирувчи сўзларга ҳам кўшилаверади ва кичрайтиш ёки эркалаш маъносини ифодалайди: кучукча, қушча, аравача, ўғилча.

Кичрайтиш ва эркалаш шакллари ўзи қўшилган от билан кўшиб ёзилади.

↓ **309-машқ.** Берилган сўзларга кўшимчалар қўшиб, кичрайтиш ва эркаланиш отлари ясагил.

Боғ, тугма, уй, қўзи, китоб, дафтар, юлдуз, суна, Карима, Қодир, Пўлат

Ясаган эркаланиш ва кичрайтиш отлари иштирокида 4 та гап тузиб ёзинг.

↓ **310-машқ.** Кўчиригил. Кичрайтиш ва эркаланиш отларини аниқлаш ва тагига чизинг.

1. Қадимги замонда эртақнамо бир ўлка бўлиб, унда кичик-кичик одамлар яшар эди. (Ш.С.) 2. Бола ва қизча шодланиб, шохдор она буғу ордидан чопқиллаб кетишди. (Ҳ.А.) 3. Лўппи, дўндик кўзичоқ, Эркинга қалин ўртоқ. (К.М.) 4. Беш баҳони табелга маржондек тизиб қўйсам, шуни истар тинмагур муштдек, жажжи юракчам. 5. Ўртоқжоним, ўртоқжон, етти ёшга тўлибсиз.

311-машқ. Топишмоқларни ўқинг. Кичрайтиш ва эркаланг отларининг таъига чизинг.

1. ● Ғайнижон, сенга савол,
Бордир зарур ўқув қурол.
Кўча эмас, йўли тайёр,
Китоб эмас, варағи бор.
Ёзилади сўзу гаплар
Кичиклар ҳам уни билар...
(Дафтар)

78-§. ● **Отларнинг қарашлилиқ шакли, унинг айтилиши ва ёзилиши**

Ўқинг.

Кутубхона китоби
Мактабники, бизники.
Қоровой, ўртоқ, билсанг,
Бир чети ўзингники.
(Қ. М.)

Бу мисралардаги -ники, қўшимчаси қайси туркумдаги сўзларга қўшилган? Бу сўзлар ниманинг қаражли эканлигини билдирапти?

● Отларнинг қарашлилиқ шакли -ники қўшимчаси билан ясалди ва предметнинг шу шаклдаги сўз билдирган шахс ёки предметга қаражли эканини билдиради.

312-машқ. Кўчиринг. Қарашлилиқ шаклидаги отларни аниқланг ва таъига чизинг. Айтилиши ва ёзилишини тушутиринг.

1. Бу китоблар мактаб кутубхонасиники. 2. Уй ишлари кўп бўлса ҳам, Ўлмас чарчамас эди. Чунки юмушни домланикидагидек ёлғиз ўзи эмас, етим қиз Адолат билан бирга қиларди. (Е.Ш.) 3. Ёлқин акамнинг ўртоқларини меҳмонхонага элтиб қўйдик-да, келин аямнинг амакисиникига йўл олдик. 4. Бизнинг мамлакатимизда ҳокимият халқники, ўз меҳнати билан моддий ва маънавий бойликлар яратаётган кишиларникидир.

313-машқ. Расмга қараб ҳикоя тузинг. Ҳикоянгизга сарлавҳа тошинг. -ники қўшимчасини олган отларнинг таъига чизинг.



314-машқ. Бадий асарлардан -ники қўшимчали от қатнашган 4 та гап ёзинг.

79-§. ●тларнинг ўрин белгиси, унинг айтилиши ва ёзилиши


Ўқинг.

Ўнг қўлимда беш панжа,
 Чап қўлимда беш панжа-
 Ҳар бирининг исми бор,
 Инок, аҳил, эш панжа.

Ўнг қўлдаги:
 Бошмалдоқ,
 Барамалдоқ,

Ўрта терак,
 Хўжа мерак,
 Кенжа бувак,
 Иағи тутиб бирлашиб,
 Чап қўлдаги панжаларим,
 Бошоқларни дасталайди.


Ажратилган сўзларни таркибга ажратинг



Бу шакл -даги қўшимчаси (-да +ги) билан ясалади ва нарса-ҳодисанинг ўрнига кўра белгисини билдиради.

Бу шаклдаги от гапда аниқловчи вазифасида келади:
Қўлимдаги соатни опам совға қилган.

315-машқ. Кўчиринг. Ўрин белгиси шаклидаги отларни аниқланг ва тағига чизинг. Айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.



1. Ўлмас қўлидагини столга қўйиб очди. (Е.Ш.) 2. Залнинг олд қисмидаги бир неча қаторни саҳнадан тушаётган нур ёритиб турибди. (С.А.) 3. Қўшни қишлоқлардаги пахта пайкалларини оралаб, хиёл туш пайти яккатутлик деҳқонлар билан бирга ўтириб чойхўрлик қилди. (И.С.) 4. Биз «Қишлоқдаги тенгдошим» кўрсатувини мунтазам кўриб борамиз. 5. Дастёрчиликдан бўшагач, гузардаги темирчининг пастгина дўконхонасида ўтирибман. (О.)

316-машқ. Гапларни кўчириш. Ўрни белгиси шаклидаги отларни кўрсатинг.

1. Қўлида косаю, юқорига, тоғ тумшундаги ўзи бино қилдирган айвонли ҳужрага назар солди. (Қ. М.) 2. Чаккатомар ёридаги бир маромда томчилаб турувчи муздек оби зинадан ушбу косага тўлдириб сипқоради. 3. Оёғидаги баланд пошнали, узун қўнжли этиги худди бордек тош узра босган жойига миҳланиб тушади. 4. Олисидаги тоелар синмас виқор билан қад кериб қириб қолган. 5. Тўқайдаги дов-дарахтга сонсиз қовоқ осилган. (Т.А.)

317-машқ. Бошланғичи берилган ҳикояни давом эттиринг. Отларни ажратиш, таҳлил қилиш. Ҳикоянингга сарлавҳа топинг.

Илк баҳор. Ер юзи кўм-кўк ўтлар билан қопланган. Ҳаво соф ва беғубор. Фир-фир эсан кўклам шабадаси кишига завқ бағинилайди. Мана шундай баҳор кунларининг бирида мактабнинг 5-синф ўқувчилари саёҳатга боришди.

80-§. Отларнинг чегара шакли ва унинг ёзилиши

Ўқинг.

Кимнинг ақл ва шижоатини бошқалариникидан ортук кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасигача кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматиғача тақдирлаб, мартабасини янада оширар эдим.

(А.Т.)

Ажрагилган сўзларнинг маъносини айтиш.

Чегара шакли -гача қўшимчаси (га+ча) билан ясалади ва ҳаракаат, белги, ҳодисанинг ўрин, пайт, даража қабилар жиҳатидаги чегарасини билдиради. Бу қўшимча ч, ш, н, т каби жарангсиз ундош билан битган отларга қўшилиб -кача (кечкача, тушкача) тарзида талаффуз қилинса ҳам, ёзувда -гача ҳолда ёзилади. Лекин к билан битган сўзларга қўшилиб, -кача, қ, т

|| билан битган сўзларга қўшилиб -қача ҳолида талаффуз қилинади ||
ва ёзувда ҳам шу ҳолат сақланади: қишлоққача, бурчакқача.

318-машқ. Кўчиринг. Чегара шаклидаги отларни топинг ва тагига чизинг. Айтилиши ва ёзилиши тушунтиринг.

1. Икки дугона мактабгача суҳбатлашиб боришди. 2. Синфда энг кичиги бўлганиданми ёки яхши ўқиётганиданми, уни ўқувчилардан тортиб ўқитувчиларгача севиб қолишди. (*Ё.Ш.*) 3. Чакка томчилаётган жойгача анча ичкари кириб борилади. (*Қ.М.*) 4. Беҳи уруғидан тортиб ялпиз илдизигача қайнатиб ичиришди ўша куни. (*Р.А.*) 5. Москвагача поездда боришга тўғри келади. 6. Бу қўнғироқ Иссиққўл бешиқларида ҳозиргача янграб турибди. (*Ч.А.*)

319-машқ. Отнинг чегара шакли иштирок этган тўртта гап ёзинг. Қўшимчасининг тагига чизинг.

320-машқ. Шеърни ифодали ўқинг, сўнг ёддан ёзишга тайёрланинг. Келишиқ қўшимчаларини олган отларни аниқланг.

Юртимда бўлмадим бир ойдан кўпроқ,
Беруний кашф этган қитъада кездим.
Белимда турса ҳам бир сиқим тупроқ,
Еримга ҳар куни соғиниш сездим...

(*У.Т.*)

81-§. Отларнинг ўхшатиш шакли ва унинг ёзилиши

Шеърни ифодали ўқинг. Ажратилган сўзга сўроқ беринг, қандай маъно аниқлаётганини айтинг.

Нортуядек пишқириб
Авж саратон кунлари
Киран осмон рангига
Оқбура тўлқинлари,
Оқбура тўлқинлари!

Тонгдан бергай хушхабар,
Майна, булбул унлари.
Қимиздай тиниб келар
Оқбура тўлқинлари,
Оқбура тўлқинлари!

(*Т.А.*)

Бу шакл -дек, -дай қўшимчаси билан ясалади. Нутқда -дай, -дек қўшимчани сўзлар ўхшатиш маъносини билдиради.

-дай, -дек қўшимчалари синоним қўшимчалар бўлиб, -дай қўшимчаси кўпроқ сўзлашув нутқда, -дек эса кўпинча китобий нутқда ишлатилади.

321-машқ. Кўчириг, -дай, -дек қўшимчали отларнинг тагига чизинг.

1. Пахтадай оппоқ, ипакдай юмшоқ. (Топишмоқ. Қор.) 2. Ранг-баранг тақинчоқлар билан безатилган қорли тоғ чўққисидек улкан туя болаларнинг кўзини ўйнатади. (Қ.М.) 3. Форга оғзидан бўлак ёруғлик тушадиган жой бўлмагани учун у зулмат ошиёнидек қоп-қоронғу эди. (Қ.М.) 4. Чўккалаб ётган кўш ўрқачли нортуюдек бўлиб Барокуҳ назарга ташланган чоғдаёқ Мирзо кўзлари чақнаб кетар эди. (Қ.М.)

322-машқ. Топишмоқларни ўқинг. Ўхшатиш маъносини ифодалаган отни топинг. Нуқталар ўрнига топишмоқ жавобини ёзинг

- | | |
|---|---|
| 1. Бўлка нондай тўртбурчак,
Қурилишга энг керак.
Уюяовда топишмоқ лайди
Машиналар ташийди.
Баъзи бир хил иморат,
Нуқул шундан иборат.
Лойни ишлаб уюшар,
Қолипда ... куйишар. | 2. Арелондай зўр кучи,
Темирдандир чўмичи.
Чўмичида бор тиши,
Кўпга ўхшайди иши.
Бир ўзи ер ковлайди,
На чарчаб каловлайди.
Зап чуқур ковлаётир,
Бизнинг ... |
|---|---|

323- машқ. Қуйидаги расм асосида от туркумига оид сўزلардан фойдаланган ҳолда режа асосида ишро ёзинг.



Эълон

Эълон бирор билдириш, хабар мақсадида ёзилади, у бирор воқеани тўғриликка маълум қилиш учун эълон қилинадиган расмий ҳужжатдир.

Эълон эстетик дид билан, узоқдан кўзга ташланадиган қилиб ёзилади.

Эълон ёзишда қуйидагиларга эътибор бериш талаб этилади:

- 1) эълон қайси жамоага, кимларга қаратилади;
- 2) кўриладиган тадбирлар;
- 3) тадбирнинг ўтказилиш жойи ва муддати;
- 4) иштирок этувчилар;
- 5) мазкур тадбирни эълон қилган маъмуриятнинг имзоси.

Эълон нутқ маданиятига риоя қилинган ҳолда ёзилади, унда илтимос қилинади, таклиф этилади, унутилмаслиги эслатилади, сўралади, фаоллик кўрсатилиши тавсия этилади каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

Эълон намунаси

Эълон

Мактаб ўқувчилари диққатига!

Шу йил, 8 май куни, соат 12⁰⁰ Ғалаба кунига бағишлаб уруш фахрийлари билан учрашув ўтказилади.

Учрашувга барча ўқувчиларнинг иштирок этишлари сўралади.

Мактаб ёшлар уюшмаси

324-машқ. Юқоридаги намунадан фойдаланган ҳолда турли мазмундаги эълонлар матинини ёзинг.

От туркумини таҳлил қилиш

1. Сўроғи.
2. Маъносига кўра тури (атоқли, турдош от эканлиги).
3. Тузилишига кўра турлари (содда, қўшма, жуфт).
4. Келишиги.
5. Сои шакли. Кўплик қайси усул билан ҳосил қилинган.
6. Эгаллик қўшимчаси.
7. Функционал шакллари.

От туркумининг таҳлил намунаси

Нон - бебаҳо бойликдир.

Нон - от, содда от, туб от, бош келишиқда, бирлиқда, эга.

Бойликдир - от, нима сўроғига жавоб бўлади, турдош от, содда от, ясама от, бош келишиқда, бирлиқда, кесим.

325-машқ. Отларни таҳлил қилинг.

1. Мен сеvimли шоиримиз Турсунбой Адашбоевнинг «Уч бўталоқ а сирли қовоқ» шеърини китобини ўқиб чиқдим. Унда қувноқ ва ўйчан шеърлар, ҳикматбахш эртақ ва дostonлар бор. Унинг «Бобо, қанча шдасиз?», «Чуғурчуқ», «Ҳайвонот боғида» деган шеърларидан математика кечаларини ўтказишда фойдалансак бўлади. 2. АҚШдан елган ўқитувчилар ўшдаги олий ўқув юртларида дарс бермоқдалар.

Такрорлаш

1. Қандай сўзлар от туркумига киради?
2. Отларнинг қандай маъно турларини биласиз?
3. Атоқли ва турдош отлар нимани билдиради ва қандай ёзилади? Мисоллар айтинг.
4. Отнинг бирлик ва кўплик шакли деганда нимани тушунасиз? Мисоллар айтинг.
5. Ўзбек тилидаги келишиқ шакллариинг номи, сўроғи, қўшим-асини айтинг.
6. Қишлоқ, тилақ сўзларини келишиқ шаклларида айтиб, сўнг ёзинг.
7. Отларнинг яна қандай шакллариини биласиз? Мисоллар келтиринг.
8. Кичрайтиш ва эркалаш отларига 2 та гап ёзинг.
9. Мактаб, она отларига эгалиқ қўшимчалари қўшиб ёзинг.
10. Теварак-атрофимиздаги жой номларини ёзинг ва ёзилишини бошланг.

Ўқув йили охирида такрорлаш

326-машқ. Ўқинг. Матнда печта гап бор?

Улуғбек ўн беш ёшида маркази Самарқанд шаҳри бўлган овароунаҳрга ҳукмдор бўлди. Абдулла Қаҳҳор ўз ижодини шеър шқидан бошлаган. Ҳар қандай тарбия оиладан бошланади. Ер Қуёш рофини бир йилда бир марта айланиб чиқади.

Бу гаплар мати ҳосил қила оладими?

327-машқ. Матини ўқинг. Мазмуини сўзлаб беринг.

Ҳар ким дўст ортирар экан, дўсти ким эканлигини билдини муҳим. прахтининг томири қайси томонга йўналганлиги шохларига қараб лгиланади. Қуёш ботаётганда уфқ қизарса, эртага ҳаво очик

бўлишидан дарак беради. Шунга қиёс, мезбоннинг кимлиги уйига келган меҳмонга қараб билинади. Одамнинг яхши-ёмонлиги тутинган дўстига қараб аниқланади.

Матндаги асосий фикр ифодаланган гапни топиб кўчиринг.

328-машқ. Матндаги гаплар чегарасини аниқлаб, зарур тишш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Миллий либосимизнинг энг машҳурларидан бири бўлмиш дўппининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Дўппининг нафақат Ўрта Осиёда балки Афғонистон ва Покистонда Чин ва Кашмирда, Эрон ва Саудияда, Кавказ ва Уралда ҳам ардоқлаб келишади. Ҳар қайси минтақада истиқомат қилувчи халқларнинг, элларнинг дўппилари ўзига хос келиб чиқиш тарихи, тайёрлашда ишлатиладиган газламасининг хили, тайёрлаш усули, ранги, нақши ва ҳатто маълум бир шакл-шамойили билан ҳам ажралиб туради.

329-машқ. Матнини ўқинг. Нечта гап борлигини аниқлаб, Сарлавҳа тошинг, сўнг кўчиринг.

Маълумки, одамларнинг эҳтиёжини таъминлаш учун ер юзидан 50000 дан ортиқ касб бўлиб, ана шу касбларнинг барчаси одамларга хизмат қилади. Ҳар бир ёш авлод ўзига шу касблардан бирини танлаб олиб, кўпчилик қатори инсонлар сафида туриб меҳнат қилиши шарт.

Одам умрининг энг қувноқ, хушчақчақ «бобалик» деб аталган илтин даврини беҳуда ва бемақсад ўтказиб юбормаслиги керак. Шу сабабли кўпроқ меҳнат, фойдали иш билан шуғулланишга одатланмоғи керак.

Ёшлигиданоқ меҳнатдан қочган дангаса ва ишқмас одам ҳаётдан ношуд ва бебурд бўлади. Одам боласи меҳнатдан бахт топишга интилса, одамларни ўз меҳнати билан шод эта олса, бундан ҳам бахтлидир.

Хотирани синаш учун саволлар

1. Бешинчи синфда тил фанининг қайси бўлимларини ўргандингиз?
2. Фонетика ва графика бўлимида нималарни ўргандингиз?
3. Лексика бўлимида-чи?
4. Сўз ясалishi бўлимида нималарни билиб олдингиз?

330-машқ. Кўчиринг. Матндаги унли ҳарфларни ҳисоблаб чиқинг.

Иесик, дим ҳаво бўлган кун охирида қора булутлар қуюқлашиб ёмғир қуя бошлади. **Ёмғир** ёғиб ўтгач, уфқда ботаётган қуёш ярқираб

кўринди. Шу пайт ўтиб кетаётган қора булут остида етти хил аста-секин бир-бирига ўтувчи тиниқ-қизил, тўқ-сарик, яшил, зангори, кўк, бинафша рангларда худди улкан ёй каби ерга томон букилган камалак пайдо бўлди. Камалак ўзи нима? Нима сабабдан осмонда бундай мўъжиза пайдо бўлди?

Бунинг сабаби қуёшнинг бизга оқ бўлиб кўринадиган, ҳақиқатдан эса етти хил рангли ёруғлигидир.

(«У ким? Бу нима?»)

Ажратилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг

331-машқ. Саволларга жавоб ёзинг.

1. Нутқ товушлари неча хил?
2. Унли товушларни сананг.
3. Жарангли ундошларни ёзинг.
4. Аввал бир товушни ифодалайдиган ҳарфларни, сўнгра икки товушни ифодалайдиган ҳарфларни ёзинг.

332-машқ. Кўчиринг. Ҳар бир сўзда неча товуш ва ҳарф борлигини намунадагидек ёзинг.

Н а м у н а: Санъат (6;5).

Атом, илм, сийрак, бурчак, слёт, стол, бугдой, яшил, ёрдам, бед, кел, эл, тонг, онг, ёқилғи, юмшоқ.

333-машқ. Нуқталар ўрнига туширилган ҳарфларни қўйиб кўчиринг. Таллафузи ёзилишидан фарқ қилган унлининг таътига чизинг.

Кан...л, кил...метр, к...стюм, оҳ...к, т...мом, инж...пер, Н...войи, с...лом, т...лефон, сам...молёт, мат...матика, бур...н, ур...ш.

Лексика

1. Лексика бўлимида нималарни ўргандингиз?
2. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар қандай бўлади?
3. Касб-ҳунарга хос сўзларга мисол айтинг.
4. Сўз маъносининг кўчишини мисоллар орқали тушунтиринг.

334-машқ. Кўчиринг. Кўчма маънода ишлатилган сўзларнинг таътига чизинг.

1. Зумрад эрта билан сой ёқалаб булоқ бошига бораркан, йўлда учраган дола ва гуллар бошларини эгиб, унга салом берарканлар.

Зумрад майсалар устида ўтириб дам олганида, гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб унга ҳикоялар айтиб берарканлар.

Аммо худди шу гуллар Қиммат келаётган бўлса, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар.

(«Зумрад ва Қиммат» эртагидан)

335-машқ. Кўчириш. Ажратиб кўрсатилган сўз ва ибораларнинг маъносини айтиш.

1. У тўнни тескари кийиб олди. 2. Узун айтма, қисқа айт, кўп маъно бер. (*Мақол*) 3. Оқ олтиннинг қонимиз, оқ буғдойдир нонимиз. 4. Бир парча ўт бўлиб бунда кун Пахтасига ишлайди ҳар кун. 5. Фулом-жон тоғдан дили сиёҳ бўлиб қайтди. (*М.И.*) 6. Саҳнага кино юддузларидан бири кўтарилиди. 7. Тоғни урса талқон қиладиган куч бор эди.

Сўз ясалиши

Саволларга жавоб бering.

1. Сўз ясалиши бўлимида нималарни ўргандингиз?
2. Сўз ясовчи қўшимча деганда нимани тушунасангиз?
3. Ясашга асос, ясовчи ва ясалма атамаларини изоҳланг.
4. Ўзбек тилидаги сўз ясаш усулларини айтиш.

336-машқ. Қуйидаги топириқларни ёзма бажаринг.

1. Тинчлик, сўроқсиз, тинимсиз, чизик, теримчи, серҳосил сўзларини маъноли қисмларга ажратиб ёзинг.

2. 10 та ясама сўз ёзинг ва уларнинг қандай ясалганини тушунтириб бering.

337-машқ. Қуйида берилган сўзларга -а, -ла, -лаш, -қ, -и қўшимчалари билан мосини қўшиб, янги сўзлар ясанг ва ёзинг.

Сана, сайла, сайра, тара, бағишла, бўя, ишла, сўра, асра, қайра, тани, таши, ўқи, терга, курша.

338-машқ. Берилган сўзларни туб ва ясама сўзлар деб икки устунга ажратиб ёзинг.

Мусобақа, йўлдош, серҳаракат, қаймоқ, япроқ, дўстлик, чоғиш, истак, оғиз, тилак, қалит, эртақ.

339-машқ. Матнни ифодали ўқинг. Қандай тинив белгилар қўйилганлигини ва нима учун ишлатилганини айтинг. Эгаллик қўшимчаларини олган отларни кўчиринг.

Булбул нима дейди?

- Нега бунча эрта уйғондинг. қизим?
- Булбул овозини эшитдим.
- Маза қилдингми?
- Ҳа. Гапирсам, жавоб беряпти-ю, сўзини тушуномаман. Сиз у билан гаплаша оласизми?
- Албатта.
- Вуй, мунча яхши.
- Кечаси билан ухламай китоб ўқирдим. Бобом ўргатган нарсаларни такрорлардим. Ушанда озгина тиллашганман. Биттасини айтиб бераман, иккинчисини ўзинг топасан.
- Бўпти.
- Мен тўтиқушни ёмон кўраман, деган.
- Нима, тўти ёмонми?
- Чунки у фақат бировларнинг сўзини такрорлайди, холос. Ўз сўзи йўқ. Ана энди иккинчи гапни ўзинг топ.
- Топдим, дада, топдим!
- Хўш нима деган экан?
- «Фақат ўз тилингга эга бўл»:
- Баракалла, жудаям тўғри топдинг.
- (А. Уктам)

340-ашқ. Матнни ўқинг. Сўроқ бериб отларни аниқланг. Атоқли отларни кўчириб ёзинг.

Мирзоҳид Мирзараҳимов - ўшлик иқтидорли ёзувчи. У Қорасув туманидаги Нариманов қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битириб оқ вилоят «Ленин йўли» (ҳозирги «Ўш садоси») рўзномасига ишга кирди ва унинг биринчи сонини чиқаришда қатнашди. Бутун умрини, куч-қувватга тўлган ёшлик даврини журналистликка бағишлади. Шу касб ёзувчини элга танитди, обрў келтирди.

Дастлабки шеърини машқлари рўзномада юз очғач, насрда ҳам қалам тебратга бошлади. 1965 йили «Шарқ юлдузи» журналида «Висол» ва «Қовун сайли» ҳикоялари босилди. 1974-1990 йиллар орасида «Ойдин тушлар», «Оқ булутлар», «Нурли занжир», «Нурафшон олам», «Куйган кеча» китоблари босилиб чиқди.

Мирзоҳид Мирзараҳимов - моҳир таржимон. У қирғиз ёзувчиларидан Тугалбек Сидиқбеков, Тош Мияшев, Мамет Жақиповларнинг асарларини таржима қилди.

341-машқ. Кўчиринг. Отларни топиб, қайси келишик шаклида эканлигини айтинг.

1. Сўз дорига ўхшайди, ортиқчаси зарар келтиради. 2. Ҳар ким айбисиз дўст кидирса, дўсти камайиб қолади, дўстларни ранжитаверса, душман кўпаяди. 3. Инсоннинг энг гўзал, энг тўғри ва энг жиддий шиори ҳаё ва одобдир. 4. Яхшилик кўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан. 5. Меҳнатни севмаган ялқов киши ҳар турли ноқобил ишлардан тортинмайди. 6. Кўнглида гина сақлаб юрган киши ҳеч кимга мақбул бўлмайди.

342-машқ. Ҳикояни тиниш белгиларига риоя қилиб ўқинг. Увол ва завол нима эканлигини билиб олинг.

Увол ва завол

Нима увол? Нима завол? Биласизми болалар? Ота- оналарингиз айтган бўлсалар керак. Балки, тажрибали ўқитувчиларингиз уқтиргандирлар. Мабодо ораларингизда увол нима, завол нималигини ҳали билмайдиганлар бўлса, буни билиб қўйган яхши. Савобга қоласиз. Балки, савоб нима деб сўрамоқчи бўларсиз. Бунга ҳам қуйида жавоб топасиз.

Невараларимнинг энг кичкинаси, ширин-шакар, тойчоқ кўзичоғимизнинг номи - Анваржон. Юмалоққина, лўппигина. Кўзи чаросдай тим қора, ҳамиша ёниб туради. Юзида кулдиргичи бор, гапирса чехраси кулади. Ўзи шўх - ерга урса, кўкка сапчийди. Тили бийрон - сайраб кетса, ҳамгани ўзига қаратади. Лекин у ҳали увол нималигини билмайди. Қасқдан билсин, энди уч ёшга тўлди.

Анваржоннинг Ҳасан, Ҳусан номли акалари бор. Бири-биридан қувиноқ, ақл-идрокли болалар. Улар кўп нарсага биладилар. Нимадан гап очсангиз, «биламан», «ўқиганман», «телевизорда кўрганман» деб турадилар. Аммо нима увол, нима завол, улар ҳам билмас эканлар. Ота- онаси ҳамиша ишда банд, бири муҳандисларга бош, бири олима, болаларига турмуш икир-чикирларини ўргатишга вақтлари кам. Вазият ўзгариб, она тилига, миллий урф-одатларга эътибор кучайгач, улар ҳам бола тарбиясига яхшироқ эътибор бера бошладилар.

Тарбияга катта эътибор кенжаси Анваржондан бошланди. Анваржонни чақирсангиз «лаббай» дейди. Иш буюрсангиз «хўп» деб бажо қилади. Бировдан бирор нарса сўрамоқчи бўлса, «илтимос»,

«марҳамат қилиб», деган сўзларни қўшиб ишлатади. Ҳар кўрганида «Ассалому алайкум» ни такрорлаб, сал нарсага «рахмат» деб туради, аяш, авайлаш ва ачинишни биладиган раҳмдил, аммо увол деган нарсани тушунмайди. Негаки, улар бизнинг болалигимизга нисбатан серобгарчиликда эркин ўсаяптилар.

Кунларнинг бирида тўкин дастурхон атрофида жам бўлдик. Неваралар ҳам қаторда. Болалар нонни уватиб, ушоғини ерга тўкиб ер эдилар. Ибрат кўрсатиш учун полга энгашиб, гилам устидаги ушоқларни битталаб териб, уларни кўзимга суртиб, тоза ликопчага солдим. Болалар ҳайрон қолишди. Уларнинг чоракам юз ёшга кириб қолган бобоси ерга энгашиб, ифлос бўлган ушоқни битталаб териб оляпти. Қариганда мунча хасис бўлмаса.

-Увол бўлади, - деди ҳанг-манг турган Анваржонга.

-Увол? Нима, шунинг оти уволми? - бийрон сўради у.

-Бунинг оти ушоқ, - дедим мен унга. -- Нон ушоғи ерга тушса, увол бўлади. Нонни увол қилганлар заволига қолади. Яъни буғдой эккан деҳқон, буғдойни ун қилган тегирмончи, унни ҳамир қилгану ўт қалаб тандир қиздирганлар, оташга бош суқиб нон ёпган нонвой билан ун дўконга келтириб берган аравакаш ва харидорга сотган нонфурушларнинг қарғишига қолишини эринмай тушунтирдим.

Кейин болаларга ликопдаги ушоқларни кўрсатиб, ҳар уйда ҳар бир бола шунчадан ушоқ нонни увол қилса, Ўшнинг ўзида қанча нон увол бўлишини ҳисоблаб бердим. Қанчадан-қанча инсонлар меҳнати исроф бўлади. Бир вақтлар бир ушоқ нонга ҳам зор бўлганмиз. Африкада ҳозир ҳам миллион-миллион болалар бир ушоқ нонга муҳтож. Оч. Биз эса нонтепкилик қиляпмиз.

Акалари уялгандай ерга қараб ўтирарди. Анваржон «увол» бўлган нонга ачинганданми, ликопдаги ушоқларни оғзига солмоқчи бўлди. Қўй уни ема, десак, увол бўлиб кетадими, нон қилганлар қарғамайдими, деб кўзимга боқди, Буни энди увол қилмаслиқнинг йўли бор, дедим-да, икковлон дераза олдида шумшайиб турган мусичаларга бердик савоб бўлади. Мусичалар оч экан, ушоқни битта қўймай еб олишди ва тўё илтифотга ташаккур изҳор қилгандай Анваржонга мўлтиллаб боқишди.

Уволнинг заволига қолмаганидан ва мусича болаларини тўйдириб савоб топган Анваржоннинг шодлигини кўрсангиз эди. Ўшандан бери Анваржон нонни авайлаб ушлайди. Ҳатто акаларига ҳам «увол қилманглар» деб ўргатиб туради.

(И. Раҳим)

Матнга содда режа тузиб, қайта ҳикоя қилиб бериш.

Билимингизни синаб кўринг

1. Кўчма маъноли сўзлар қайси қаторда берилган?

- А. Қизил кўйлак, оқ дафтар.
- Б. Олтин соат, кумуш тиш.
- В. Тошбағир, пўлат ирода.
- Г. Кумуш қошиқ, тош йўл.
- Д. Бош мавзу, бош масала.

2. Синонимлар қайси қаторда берилган?

- А. Ёзди, ўқиди, айтди.
- Б. Берди, олди.
- В. Ёш, от, ёз.
- Г. Ватан, юрт, диёр.
- Д. Пушаймон, машқ, намуна.

3. От гапда кесим бўлиб келган қаторни топинг.

- А. Саида савол берди.
- Б. Сумалак - баҳорги таом.
- В. Муҳаррир сўзини тугатди.
- Г. Тўртнинг ярми-икки.
- Д. Осмон тиниқ.

4. Буюм-нарсани оти ясовчи кўшимчалар берилган қаторни аниқланг.

- А. -чи, -дош, -паз.
- Б. -зор, -лоқ, -истон.
- В. -гич, -дон, -ма.
- Г. -лик, -чилик, -гарчилик.
- Д. -бон, -хон, -шунос.

5. «Тегирмонга тушса бутун чиқади» ибораси қайси сўзга маънодош.

- А. Ўжар.
- Б. Ёлғончи.
- В. Хира.
- Г. Тегажоқ.
- Д. Уддабурон.

Биз билан юр, эй ўртоқ!

Ҳавас қайнайди дилда,
Беш баҳолар табелда,
Биз борамиз лагерга,
Дам олгани хушчақчақ,
Биз билан юр, эй ўртоқ!

Бизни кутар гулбоғлар,
Салқин дарё, қирғоқлар,
Юксак чўққи, зўр тоғлар,
Борамиз қўлда байроқ,
Биз билан юр, эй ўртоқ!

Спортчимиз энг илғор,
Чопсак зўрға кўз илғар,
Катта тўшимиз ҳам бор,
Ер шаридай думалоқ,
Биз билан юр, эй ўртоқ!

Лагерда дўстлар билан
Ёқамиз катта гулхан,
Тилимиз турли-туман
Мақсадимиз бир ҳар чоқ,
Биз билан юр, эй ўртоқ!

(Ю. Шомансур)

Шартли қисқартмалар:

- | | |
|---------------------------------|--|
| А.О. – Абдулла Орипов | У. Т. – Усмон Темур |
| А.Т. ў. – Амир Темур ўғитлари | Х.о.и. – Халқ оғзаки ижоди |
| А.Қ. – Абдулла Қаҳҳор | Ч.А. – Чингиз Айтматов |
| Аҳ. М. – Аҳмаджон Муҳаммаджонов | Э.В. – Эркин Воҳидов |
| Б.Э. – Болалар энциклопедияси | Ў.Ҳ. – Ўткир Ҳошимов |
| Ё.Ш. – Ёқубжон Шукуров | "Ў.с." – "Ўш садоси" |
| И.Р. – Иброҳим Раҳим | Қ.М. – Қуддус Муҳаммадий |
| «М.» – Манас | Қ.Р.К. – Қирғизистон Республика-
си Конституцияси |
| О. – Ойбек | Қ.Мир. – Қўлдош Мирзо |
| П.Қ. – Пиримкул Қодиров | Қ.Т. – Қаримшоқ Тошбоев |
| С.А. – Саид Аҳмад | Ғ.Ғ. – Ғафур Ғулум |
| С.З. – Саида Зуннунова | Ҳ.О. – Ҳамид Олимжон |
| Т. А. – Турсунбой Адашбоев | |
| Т.С. – Турсуной Содиқова | |

Оқуу басылмасы
А.Нурманов, Б.Шербабаева, У.Ибрагимова, Р.Шакирова

ЭНЕ ТИЛИ
5^а класс учун оқуу китеби
(өзбек тилинде)

Учебное издание
А.Нурманов, Б.Шербабаева, У.Ибрагимова, Р.Шакирова

РОДНОЙ ЯЗЫК
учебник для 5^а класса
(на узбекском языке)

Ўқув наشري
А.Нурманов, Б.Шербабаева, У.Ибрагимова, Р.Шакирова

ОНА ТИЛИ
5-синф учун дарслик

Биринчи наشري

Муҳаррир: С.Холтўраев
Расом: А.Жэзйбаев
Тех. муҳаррирлар: Д.Султонамедов,
Д.Аббасова
Корректор: З.Мадраҳимова

Амирова Мажидулдина

"5" 9
2015 й. б.

ИБ № 1234

Теринга 22.03.2003. рухсат берилди. Босишга 12.10.03 имзо чекилди. Офсет қоғоз № 1.

Формат 70x90 $\frac{1}{16}$ "Таймс" гарнитураси. Шартли босма тобоғи 8,0 б. т.

Адади 15000 нуска. Буюртма № 1764. Баҳоси келишим асосида.

Договор № 13 от 26.10.04

«Учкун» ААК басмаканасида басылди.

720031, Бишкек, С. Ибраимов кочасу, 24



